

ЖОРЖ СИМЕНОН

МЕГРЭ ВА ДАЙДИ

Роман

Тошкент
«Адолат»
1999

Сименон Ж.

Мегрэ ва дайди. Мегрэ министр ҳузурида: Романлар. — Т.: «Адолат», 1999. — 232 б.

Француз ёзувчиси Жорж Сименон ўзининг полиция комиссари Мегрэ ҳақида ёзган қатор психологик-детектив романларида юз берган жиноятнинг бутун тафсилотини қизиқарли эпизодларда фош қилиш билан бирга, айни чоғда мазкур жамият ҳаётида учраган иллат ва нуқсонларни ҳам шафқатсиз танқид остига олади. Бу тўпламда китобхон Муаллифнинг комиссар Мегрэ фаолиятидан ҳикоя қилувчи «Мегрэ ва дайди» ҳамда «Мегрэ министр ҳузурида» романиларини ўқийди.

Русчадан Низом КОМИЛОВ таржимаси.

С $\frac{4703000000-012}{(04)-99}$ Б—98.

© «Жазушы», 1981.

© «Правда», 1982.

© «Адолат», 1999, таржима.

Орфевр соҳилидан Мари кўприги томон кета туриб, Мегрэ негадир бирдан тўхтади-ю, яна бамайлихотир йўлида давом этди, буни ёнида бораётган ҳамроҳи Лапуэнт сезмади ҳам. Комиссар шу лаҳзада ўзини шеригидан навқирон ва бардам ҳис қилмоқда эди.

Эҳтимол бунга мусаффо, тотли ва дилни қитиқловчи ажиб баҳор ҳавоси сабаб бўлгандир. Бир вақтлар Жиноят қидирув полициясининг кўча тартибини сақлаш бўлимига эндигина инспектор этиб тайинланган ёш Мегрэ худди мана шундай офтоб чарақлаб турган тонг палласида Париж кўчаларида узоқ сайр қилган эди.

Гарчи қиш аллақачон тугаб, март охирлаб қолган бўлса ҳам баҳор фақат бугун -- йигирма бешинчи мартда чинакамига ўзини кўрсата бошлади. Ҳаво очиқ, осмон шишадай тиниқ. Аммо кечаси момақалдироқ гумбурлаб, роса жала қуйди. Бугун биринчи марта Мегрэ пальтосини кабинетда қолдирган, енгил шабада тугмалари ечиқ камзулининг этакларидан тортқилар, комиссар бундан роҳатланарди.

Мегрэ қўлларини орқасига қилганча ўнгу сўлига нигоҳ ташлаб бораркан, кўпдан ўзига ёд бўлиб кетган нарсаларни ҳам эътиборидан соқит қилмасди.

Бундай қисқа сайр учун Жиноят қидирув полициясининг ҳовлисида турган қора машиналардан бирини олиш шарт эмас эди, бинобарин, улар яёв йўлга чиқишди. Бибимарям Ибодатхонаси эшиги олдида изғиб юрган бир тўп каптар булардан ҳуркиб, дув осмонга кўтарилди. Сал нарида, майдон четида Кёльндан келган туристларнинг каттакон сариқ автобуси турарди.

Темир кўприкчадан Сен-Луи оролига ўтишди, шунда Мегрэ деразалардан бирида оппоқ тўр ёқали қора кўйлак кийган ходима қизни кўрди. У қиз хиёбонларда қўйиладиган спектаклларнинг қаҳрамонини эслатарди. Сал нарироқда оқ пешбоғ тутган қассоб ёрдамчиси гўшт сотарди. Бир йўлакдан почтальон чиқиб келди.

Тонгда юз очган куртаклар дарахт шохларини сўлим кокилга айлантириб юборганди.

— Сенада сув ҳалиям баланд, — деди шу пайтгача тўрқ этмай келаётган Лапуэнт.

Дарҳақиқат, дарёда сув кўп эди. Қарийб бир ой ти-

нимсиз ёмғир қуйди. Ҳар куни кечқурун телевизорда сув остида қолган шаҳар ва қишлоқларни кўрсатишарди. Сецанинг лойқа тўлқинлари ҳар турли буюмлар, эски яшиқлар ва синган дарахт шохларини лапанглатиб оқи-зиб борарди.

Мегрэ билан Лапуэнт Бурбонлар соҳили ёқалаб Мари кўпригига етиб келишди ва кўприкдан ўта туриб, пастда қозиққа боғлоглиқ турган кулранг баржага диққат билан разм солишди. Баржанинг олдқисмига чизилган учбурчак шаклидаги оқ-қизил белгига қараганда у сувда юк ташувчи компанияга тегишли эди. Баржа «Пуату» деб аталарди. Унинг юкхоналарини қумдан бўшатаётган кўтарма краннинг тарақа-туруқи шаҳар ғала-ғовурига омухта бўлиб кетаётганди.

Кўприкдан юқорироқда, «Пуату»дан эллик метрлар чамаси нарироқда яна бир баржа турарди. У ниҳоятда озода ва кўркам эди. Баржа қуйруғида Бельгия байроғи ҳилпирар, оппоқ рубка ёнида, каноп беланчакда бир бола ухлаб ётарди. Баланд бўйли малла соч эркак, худди бировни кутаётгандай, нуқул соҳил томонга тикиларди.

Баржа четига олтин ҳарфлар билан: «Зваарте Зваан»¹ деб ёзилганди. Фламандча бу номнинг маънисига на Мегрэ, на Лапуэнт тушунди.

Соат ўнга яқинлашиб қолган эди. Полициячилар Селестэн соҳилига чиқишди; улар энди бандаргоҳга тушмоқчи бўлиб туришган эди, бир машина келиб тўхтаб, ундан учта эркак тушди.

— Ният холислигини қаранглар-а! Ҳаммамиз бир вақтда жам бўлдик...

Булар ҳам Адолат саройидан, аммо бинонинг бошқа қисмидан — мартабаси баландроқ кишилар, яъни суд маҳкамаси амалдорлари ишлайдиган қисмидан келишганди. Биринчи прокурор ёрдамчиси Парран, иккинчиси судья Данцигер, учинчиси суд котиби бўлиб, гарчи илгари минг мартаба кўрган бўлса ҳам Мегрэ бу қариянинг фамилиясини эслай олмади.

Ўз юмуши билан шошиб кетаётган йўловчилар ҳам, йўлкада ўйнаб юрган болалар ҳам — ҳеч ким жиноят содир бўлган жойга шу тобда прокуратура ходимлари келиб турганини билмасди, албатта. Мундоқ фараҳбахш баҳор кунини қаёқда-ю, жиноят деган мудҳиш нарсани қа-

¹ Зваарте Зваан (фламандча) — «Қора қув».

ёқда! Прокурор ёрдамчиси чўнтагидан тилла тамаки-донини чиқазиб, беихтиёр Мегрэга узатди, аммо унинг оғзида трубкаси бор эди.

— Э, кечирасиз, кўрмабман...

У баланд бўйли, озгин, башанг кийинган малла киши эди. «Олифтагарчилик прокуратура ходимларига теккан касал», — деган ўй ўтди яна комиссарнинг кўнглидан. Аммо хўппа семиз, пакана судья Дандцигер жуда одми кийинган эди.

— Хўш, кетдикми, жаноблар?

Улар тош зинапоядан сув бўйига, баржага яқин ерга тушишди.

— Шуми?

Мегрэ ҳам ҳамроҳларидан кўп нарса билмасди. У тунда рўй берган барча ҳодисаларнинг қисқа баёнини эрталаб полиция ахборотидан ўқиб билди, ярим соат бурун эса телефон жиринглаб, ундан прокуратура ходимлари билан бирга жинойт содир бўлган жойга боришни илтимос қилишди.

У «йўқ» демади. Қайтанга яхши: очик ҳаво, эски танишлар. Бешовлон баржа томон юришди. Баржа билан соҳил ўртасига тахта ташлаб қўйилган эди.

Бояги новча малла киши буларнинг истиқболига қараб юрди.

— Қўлингизни беринг, — деди у олдинда бораётган прокурор ёрдамчисига. — Эҳтиёт шарт-да. Тўғрими?

У фламандча лаҳжада гапирарди. Дағал юзи, кўк кўзлари, бақувват билаклари, ҳатти-ҳаракати — буларнинг бари узоқ масофани босиб ўтиб, матбуот учун интервью бераётган спортчи-велосипедчини эслатди.

Қум тушираётган краннинг шовқини бу ерда, соҳилнинг ўзида янаям қаттиқроқ эшитиларди.

— Исмингиз Жозеф ван Гутми? — деб сўради Мегрэ бир парча қоғозга тез кўз югуртириб.

— Ҳа, мосье. Жеф ван Гут.

— Кеманинг эгаси сиз бўласизми?

Рубка томондан келаётган лаззатли таомнинг ҳиди димоққа урилди. Пастда, зина ёнида ёш бир жувон уймаланарди.

Мегрэ беланчакка ишора қилди.

— Уғлингизми?

— Йўқ, ўғил эмас, мосье, қизалоқ. Исми Йоланда. Синглимнинг исми ҳам Йоланда, у қизимнинг чўқинтирган онаси...

Гапга прокурор ёрдамчиси аралашди, котиб ёзишга тайёрланди.

— Қандоқ бўлганини сўзлаб беринг.

— Бажонидил. Уни сувдан олиб чиқдим, анови баржадаги одам ёрдам берди.

Жеф «Пуату»ни кўрсатди, баржанинг қуйруғида бир одам штурвалга энгашганча булар томон тикилиб турар, афтидан, гувоҳлик бериш навбатини кутар эди.

Кетма-кет сирена овози эшитилди, уларнинг ёнидан шатакчи бир кема тўртта баржани судраганча оқимга қарши аста сузиб ўта бошлади. Ҳар бир баржа «Зваарте Зваан»га яқинлашганда Жеф ван Гут саломатлашгандай ўнг қўлини кўтариб қўярди.

— Чўкаётган одамни танирмидингиз?

— Умримда кўрмаганман.

— Бу соҳилда анчадан бери турибсизми?

— Кеча кечқурун келувдим. Жемондан Руанга шифер олиб кетяпман. Қоронги тушгунча Париждан ўтиб, Сюрен шлю и ёнида тунамоқчи эдим... Қарасам, двигатель қилиқ чиқаряпти. Биз, дарёчилар, Парижда тунашни унчалик ёқтирмаймиз.

Мегрэ анча нарида, кўприк остида юрган икки-учта дайдиларни кўрди. Уларнинг орасида семиз бир аёл ҳам бор эди. Комиссар уни илгари ҳам қаердадир кўргандай эди.

— Нима бўлди? У ўзини сувга ташладими?

— Ишонгим келмайди, мосье! Унақа бўлса ёнидаги икки одамнинг кўзи қаёқда эди?

— Соат неча эди? Уша пайтда қаерда турўвдингиз? Кечқурун юз берган ҳамма воқеани батафсил гапириб беринг. Бу ерда қоронги тушмаедан олдин тўхтаганмидингиз?

— Худди шундай.

— Кўприк остида юрган дайдига кўзингиз тушган, тўғрими?

— Кўз тушиши нимаси? Унақалар донм шунақа жойларда юришади.

— Кейин нима қилдингиз?

— Овқатландик — Хуберт, Аннеке, мен-учовимиз.

— Хуберт ким?

— Укам. Мен билан ишлайди. Аннеке — хотиним, исми Анна, бизда Аннеке дейишади.

— Кейин-чи?

— Укам кийиниб, танцага кетди. Уйнайдиган пайти-да, нима дедингиз?

— Еши нечада?

— Йигирма иккида.

— Ҳозир шу ердами?

— Дўконга кетувди, ҳали-замон кепқолади.

— Кечки овқатдан кейин нима иш билан машғул бўлдингиз?

— Двигателни титкиладим-да. Қарасам, мой оқаётган экан. Эрталаб жўнаб кетмоқчи эдим, бўлмади. Бу аҳволда юриб бўладими!

Фламандиялик адлия ходимлари билан биринчи бор муомала қилаётгани сабабли уларга ҳадиксираб тикиларди.

— Соат нечада ишни тугатдингиз?

— Кеча улгуролмадим, эрталаб ниҳоясига етказдим.

— Чўкаётган одам бақирганида қаерда эдингиз?

Жеф ялтираб турган кема саҳнига тикилганча бошини қашлади.

— Аввал папирос чекиш ва Аннекедан хабар олиш учун бу ёққа чиқдим.

— Соат нечада?

— Унлар эди чамаси, аниқ эсимда йўқ.

— Аннеке уйғоқ эканми?

— Йўқ, мосье. Ухлаб ётган экан. Бола ҳам. Қизим баъзан кечаси билан йиғлаб чиқади. Тиши чиқяпти-да.

— Кейин двигателни тузатгани тушдингиз?

— Шундоқ бўлди.

— Рубка қоронғи эдими?

— Ҳа, мосье, хотиним ухлаётган эди-да.

— Тепада ҳам чироқ ўчганмиди?

— Албатта.

— Хўш, кейин-чи?

— Орадан анча-мунча вақт ўтди, бир маҳал қулоғимга машина моторининг овози чалинди, кейин у тормоз бергандай бўлди...

— Чиқиб қарамадингизми?

— Йўқ, мосье. Нима кераги бор?

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Сал ўтмай «шалоп» этган товуш эшитилди.

— Худди биров сувга йиқилгандай-а?

— Ҳа, мосье.

— Кейин-чи?

— Аста зинага тирмашиб, дарчадан мўраладим.

- Шунда нимани кўрдингиз?
- Машинага қараб чошиб бораётган икки одамни.
- Машина турган эканми?
- Ҳа, мосье. Чиройли машина, «Пежо — 403».
- Шунақа ёруғмиди машинанинг қанақалигини билиб бўладиган?
- Айни ўша ерда симчироқ бор-да. Бўйи пастроғи елкадор, оқиш ёмғирпўш кийган.
- Униси-чи?
- Унисини яхши кўролмадим, биринчи бўлиб машинага ўтирдию моторни юргизди.
- Рақамини эслаб қололмадингизми?
- Қанақа рақам?
- Машинанинг рақамини-да?
- Иккита тўққиз, охири етмиш беш, ёдимда қолгани шу.
- Бақирини қачон эшитдингиз?
- Ҳалигилар жўнаб кетганидан кейин.
- Демак, сувга ташланган одам бақиргунга қадар орадан маълум вақт ўтган, акс ҳолда олдинроқ эшитган бўлардингиз, шундайми?
- Ҳа, мосье, эҳтимол. Кечаси кундузгига қараганда шовқин камроқ-да.
- Соат неча эди ўшанда?
- Ярим кечадан ўтган эди.
- Кўприк устида ҳеч ким йўқмиди?
- Тепага қараганим йўқ.

Шу пайт соҳилда одам тўплана бошлади: баржа соҳибини ўртага олиб, нима ҳақдадир гаплашаётган адлия ходимларини ўткинчи одамлар қизиқиб кузатишарди. Мегрэнинг назарида дайдилар ҳам баржага яқинлашгандай бўлишди. Крап ҳамон гийчиллаб ишлар, бирин-кетин келиб турган машиналарга «Пуату» ўз юкхоналаридаги қумни тўкарди

- Қаттиқ бақирдимми?
- Ҳа, мосье.
- Нима деб бақирди? Ёрдамга чақирдимми?
- Бир нималар деб бақирди-да, кейин жим бўлиб қолди.
- Сиз нима қилдингиз?
- Қайиққа сакраб, арқонини бўшатдим...
- Чўкаётган одамни дарров кўрдингизми?
- Йўқ, мосье. «Пуату»нинг хўжайини ҳам бақирди-

ни эшитган шекилли, кема саҳнида зир югуриб, чангак билан алланимани тутишга урина бошлади.

— Гапираверинг.

Фламандиялик йигит юз берган воқеани жон-жаҳди билан тушунтиришга уринар, афтидан, бу унга осон бўлмаётган эди шекилли, пешонаси реза-реза тер билан қопланганди.

— Чўкаётган одам доим назарингизда бўлдими?

— Йўқ. У гоҳ кўринар, гоҳ кўздан ғойиб бўларди.

— Сув домига тортган пайтларда-да, шундайми?

— Ҳа, мосье, оқим уни суриб кетаётганди.

— Қайиғингизни ҳам, албатта.

— Ҳа, мосье... Қўшним қайиққа сакради.

— «Пуату»нинг эгаси-да?

Жозефга суҳбатдошининг саволлари эзмаликдай туюлдими, бир уф тортиб қўйди. Унинг учун бу жўн бир ҳодиса эди чамаси, бунақа воқеаларга у кўп дуч келган.

— Икковларинг уни сувдан тортиб олдинглар-а?

— Шундоқ бўлди.

— Аҳволи қанақа эди?

— Кўзлари очиқ эди... Қайиққа чиқариб олганимиздан кейин қуса бошлади.

— Ҳеч нарса демадими?

— Йўқ, мосье.

— Қўрқиб кетгандир-да?

— Йўқ, мосье.

— Ўзини қанақа тутди?

— Қанақа тутарди? Чўзилиб ётипти, оғзидан нуқул сув чиқади...

— Кўзлари ҳамма вақт очиқ турдими?

— Ҳа, мосье, ўлиб қолдими, деган хаёлга ҳам бордим.

— Ердамга чақирдингизми?

— Йўқ, мосье. Мен чақирганим йўқ...

— Шеригингиз чақирдими?

— Йўқ. Кўприк устидан биров қичқириб қолди.

— Демак, Мари кўприги устида кимдир кузатиб турган экан-да?

— Ҳа, мосье. Биров чўкдими, деб сўради. Мен «ҳа» деб жавоб қайтардим. Ҳозир полицияга хабар қиламан, деди ҳалиги одам.

— Хабар қилдими?

— Албатта. Сал ўтмай велосипедда иккита полициячи етиб келди.

Ёмғир ёга бошлаганмиди?

— Жабрдийдани баржа саҳнига тортиб чиқараётган пайтимизда момақалди роқ гумбурлай бошлади.

— Сизнинг баржангиз саҳнигами?

— Ҳа.

— Хотинингиз уйғондими?

— Рускада чироқ ёниқ эди. Аннеке пальтосини елкасига ташлаб, бизни кузатиб турган экан.

Қонга қачон кўзингиз тушди?

— Уни штурвал ёнига ётқизган пайтимизда. Бошидаги ёриқдан қон силқиётган эди.

— Ёриқдан?

— Ҳа, тешикдан-да... Билмадим сизлар нима дейсизлар...

— Полициячилар тез келишдими?

— Уша заҳотнёқ...

— Сизларга овоз берган йўловчи-чи?

— Уни қайтиб кўрмадим.

— Кимлигини билмайсизми?

— Йўқ, мосьс.

Тунда содир бўлган ва Жеф ван Гут тутилиб-тутилиб, худди фламандчадан таржима қилаётгандай қийналиб ҳикоя қилиб берган бу даҳшатли воқеани офтоб чарақлаб турган бир пайтда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам оғир эди.

— Демак, дайдини олдин бошига бир нарса билан уриб, кейин сувга улоқтиришган, шундайми?

— Доктор шунақа деди. Полициячилардан бири қайтиб кетиб, дарров докторни бошлаб келди-да. Кейин «тез ёрдам» етиб келди. Ярадорни олиб кетишганидан сўнг баржа саҳнини роса ювдим — анча-мунча қон ҳалқоб бўлиб қолган эди.

— Сизнингча, шима воқеа юз берган?

— Билмадим, мосьс...

— Сиз полициячиларга...

— Кўнглимдагини айтдим. Ё нотўғри қилибманми?

— Нима дедингиз уларга?

— Бу шўрлик кўприк остида ётган бўлиши керак, дедим.

— Уни илгари кўрмагансиз-ку?

— Эслолмаяпан... Кўприкларнинг остида ҳар доим одамлар тунашади-ку...

— Ҳа, яхши... Давом этинг. Демак, машина келиб тўхтади...

— Ҳа, ҳа, қизил машина. Буниси аниқ.

— Баржангизга яқин жойда тўхтадимми?

Жеф бош силкиб, соҳилга ишора қилди.

— Мотори ўчирилмаганмиди?

Бу гал у рад маъносида бош чайқади.

— Демак, оёқ товушларини эшитдингиз?

— Ҳа, мосъе.

— Икки кишининг оёқ товушимиди?

— Иккитасига кўзим тушди, бу пайт улар машинага қайтишаётган эди.

— Кўприк олдида келишганини кўрмадингизми?

— Пастда мотор титкилаётган эдим.

— Хуллас, ўша иккалови — бири оқниш ёмғирпўш кийган — ухлаб ётган дайдини бошига уриб, кейин Сенага ташлашган, десак бўлади. Шундайми?

— Мен тепага югуриб чиққанамда, у сувда эди.

— Тиббиёт хулосасида, жабрланувчининг боши сувга йиқилган пайтида ёрилмаган... ҳатто тошга теккан тақдирда ҳам бундай бўлиши мумкин эмас, дейилган.

Ван Гут адлия ходимларига, бу ёғининг менга алоқаси йўқ, дегандай қаради.

— Хотинингизни сўроқ қилсак майлими?

— Бемалол. Лекин у гапингизга тушунмайди, чунки Аннеке фақат фламандчани биледи.

Прокурор ёрдамчиси, бошқа саволингиз йўқми, дегандай Мегрэга қаради. Комиссар бош чайқади. Мабо-до бирор савол туғилган тақдирда ҳам у буни прокуратура ходимлари кетгандан кейин берган бўларди.

— Биз йўлга чиқаверсак бўладими? — деб сўради баржа эгаси.

— Фақат кўрсатмаларингизни имзолаб, бораётган манзилингизни айтсангиз бас.

— Руанга кетяпман.

— Бундан кейин ҳам қаердалигингизни бизга маълум қилиб туришингизга тўғри келади. Қотибим қўл қўйишингиз лозим бўлган қоғозларни олиб келади.

— Қачон?

— Тушдан кейин.

Бу жавоб Жеф ван Гутга унчалик ёқмади.

— Дарвоқе, укангиз баржага қай пайтда қайтиб келди?

— «Тез ёрдам» машинаси жўнаб кетиши биланоқ.

— Ташаккур.

Жеф ван Гут яна жаноб Паррен ва унинг ҳамроҳла-

рига энсиз тахтадан соҳилга ўтишда ёрдамлашди. Адлия ходимлари кўприк томон йўл олишди. Баржа яқинида турган дайдилар ўзларини четга олишди.

— Бу воқеа тўғрисида фикрингиз қандай, Мегрэ?

— Бошим қотиб қолди. Ғалати ҳодиса. Бошпанасиз бир дайдига хужум қилиш кимга керак бўлиб қолдикин? Бунақаси кам учрайди.

Мари кўприги остида, тош устуннинг ёнгинасида итнинг каталагидай хароб бир кулба сўппайиб турарди. Шунга қарамай у қанчадан-қанча бечораю нотавонларга вақтинчалик бўлса ҳам бошпаналик вазифасини ўтарди.

Жаноб Парреннинг анграйиб қолганини кўриб, Мегрэ мийиғида бир кулиб қўйди-ю, сўнг тушунтирди:

— Бунақа кулбалар Париждаги ҳамма кўприкларнинг остида бор. Шунақалардан бири Жиноят қидирув полицияси биносининг рўпарасида ҳам қаққайиб турибди.

— Полиция бирор чора кўрмаяптими?

— Фойдаси йўқ, биринчи йўқотсанг, иккинчиси пайдо бўлаверади.

Бу антиқа ҳужра, одатда, эски яшиқлар ва брезент лахтақларидан «қурилларди». Ҳажми шундоқки, бир одам базўр сиғади. Шунда ҳам гужанак бўлиб ётиши керак. Ерга тўшалган йиртиқ аёл, похол ва эски газеталардан могор ҳиди келади.

Жаноб Паррен жабрдийданинг нарсаларига қўл теккизишдан ирганди, бинобарин, бор лаш-лушларни Мегрэнинг ўзи куздан кечиршига тўғри келди.

Таги тешилиб, оғзига панжара ўрнатилган дегча ўчоқ вазифасини ўтарди. Ичида бир ҳовуч кул, аллақайси гўрдан териб келинган уч-тўрт дона писта кўмир. Комиссар похол тўшакни титкилаган эди, ичидан икки бурда қотган поп билан ит ҳам ҳидламайдиган колбаса қолдиғи чиқди. Бурчакда эса қандайдир китоблар сочилиб ётарди:

— Верленнинг «Донишмандлик» асари, Боссюэнинг «Тобут узра айтилган нутқлар»и...

Мегрэ ерда ётган бир журнални қўлига олди. Журнал, афтидан, узоқ вақт ёмғирда қолган ва ахлат яшигидан топиб олинган. Бу «Тиббиёт ахборотлари»нинг эски бир сони эди.

Ниҳоят, яна бир китобнинг бир бўлаги — «Муқаддас Елена оролидан битиклар»нинг иккинчи қисми.

Судья Данцигер прокуратура ходимидан ҳам беш-баттар гарангсиб қолган эди.

— Бу одамнинг китоб танлаши ғалати экан, бири боғдан, бири тоғдан-а, — деб ғўлдираб қўйди судья.

— Эҳтимол, тасодифан шундай бўлиб қолгандир, — дея ўз фикрини билдирди Мегрэ.

Йиртиқ адёл остидан қийимнусха нарсалар ҳам топилди: ҳамма ёғига бўёқ чапланган кулранг свитер, афтидан, биронта рассомники бўлса керак; сарғиш тикдан тикилган шим; тагчарми ейилиб кетган кигиз шиппак; беш жуфт пойма-пой пайпоқ. Ва, ниҳоят, учи синган қайчи.

— Тирикмикин у? — деб сўради бит-мит илашиб қолишидан қўрқиб, ҳамон анча нарида турган прокурор ёрдамчиси.

— Бир соат олдин касалхонага қўнғироқ қилганимда тирик эди.

— Омон қолишига умид бор эканми?

— Ҳаракат қилишяпти... Бечоранинг бош суяги синган, бундан ташқари, дўхтирлар, зотилжам бўлиб қолмасайди, деб хавотирланишяпти.

Мегрэ синган болалар аравачасини беихтиёр орқа-олдинга ғилдирата бошлади, афтидан, дайди ахлат яшиқларини титкилашга мана шу аравачаси билан борса керак. Сўнг бирдан буларни кузатиб турган жулдурвоқиларга ўгирилиб, ҳаммаларига бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Уларнинг баъзилари дарров юзини четга бурди. Бошқалари эса лоқайд бақрайиб тураверди.

— Ҳой, бери кел! — деб чақирди Мегрэ бир аёлни бармоғи билан имлаб.

Агар бу воқеа ўттиз йил бурун, Мегрэ кўча тартибини сақлаш бўлимида ишлаб юрган пайтларида содир бўлганида, у буларга номманом мурожаат қилган бўларди, зеро у пайтларда Париждаги дайдиларнинг кўпчилигини шахсан танирди.

Дарвоқе, ўшандан бери дайдилар кўпам ўзгаргани йўқ. Фақат сал камайди, холос.

— Қаерда тунайсан?

Аёл комиссарнинг кўнглини ийдирмоқчи бўлгандай ғалати кулимсираб қўйди.

— Ҳов анови ерда, — деди у Луи-Филипп купригига ишора қилиб.

— Кечаси сувдан тортиб олинган одамни танирмидинг?

Аёлнинг юзлари салқиган, оғзидан вино ҳиди анқиб турарди. У бош силкиди.

— Уни табиб дейишарди.

— Нима учун?

— Каллали одам эди-да. Илгари ростдан ҳам дўх-тир бўлган экан.

— Кўпдан буён кўприк остида яшармиди?

— Анча йил бўлди.

— Аниқроғи?

— Қайдам... Йиллар ҳисобидан адашиб кетганман...

Аёл шундай деб, хохолаб кулди ва юзига тушиб турган оппоқ сочларини қўли билан орқага қайтарди. Индамай турганида унга олтмиш ёшлар бериш мумкин, аммо оғиз очди дегунча тишсиз жағи ликиллаб, янаям қарироқ кўринарди. Илло, кўзларида ёшлик чоғидан қолган табассум ўйнаб турар ва гоҳ-гоҳ гўё гувоҳликка чақиргандай, ёнидаги шерикларига қараб қўйиб:

— Ё гапим нотўғрими? — деб сўрарди улардан.

Дайдилар комиссар ва унинг атрофидаги башанг кийинган жаноблар олдида ўзларини ноқулай сезиб, тортиниб-қимтиниб бош иргашарди.

— Ҳамма вақт шу кўприк остида тунармиди?

— Йўқ, ҳамма вақт эмас. Уни Янги кўприк остида ҳам, Берен соҳилида ҳам кўрганман...

— Марказий бозорда-чи? — деб сўради Мегрэ. Чунки аксарият дайдилар айнан ўша ерда тунашини комиссар яхши биларди.

— Йўқ, — деб жавоб берди аёл.

— Ахлат яшиклари ёнида ҳам учратганмисан?

— Камдан-кам. Кўпинча у реклама ишларига ёлланарди.

— У ҳақда яна нималарни биласан?

— Бошқа ҳеч нарсани...

— Сен билан сира гаплашганми?

— Бўлмасам-чи! Баъзан сочини ҳам олиб қўярдим. Одам бир-бирига ёрдам бериши керак-ку!

— Кўп ичармиди?

Мегрэ ўринсиз савол берганини дарров тушунди: дайдиларнинг ҳаммаси ҳам ичади-да.

— Ҳамма қатори.

— Кўпми?

— Уни ҳеч қачон маст ҳолда кўрмаганман. Лекин

мен ҳақимда бундай деб бўлмайди.— У хахолаб кулди.— Мен сизни танийман, эслаб қолганман — яхши одамсиз. Бир марта кабинетингизда сўроқ қилгансиз мени... Анча бўлди бунга... Бундан йигирма йилча олдин... У пайтда Сен-Дени дарвозаси ёнида ишлардим...

— Кечаси ҳеч қандай шовқин эшитмадингми?

Аёл қўли билан Луи-Филипп кўпригига ишора қилди, шу йўсин Мари кўприги билан Луи-Филипп кўприги орасидаги масофани таъкидламоқчи бўлди.

— Жуда олис...

— Ҳеч нарса кўрмадинг ҳамми?

— Машина чироғини кўрдим, холос... Яқинига ҳам бордим — тўғри, ёнгинасига эмас,—опкетиб қолишларидан қўрқдим, қарасам — «Тез ёрдам» машинаси экан...

— Хўш, сизлар-чи, кўрдингларми бирор нарсани? — Мегрэ бошқа дайдиларга мурожаат қилди.

Улар бошларини сарак-сарак қилишди.

— «Пуату» даги одам билан гаплашсак тузук бўларди, — деб қолди прокурор ёрдамчиси. У тезроқ бу можародан қутулиш пайида эди.

Фламандияликка мутлақо ўхшамайдиган бу одам анчадан буён уларни кутаётган эди. Гарчи бу баржа унга тегишли бўлмаса ҳам, «Пуату»да ўзи билан бирга хотини ва болалари ҳам бор эди. Баржа фақат Юқори Сенанинг қум конларидан Парижга қатнар экан. Бу одамнинг исми-шарифи, Жюстен Гуле экан. Ўчиб қолган сигаретани лабига қистириб олган паст бўйли, кўзлари қув Жюстен Гуле нари борса қирқ бешлар атрофида эди.

Ҳамон қум тушираётган краннинг шовқини қулоқни пармалар, бунинг устига, кишини бақириб гаплашишга мажбур этарди.

— Одамларга ҳам ҳайронман — деди Гуле тўнғиллаб.

— Нега унақа деяпсиз?

— Ризқини териб еб юрган бир ночор дайдини бошига уриб, сувга ташлаворишипти-я!

— Ўзингиз кўрдингизми?

— Йўқ. Кўрганим йўқ.

— Қаерда эдингиз ўша пайтда?

— Ухлаб ётувдим.

— Нега уйғониб кетдингиз?

— Бақирган овозни эшитиб, уйғониб кетдим.

— Машина шовқинини эшитмадингизми?

— Балки эшитгандирман. Тепада, соҳилда машина-

ларнинг кети узилмайди, шунинг учун бунга эътибор берганим йўқ.

— Кейин баржа саҳнига чиқдингиз?

— Ҳа-да... Чолворда югурдим, кийиниб ҳам ўтирмадим.

— Хотинингиз-чи?

— «Қаёққа кетяпсан?» — деб сўради уйқу аралаш.

— Саҳнга чиққанингиздан кейин нимани кўрддингиз?

— Ҳеч нимани... Одатдагидай Сенада сув ҳайқириб оқиб ётарди. Ҳалиги одамнинг қаердалигини аниқлаб олиш учун: — «Ҳе-ей!» — деб қичқирдим.

— Жеф ван Гут қаерда эди бу пайтда?

— Фламандияликми? Ўзининг баржасида, унинг саҳнида турган эди. Қайиғини сувга тушираётган экан... Ёнимдан ўтаётганида мен ҳам сакраб қайиққа тушволдим... Кейин анови одамни кўриб қолдик, у бир кўришиб, бир шўнғиб оқиб келаётган эди... Фламандиялик уни чангак билан тутишга уринди...

— Темир чангакмиди?

— Албатта.

— Балки ўша чангак тегиб боши ёрилгандир?

— Йў-ўқ!.. Зўрға иштонидан илволдик. Мен энгашиб, оёғидан тортдим.

— Ҳушидан кетган эканми?

— Кўзлари очиқ эди.

— Ҳеч нарса демадимми?

— Оғзидан тўхтовсиз сув келди... Ётқизиб қўйганимиздан кейин қонни кўрдик.

— Менимча, шу ерда тўхтасак ҳам бўлар,—деб тўнғиллади жаноб Паррен. Бу фожеага у мутлақо бепарво қараётган эди.

— Бўпти... Бу ёғини ўзим давом эттираман, — деди Мегрэ.

— Қасалхонага борасизми?

— Ҳа, бормоқчиман... Дўхтирлар, бир неча соатдан кейин тилга кириб қолса керак, дейишяпти.

— Мени хабардор қилиб туринг.

— Албатта.

Улар Мари кўприги остидан қайтиб ўтаётганларида, Мегрэ Лапуэнтни тўхтатди:

— Район комиссарлигига қўнғироқ қил, одам юборишсин.

— Сизни қаердан топаман, хужайин?

— Шу ерда бўламан.

Мегрэ прокуратура ходимлари билан совуққина хайр-лашди.

И б о б

— Судда ишлайдими булар? — деб сўради бақалоқ аёл, ҳалиги одамлар сал узоқлашгач.

— Прокуратурада, — деди Мегрэ.

— Бари бир эмасми? — Аёл шундай дедию, гапни дарров бошқа ёққа бурди: — Намунча, тешик тўрвани арзанда қилишмаса! Ё ростдан ҳам дўхтирмикин у?

Мегрэ буни билмасди. Афтидан, билишга ҳам шошилмаётганди. Шу тобда у, гўё бу воқеаларни қачонлардир бошидан кечиргандай, мубҳам бир кайфиятда эди. Лапуэнт соҳилга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлди. Пакана судья билан котиб ҳамроҳлигида келган прокурор ёрдамчиси қияликдан мункайганча юқорига ўрлаб борар, ботинкасига лой тегишидан қўрқиб, авайлаб қадам босарди.

«Зваарте-зваан» баржаси кун нурида ярқирар, кеманинг ичи ҳам ташқариси сингари ёғ тушса ялагудай озода бўлса керак, деган таассурот туғиларди кишида. Қоматдор фламандиялик чамбарак олдида турганча Мегрэни зимдан кузатар, худди қизлардек ёш ва дилбар малла сочли хотини эса, беланчак устига энгашганча боласининг тагликларини алмаштирарди.

Селестэн соҳилида у ёқдан-бу ёққа тўхтовсиз ўтиб турган машиналарнинг шовқинига ва «Пуату» баржасидан қум тушираётган краининг ғийчиллашига қарамай, қушларнинг нағмаси билан дарёнинг шовуллагани ҳам баралла қулоққа чалинарди.

Уч нафар дайди ҳамон хавотирланиб бир четда туришарди, фақат бақалоқ аёлгина комиссарнинг ортидан кўприк остига қараб юрди. Унинг эғнидаги қизғиш камзули эскириб, шу қадар исқирт бўлиб кетгандики, қараган кишининг кўнгли айнарди.

— Исминг нима?

— Леа. Лекин мени кўпинча «бақалоқ Леа» деб аташади.

Бу гапи ўзига нашъа қилиб, яна хахолаб кулди.

— Бу кеча қаерда тунадинг?

— Айтдим-ку сизга.

— Ёнингда ким бор эди?

— Фақат Дедэ, ҳов анови орқасини ўгириб турган лақанаси.

— Дўстнингми у?

— Ҳаммаси дўстим.

— Ҳар доим шу кўприк остида тунайсанми?

— Баъзан жойни ўзгартириб тураман. Нимани қидиряпсиз?

Мегрэ росидан ҳам ниманидир изларди. Яна табибнинг лаш-лушлари устига энгашди. Прокурор ёрдамчиси билан унинг ҳамроҳлари кетгандан сўнг у ўзини анча эркин ҳис қилмоқда эди. Энди шашмаси ҳам бўлади. Латталар орасидан кичкина темир ўчоқ, това, қошиқ билан санчқи чиқди. Шишаси дарз кетган жез гардишли қўзойнакни тақиб кўрган эди, кўзлари жимирашиб кетди.

— Табиб буни ўқиганда тақарди, — дея изоҳ берди бақалоқ Леа.

— Қизиқ, — деди Мегрэ аёлни кўзларига тикилганча, — нега анави...

Аммо аёл унинг гапни охиригача эшитмади. Кулбадан бир неча қадам нари бориб, каттакон тош орқасидан чала ичилган вино шишасини олди.

— Сен ичувдингми?

— Ҳа, тугатиб қўя қолай. Барибир табиб қайтгунча ачиб қолади.

— Қачон олувдинг винони?

— Кечаси, «тез ёрдам» уни олиб кетгандан кейин.

— Бошқа ҳеч нарсасига текканинг йўқми?

Леа жаҳл билан ёнбошига туфлади.

— Улай агар!

Мегрэ ишонди. Дайдилар бир-бирларининг нарсаларига тегмасликларини у ўз тажрибасидан биларди. Улар умуман камдан-кам ўғирлик қилишади, фақат тезгина қўлга тушишларидан қўрқиб эмас, балки дунёдаги ҳамма нарсага бифарқ бўлиб қолганликлари учун ҳам бу ишга қўллари бормайди.

Рўпарада, Сен-Луи оролида, шинам хонадонларнинг деразалари ланг очик, уларнинг биридан ўзини кўзгуга солиб, сочини тараётган танноз бир жувон кўриниб турибди.

— Винони кимдан сотиб оларди у?

— Аве-Мария кўчасидаги майхонадан чиқиб кетаётганини бир неча марта кўрганман... Бу ердан узоқ эмас, Жардэн кўчасининг муюлишида...

— Бошқалар билан муносабати қандай эди?

Аёл аниқроқ жавоб бериб, комиссарни мамнун этиш ниятида бир оз ўйланиб турди.

— Очиги, билмайман... Бошқалардан кўпам фарқ қилмасди...

— Ўз ҳаёти ҳақида гапириб берармиди?

— Бизда бу ҳақда ҳеч ким гапирмайди. Мабодо кайфи жуда ошиб қолганда чакаги очилмаса...

— Табибнинг ҳам кайфи ошган пайтлари бўлармиди?

— Қаттиқ маст бўлганини сира кўрмаганман.

Мегрэ гаплаша туриб, бир тўп эски газеталар остидан — улар, афтидан, тўшак вазифасини ўтаса керак, — ҳар хил рангга бўялган, бир оёғи синган ёғоч тойчоқни суғуриб олди. Аммо бу уни ҳам, бақалоқ аёлни ҳам мутлақо қизиқтирмади.

Шу пайт бир одам қияликдан йўрғалаб тушиб, фламандияликнинг баржаси томон юра бошлади. Иккала қўлида лиқ тўла тўрхалта, тўрхалтадан иккита каттакон батон билан икки боғ кўк пиёз чиқиб турибди.

Фламандияликнинг укаси шу бўлса керак, чунки ўзига жуда ҳам ўхшайди, фақат ундан сал ёшроқ ва келишганроқ. Эғнида кўк шим, оқ йўлли свитер. У баржа саҳнига чиқиб, акаси билан бир — икки оғиз гаплашгач, комиссар томон қаради.

— Ҳеч нарсага тегма Ўзинг ҳали менга керак бўлиб қолишинг мумкин. Агар бирор нарсадан хабар топсанг... олдимга бор, — деди комиссар бақалоқ Леага.

— Наҳотки сизнинг ишхонангизга борсам? — У яна хахолаб кулди. — Тугатиб қўя қолсам-чи? — деди сўнг шишага ишора қилиб.

Мегрэ бош ирғади-да, полициячи ҳамроҳлигида қайтиб келаётган Лапуэнт томон юрди. Комиссар полициячига, эксперт келгунча табибнинг лаш-лушларига қараб туришни буюриб, Лапуэнт билан бирга «Зваарте Зваан» баржасига йўл олди.

— Исмингиз Хуберт ван Гут, шундайми?

Йигит бош ирғади. У акасига қараганда камгапроқ ва сипороқ кўринди.

— Кеча кечқурун танцага борганмидингиз?

— Бунинг нимаси ёмон?

Унинг талаффузи акасиникидан кўра тузукроқ эди. Мегрэ билан Лапуэнт соҳилда туришгани сабабли Хуберт билан бўйнини чўзиб гаплашарди.

— Қаерга борувдингиз?

— Бастилия майдонига туташ торкўча бор. Қаҳвахоналари кўп. Мен «Леон»да эдим.

— Илгари ҳам кириб турармидингиз?

— Кўп борганман.

— Демак, тунги воқеадан беҳабарсиз?

— Ҳозир акам гапириб берди.

Баржа саҳнидаги мис мўридан тутун чиқиб турарди. Аёл боласи билан аллақачон пастга, тағхонага тушиб кетган, у ердан келаётган лаззатли таомнинг ҳиди комиссар билан инспекторнинг димоғига урилиб, иштаҳаларини қитиқларди.

— Қачон жўнашимиз мумкин? — деб сўради йигит.

— Тушдан кейин, судья акангизга сўроқ протоколларига имзо чекдириб олганидан сўнг.

Ниҳоятда саришта Хуберт ван Гутнинг бадани ҳам, акасиникидай, қизғиш тусда, бежирим олинган сочлари малла ранг эди.

Бир оздан сўнг Мегрэ билан Лапуэнт Селестэн соҳилини кесиб ўтиб, Авс-Мария кўчасининг муюлишидаги «Кичик Турин» қаҳвахонаси олдидан чиқишди. Остонада камзул кийган майхона соҳибни турарди. Ичкарида ҳеч зот йўқ эди.

— Кирсак бўладими?

Қаҳвахонасига шундай мартабали хўрандалар ташриф буюрганидан таажжубланган хўжайин ўзини четга олди. Қаҳвахона кафтдеккина эди: учтагина стол қўйилган. Деворлар яшил рангга бўялган. Шифтда дудланган сон гўшти, Болоньяда тайёрланган колбасалар, сиртидан вино тўла мешларга ўхшаб кетадиган ажабтовур пишлоқлар осилиб турибди.

— Нима хоҳлайдилар?

— Вино.

— Кьянтими?

Тўқима четанларга солинган шишалар токчаларда қаторлашиб турган бўлса ҳам, хўжайин уларга тегмади, пештахта остидан бошқа шишани олиб, кўзини меҳмонлардан узмаганча стаканларни тўлдирди.

— Табиб лақабли дайдини танийсизми?

— Нима бўлди унга? Тирикми ишқилиб?

Энди фламандча эмас, итальянча талаффуз эшитилди. Қаҳвахона эгаси Жеф ван Гут билан унинг укасига ўхшаган беғам ва совуққон эмас, ўта қизиққон одам эди.

— Юз берган воқеадан хабардормисиз? — деб сўради Мегрэ.

- Кечаси унга бир бало бўлганини эшитдим.
- Ким айтди сизга?
- Эрталаб бир дайди гапириб берди.
- Нима деди?
- Мари кўприги ёнида тўс-тўполон бўлганини, кейин табибни «тез ёрдам» олиб кетганини айтди.
- Бор-йўғи шуми?
- Уни сувдан тортиб олишибди шекилли.
- Табиб сиздан вино харид қилиб турармиди?
- Тез-тез.
- Кўп ичармиди?
- Кунига салкам икки литрча... Ёнига пул тушганда, албатта...
- Пулни қаердан оларди?
- Ҳамма дайдилардай... Марказий бозорда ёки бошқа бирор ерда ҳаммолик қиларди. Кўпинча кўча-кўйда реклама тахтасини кўтариб юрарди. Табибга ҳамма вақт қарз бериб турардим.
- Нима учун?
- Чунки у бошқаларга ўхшаган хашаки дайди эмас эди... У хотинини ўлимдан сақлаб қолган.
- Қаҳвахона бекаси Леага ўхшаган семиз бўлса ҳам, жуда серҳаракат эди. У ошхонада ўз юмуши билан уймаланарди.
- Мен ҳақимда гапиряпсанми?
- Ҳа, табибни гапириб беряпман.
- Аёл қўлларини пешбандига артганча залга чиқиб келди.
- Уни ўлдирмоқчи бўлишибди, шу ростми? Полицияданмисизлар. Тузалиб кетармикми?
- Ҳозир бир нарса дейиш қийин, — комиссар дудмол жавоб қилди. — Нимадан сақлаб қолган эди сизни?
- Э-э, икки йил олдин кўрганингизда, мени танимасдингиз... Ҳамма ёғимга чилла яра тошиб кетганди. Юзим қассобнинг пештахтасидаги қип-қизил гўштдан фарқ қилмасди... Шифохонада қилмаган даволари қолмади, бир-биридан бадбўй малҳамлар ёзиб беришди... Фойдаси бўлмади... Ҳатто овқат ейишни ҳам тақиқлаб қўйишди, ўзи-ку иштаҳам йўқ... Аллақандай уколлар қилишди...
- Эри унинг гапини тасдиқлагандай ора-сира бош ирғаб қўярди.
- Бир кун табиб ҳов анави бурчакка, эшик ёнига келиб ўтирганида дилимни ёрдим. У менга узоқ тикилиб

турди-да: «Сизни ўзим даволайман», — деди. Бу гапни жуда хотиржам, худди бир стакан вино буюргандай, соддагина қилиб айтди. Мен: «Сизни дўхтир дейишади, шу ростми?» деб сўрадим. Табиб сениқ жилмайди, сўнг: «Мени одамларни даволаш ҳуқуқидан ҳеч ким махрум этмаган», — деб жавоб берди.

— Кейин сизга дори ёзиб бердимми?

— Йўқ. Озгина пул сўради — икки юз франк, шекилли — ўзи дорихонага бориб, ўша пулга кукун дори олиб келди. «Мана шу дорининг бир ўрамини илиқ сувда эритиб, ҳар гал овқат олдидан ичасиз. Эрталаб ва кечқурун баданингизни намакоб билан ювасиз», — деди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, орадан икки ой ўтгач, баданим ҳозиргидай сип-силлиқ бўлди-қолди.

— Табиб сиздан бошқа одамни ҳам даволаганми?

— Бундан хабарим йўқ. У жуда камгап эди.

— Бу ерга ҳар куни келармиди?

— Деярли ҳар куни... Келиб, икки литр виносини олиб кетарди.

— Бир ўзи келармиди? Уни нотаниш одамлар даврасида кўрганми?

— Йўқ...

— Фамилиясини, олдин қаерда яшаганини айтганми?

— Қизи борлигини биламан. Бизнинг ҳам қизимиз бор, ҳозир мактабда... Бир куни у табибга қизиқсиниб қараб турганида, у: «Қўрқма... Менинг ҳам сенга ўхшаган жажжигина қизим бор», — деганини эшитганман.

Лапуэнт ҳайрон эди: намунча комиссар қандайдир бир дайдининг ўтмишига бу қадар қизиқмаса? Газеталарнинг саргузашт бўлимида бунақа ходиса учун атиги бир неча сатр багишланади.

Аммо Лапуэнт ҳали ёш эди. — Билмасдики, Мегрэ ўзининг бутун хизмати давомида дайди одамнинг жонига қасд қилинганини биринчи марта кўриб турган эди.

— Қанча бераман?

— Балки шўрлик табибнинг соғлиги учун яна бир стакан ичарсиз?

Улар яна бир стакандан кьяти ичишди — бу гал хўжайин сахийлик қилди.

Мари кўприги ортда қолди. Мегрэ билан Лапуэнт кўп ўтмай касалхонанинг кулранг биносига кириб боришди. Бу ерда рўйхатчи аёл билан анчагина ади-бади айтишишга тўғри келди.

— Фамилиясини биласизми?

Лақабини биламан. Табиб деб аташади уни. Бу ерга кечаси олиб келишган.

— Кечаси бошқа одам навбатчилик қилган. Қайси бўлимда ётибди?

— Билмайман... Телефонда бир талаба билан гаплашган эдим. Операция қилиш-қилмасликларини айтгани йўқ.

— Талабанинг фамилияси нима?

Рўйхатчи аёл дафтарини бир неча бор варақлаб, қаёққадир кўнғироқ қилди

— Ўзингиз ким бўласиз?

— Комиссар Мегрэ.

Бу ном рўйхатчи аёлда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади ва у лоқайдлик билан гўшакка такрорлади:

— Комиссар Мегрэ...

Сўнг аёл гўё жуда катта хизмат қилиб қўйгандай, миннат билан деди:

— «С» зинасидан тўртинчи қаватга чиқиб, катта ҳамширани топасизлар. — Шу гапни айтгунича ҳам ўн дақиқа ўтиб кетди.

Мегрэ билан Лапуэнт йўл-йўлакай ҳамширалар, ёш-ёш дўхтирлар, халат кийган беморларга дуч келишди, палаталарнинг очиқ эшикларидан қатор-қатор қўйилган каравотлар кўзга ташланарди.

Тўртинчи қаватда яна кутишга тўғри келди, катта ҳамшира жиғибийрон бўлиб икки эркакка ниманидир тушунтирар, улар ҳам хўп дея қолишмасди.

— Иложи йўқ, — деди ҳамшира ниҳоят, — маъмуриятга мурожаат қилинглар, тартиб-қондани мен жорий этган эмасман.

Эркаклар бир нима деб гўлдираб нари кетишди. Катта ҳамшира Мегрэга ўгирилди:

— Дайдини сўраб келдингизми?

— Комиссар Мегрэ, — ўзини таништирди у.

Ҳамшира, ким экан бу, деб роса эслашга уринди; унга ҳам комиссарнинг номи бегона эди. Бу ер бутунлай бошқа олам — рақам ёзилган кабинетлар, бир-биридан тўсиқ билан ажратилган бўлинмалар, кенг палаталарга қатор қилиб қўйилган каравотлар, ҳар бир каравотнинг оёқ томонида аллақандай белгилар битилган тахтачалар...

— Аҳволи қалай?

— Янглишмасам, ҳозир уни профессор Манъен кўра-
япти.

— Операция қилишмадими?

— Ким айтди операция қилишади деб? .

— Эсимда йўқ... Уйловдимки...

Бу ерда, касалхонада Мегрэ ўзини ноқулай ҳис этди,
ҳатто андак ҳадиксираб турди.

— Қанақа фамилия билан қайд этилган?

— Гувоҳномасидаги фамилия ёзилган-да.

— Сиздами ўша гувоҳнома?

— Кўрсатишим мумкин.

Ҳамшира йўлак охиридаги ойна деворли кичкина
кабинетга кириб, усти шўрлаб кетган бир гувоҳномани
кўтариб чиқди. Гувоҳнома ҳали жиққа ҳўл эди.

Фамилияси — Келлер.

Исми — Франсуа Мари Флорантен.

Касби — латтафуруш.

Туғилган жойи — Мюлуз, Қуйи Рейн.

Ҳужжатга қараганда, Келлернинг ёши олтмиш учдан
ошган, Парижнинг Мобер майдошидаги уйлардан бири-
да яшаган. Мегрэ бу уйларни биларди: кўпроқ дайди-
лар яшашади.

— Хушига келдими?

Ҳамшира гувоҳномани қайтариб олмоқчи эди, аммо
комиссар уни индамай чўнтагига солиб қўйди.

— Мумкин эмас. Қондага тўғри келмайди, — деб
бидирлади ҳамшира.

— Келлер алоҳида палатада ётибдими?

— Нега энди?

— Қани бошлангчи.

Ҳамшира аввалига тихирлик қилмоқчи бўлди-ю, ле-
кин кейин кўнди.

— Бари бир, профессордан рухсат олишингиз керак.

Ҳамшира Мегрэ билан Лапуэнтдан олдинроқ бориб,
бир эшикни очди. Палатага икки қатор қилиб каравот-
лар қўйилганди. Беморларнинг кўпчилиги кўзларини оч-
ганча қимир этмай ётишарди. Халат кийган икки-уч ки-
ши хонанинг тўрида шивирлаб нима ҳақдадир гапла-
шарди.

Палаталарнинг ўртасидаги каравотлардан бирининг
ёнида оқ халат ва қалпоқ кийган ўн чоғли йигит-қиз со-
чи калта қирқилган норғул бир одамни қуршаб олган.
У ҳам оқ халатда бўлиб, афтидан ёшлар билан машғу-
лот ўтказаётганди.

— Профессорга халақит берманглар. Кўраяпсизларку, ҳозир у киши банд, — деди ҳамшира.

Лекин ўзи бориб, профессорнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Профессор Мегрэга бир қаради-ю, яна студентларига юзланди.

— Профессор бир неча минутдан кейин бўшайдилар, — деди ҳамшира Мегрэнинг олдига қайтиб келиб. — Кабинетда кутиб туришни сўрадилар.

Шундай деб, у Мегрэ билан Лапуэнтни бор-йўғи иккитагина стул қўйилган кичкина бир кабинетга бошлаб келди. Езув столи устидаги кумуш рамкада бир-бирига энгашиб турган уч бола билан бир аёлнинг сурати бор эди.

Мегрэ бир оз иккиланиб турдию сўнг трубкасини сигарета қолдиқларига тўла кулдонга қоқиб, бошқатдан тамаки билан тўлдирди.

— Кутдириб қўйганим учун узр, жаноб комиссар. Ҳамширадан келганингизни эшитиб, сал таажжубга тушдим. Нимагаки...

Наҳотки у ҳам: «Бир дайдига шунчаликми?» — деса?! Йўғ-э, унақа демас.

— ...Нимагаки, бунақа ҳодисалар бўлиб турадику, шунақамасми? — деб тугатди сўзини профессор.

— Ҳали ўзим ҳам ҳеч нарса билмайман, шу масалага аниқлик киритарсиз, деган умиддаман.

— Гап шундаки, унинг бош суяги тешилган, ҳайрият, атрофи дарз кетмабди. Ассистентим эрталаб телефонда сизга айтган бўлиши керак.

— Унда ҳали рентген патижалари маълум эмас эди.

— Ҳозир маълум... Бемор тузалиб кетиши мумкин. Мияси лат емаган.

— Боши йиқилганида ёки соҳилдаги тошга урилиб ёрилган бўлиши мумкинми?

— Асло. Бошига қаттиқ нарса билан урилган... айтайлик, болга ёки гайка бурайдиган асбобга ўхшаган оғир буюм билан...

— Шунга ҳушидан кетганми?

— Албатта... Ҳозир ҳам ҳушига келгани йўқ. Бир неча кун шу аҳволда ётиши ёки бирдан ўзига келқолиши ҳам мумкин...

Мегрэнинг кўз ўнгидан Сенанинг тик қирғоғи, табибнинг кулбаси, ундан бир неча метр нарида ҳайқириб оқаётган бўтана сув ўтди, негадир шу тобда фламандияликнинг сўзларини эслади.

— Яна шу масалага қайтганим учун узр. Бошига бир-
ров оғир нарса билан урган, дедингиз. Бир марта ур-
ганми?

— Нима аҳамияти бор?

— Тергов учун аҳамияти бор.

— Аввалига бир неча марта зарба урилган, деб
ўйладим.

— Нима сабабдан?

— Чунки қулоғи шиллинган, юзи кўкарган. Бемор-
нинг соқолини қиришгандан сўнг, уни яна обдон кўздан
кечирдим.

— Хўш, қандай хулосага келдингиз?

— Кечирасиз, қаерда юз берган бу воқеа?

— Мари кўприги остида.

— Муштлашишганми?

— Унақага ўхшамайди. Айтишларича, жабрланув-
чига тунда, ухлаб ётган пайтида ҳужум қилишган. Шу-
нақа бўлиши ҳам мумкинми?

— Албатта.

— У ўша заҳоти ҳушидан кетган, деб ўйлайсизми?

— Бунга ишончим кам. Сизнинг гапларингиздан
сўнг, нима учун қулоғи билан юзи лат еганини тушуниб
турибман. Уни сувдан тортиб олишган, тўғрими? Шун-
дан кейин соҳилдаги тошлоқ ерда судрашган, кўтариш-
маган. Ана ўшанда юзи билан қулоғи шиллинган. Со-
ҳилда қум борми?

— Ўша ерга яқин жойда баржадан қум тушири-
шяпти.

— Ҳа, баракалла. Ярасидан қум чиқди.

— Демак, табиб...

— Нима дедингиз? — профессор ҳайрон бўлди.

— Соҳилдагилар уни шундай деб аташади. Эҳти-
мол, илгари дўхтир бўлгандир.

Бунинг устига, ўзининг ўттиз йиллик иш фаолияти
мобайнида комиссар Сена кўприги остидан топган би-
ринчи дўхтир шу. Тўғри, қачонлардир Мегрэ қишлоқ
мактабининг кимё ўқитувчисига, орадан анча йил ўт-
гач, ўтмишда машҳур цирк артисти бўлган бир аёлга
ҳам шунақа жойда дуч келган.

— Тиббиёт нуқтаи назаридан, беҳуш ҳолда сувга
улоқтирилган одам дарров ўзига келиб, бақариши мум-
кинми? — деб сўради Мегрэ.

Профессор бошини қашлади.

— Ҳм... сиз мендан кўп нарсағни талаб қилаяпсиз. Ал-

батта шунақа бўлади, деёлмайман... Аммо бунақа бўлиши мумкин эмас, деб ҳам ҳеч ким айтолмайди. Балки совуқ сув таъсир қилиб...

— Узига келгандир, демоқчисиз-да?

— Лекин ҳамма вақт бунақа бўлавермайди. Киши беҳуш ҳолда ҳам гапириши, алаҳсираши мумкин.

— Уни кўраётган пайтингизда чурқ этмадими?

— Бир-икки марта ингради, холос.

— Сувдан тортиб олишганда кўзлари очиқ экан.

— Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Назаримда, сиз уни кўрмоқчисиз, шундайми? Юринг.

Профессор Манъен полиция ходимларини палатага бошлади. Катта ҳамшира буларнинг орқасидан ижирғаниб қаради.

Улар палата ўртасидан юриб бериб, каравотлардан бирининг тепасида тўхташди. Беморлар кутилмаган бу меҳмонларни қизиқиб кузатишарди.

— Кўрадиган жойи ҳам йўқ, — деб қўйди профессор.

Дарҳақиқат, дайдининг боши ва юзлари дока билан танғиб ташланган, фақат кўзлари, бурни ва оғзигина очиқ эди.

— Омон қолиш имконияти қанча?

— Юздан етмиш, ҳатто саксон деса ҳам бўлади, чунки юраги бақувват.

— Миннатдорман, профессор.

— Ҳушига келиши билан сизга қўнғироқ қилишади. Катта ҳамширага телефонингиз рақамини қолдириб кетинг.

Улар офтоб чарақлаб турган кўчага чиққач, енгил нафас олишди. Кўча гавжум, Биби Марям ибодатхонаси олдида турган сариқ-қизғиш автобусдан сайёҳлар тушмоқда эди.

Мегрэ қўлларини орқасига қилганча индамай борар, Лапуэнт ҳам комиссарнинг ўз ҳаёли билан бандлигини сезиб, миқ этмасди.

Улар Жиноят қидирув полицияси маҳкамасига келиб, тўппа-тўғри комиссарнинг кабинетига киришди.

Мегрэ деразани очишдан олдин Сенада оқим сари сўзиб бораётган баржаларга бир зум тикилиб турди.

— Табибнинг нарсаларини кўздан кечириш учун тепадан бирортасини юбориш керак.

Тепада суд-тиббиёт экспертизаси, турли мутахассислар, техниклар, фотографлар жойлашганди.

— Яхшиси, нарсаларини битта машинада шу ерга опкела қолайлик.

Мегрэ табибнинг нарсаларини бошқа дайдилар ўғирлаб кетишидан эмас, кўча болалари хомталаш қилишидан хавотирланаётганди.

— Кўприк ва йўллар бошқармасига боришингга тўғри келади... Менимча, Парижда қизил «Пежо — 403» унчалик кўп бўлмаса керак... Иккита тўққизли ҳамма номерларни ёзиб ол... Йигитларни ёрдамга жалб қил: машиналарнинг эгаларини текширишсин.

— Хўп бўлади.

Мегрэ ёлғиз қолгач, трубкасини тозалаб, тамаки тўлдирди ва етоли устида уюлиб ётган қоғозларга хомуш тикилди.

Шундоқ чароғон кунда «Дофин» қаҳвахонасида овқатлангиси келмади, бир оз ўйланиб турди-да, уйига жўнади.

Мегрэ хоним қизил гулли кўйлак кийиб олган эди, шунданми, комиссар бақалоқ Лсаннинг қизғиш камзулини эслади. Ошхонага офтоб нури тушиб турарди.

Мегрэ хаёли паришон бир аҳволда қовурилган бузоқ жигарини тановул қила бошлади.

— Нимани ўйлаяпсан? — деб сўраб қолди бирдан хотини.

— Дайдими.

— Қанақа дайди?

— Қачонлардир дўхтир бўлган дайдини.

— Нима гуноҳ қипти?

— Билишимча, ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Шунга қарамай, кўприк остида ухлаб ётган пайтида бошига уриб, дарёга ташлаворишибди.

— Ўлганми?

— Йўқ, қутқариб қолишган.

— Нега бундай қилишди?

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман... Дарвоқе, у куёвинг билан ҳамюрт экан.

Мегрэ хонимнинг синглиси йўл инженерига турмушга чиққан бўлиб, Мюлузда яшарди. Мегрэ хоним уларникига тез-тез бориб турарди.

— Исми нима?

— Келлер, Франсуа Келлер.

— Қизиқ, таниш фамилияга ўхшайди...

— У ёқда бунақа фамилия кўп учрайди.

— Синглимга қўнғироқ қилиб кўрсаммикан?

Комиссар елкасини қисди. Кейин ўйланиб қолди: дарвоқе, қўнғироқ қилса ёмон бўлмасди. Тўғри, бундан бирор иш чиқиши даргумон, лекин баҳонада хотини синглиси билан гаплашиб оладику.

Мегрэ хоним эрига қаҳва келтириб қўйгач, телефонга Мюлузни улашларини сўради. То у ёқдан жавоб бўлгунча, табибнинг исмини ичида бир неча марта такрорлади: Келлер... Франсуа Келлер...

Ниҳоят телефон жиринглади.

— Алло, алло! Ҳа, ҳа, Мюлузни сўраган эдим. Сен-мисан, Флоранс? Нима? Ҳа, менман. Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, тинчлик... Париждан, уйдан... Мана, ёнимда ўтирибди, қаҳва ичяпти... Яхши, ишлаб юрибди... Ҳаммаси жойида... Мана, баҳорга чиқволдик... Болаларинг қалай? Грипп дейсанми?... Мен ҳам ўтган ҳафта озгина ётволдим. Менга қара, бир масалада қўнғироқ қилаётувдим сенга. Мабодо Келлер деган одамни эслолмайсанми? Франсуа Келлер! Нима? Ҳозир сўрайман...

— У эрига ўгирилди: — Ёши нечада?

— Олтмиш учда.

— Олтмиш учда... Ҳа... Танайманми? Нима дейсан?... Узмай туринг, хоним, гаплашяпмиз... Алло! Ҳа, дўхтир. Кимдан эшитганимни ярим соатдан буён эслолмаяпман. Эрингдан эшитяпсанми?... Шошмасанг-чи! Гапларингни эримга такрорлаб тураман. Мервиль деган қизга уйланган. Отаси нима иш қилади? Суд маслаҳатчиси? Демак, Келлер суд маслаҳатчисининг қизига уйланган? Ҳўш-ҳўш... Улган дейсанми? Қачон? Анча бўлган. Сўзларингни такрорлаётганимдан ажабланма, бўлмаса ёдимда қолмайди. Нуфузли оила. Буваси мэр бўлган. Ёмон эшитилаяпти... Алло! Келлер ўша қизга уйланган. Ёлғиз қиз... Саваж кўчаси? Улар Саваж кўчасида туришган. Довдир? Нега? Аниқ биласанми? Ҳа, ҳа, тушундим. Кўчасидай ёввойи, дегин?¹

Мегрэ хоним эрига, қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман, дегандай бир қараб қўйди.

— Ҳа, ҳа. Бари бир аҳамияти бўлмаса ҳам. Баъзан керак бўлқолиши мумкин. Буларнинг ишига тушуниш қийин. Ҳа... Қачон? Демак, йигирма йиллар бўпти-да. Холасидан мерос қолган. Келлер уни ташлаб кетган. Дарров эмас. Бир йилча яшаган. Болалари бормиди?

¹ Саваж — французча «ёввойи» дегани.

Қиз? Кимга? Руслэга? Дори-дармон? Парижда яшайди?

Мегрэ хоним эрига такрорлади:

— Қизи бор экан, дори-дармон ишлаб чиқарадиган фабрика эгаси Руслэ деган одамнинг ўғлига турмушга чиққан. Парижда туришаркан.

Яна трубкага қулоқ берди:

— Тушунаман... Менга қара, батафсилроқ билгин, суриштиргин. Ҳа, раҳмат! Болаларингни ўпиб қўй. Истаган пайтингда қўнғироқ қилавер, ҳар доим уйдаман.

Мегрэ хоним трубкани қўйиб, эрига юзланди:

— Таниш фамилия дедима! Эшитдингми? Суд маслаҳатчисининг қизига уйланган Франсуа Келлер ўша бўлса керак. Маслаҳатчи тўйдан сал илгарироқ вафот этган.

— Хотини-чи? — деб сўради комиссар.

Мегрэ хоним эрига ғалати қаради: тегажоғлиқ қилаяптими?

— Билмадим. Флоранс у ҳақда гапирмади. Йигирма йил бурун Келлер хонимга холаларидан бири мерос қолдирган экан. Ҳозир у бадавлат аёлмиш. Дўхтир девонароқ одам экан. Гапларимни эшитдинг-ку. Синглимнинг айтишича, гирт довдир экан у. Улар олдинги уйларидан ибодатхона яқинидаги бошқа уйга кўчиб ўтишган. Дўхтир яна бир йилча хотини билан яшаган-у, кейин тўсатдан ғойиб бўлган. Флоранс ҳозир таниш-билишларига қўнғироқ қилади — кексароқларига, албатта, — сўраб-суриштиради. Кейин менга айтади. Дўхтирнинг тақдирига қизиқяпсан-ку, тўғрими?

— Албатта, — деди Мегрэ ва токчадан навбатдаги трубкани олиш учун ўрнидан турди.

— Мюлузга ўзинг бормайсанми?

— Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

— Борсанг, мени ҳам ола кет.

Улар бир-бирларига жилмайиб қўйишди. Дераза ланг очиқ эди. Офтоб чарақлаб турипти. Бундай пайтда одам беихтиёр дам олиш ҳақида, таътил тўғрисида ўй суриб кетади.

— Бўпти... Синглимнинг ҳамма гапларини ёзиб қўяман. Кейин, майли, устимиздан кулсанг кулиб юрарсан...

III б о б

Лапуэнт «Пежо — 403» маркали қизил машиналарни излаб, Париж кўчаларида изғиб юрган бўлиши керак.

Жанвье ҳам жойида йўқ, уни туғруқхонага чақиришибди. Хойнаҳой, тўртинчи фарзанди дунёга келишини кутиб, йўлакда тинирчилаб тургандир.

— Зарур ишинг йўқми, Люка?

— Иш қочиб кетмайди, хўжайин!

— Бўлмаса, бир зумга менинг олдимга кир.

Мегрэ уни табибнинг нарсаларини олиб келиш учун касалхонага жўнатмоқчи эди. Эрталаб шу ҳақда ўйламаган экан.

— Сени хонама-хона югуртириб, сарсон қилишади. Шунинг учун ҳар хил муҳрлар босилган хат олвол, нафи тегади.

— Ким қўл қўяди?

— Ўзинг қўявер. Уларга муҳр ҳисоб. Дарвоқе, ўзимга ҳам анови Франсуа Келлер деганнинг бармоқ излари керак эди... Касалхона директорига қўнғироқ қила қолсаммикан?

Қаердандир бир чумчуқ учиб келиб, дераза тоқчасига қўнди ва хона ичида у ёқдан — бу ёққа юриб турган икки кишини кузата бошлади, афтидан, унга бу хона ўзига хос одамзот уясидай туюлди.

Мегрэ касалхона директорига ниҳоятда ҳушмуомалалик билан, олдингизга бригадир Люка киради, деб айтди. Иш ҳамирдан қил суғургандек битди.

— Ҳеч қандай ҳужжат керак эмас! — деди у гўшакни қўяркан, — Сени директорнинг ҳузурига бошлаб киришади, у ёғини директорнинг ўзи тўғрилайди.

Мегрэ ёлғиз қолгач, телефон рақамлари ёзилган китобни варақлай бошлади:

«Русла... Руслэ... Амедэ... Артюр, Алин...»

Руслэлар кўп эди, аммо у йўғон ҳарфлар билан терилган фамилияни танилади: «Рене Руслэнинг дори-дармон лабораторияси».

Лаборатория Ўн тўртинчи округда, Орлеан қопқаси яқинида жойлашганди. Сўнг Руслэнинг уй адреси ёзилган: Сюшэ хиёбони, Ўн олтинчи округ.

Соат икки ярим. Бирдан шамол туриб, кўчада чанг-тўзон кўтарилди, бу момақалдиروқдан нишона эди, аммо бундай бўлмади, ҳаял ўтмай яна баҳор офтоби чарақлади.

— Алло! — гўшакдан аёл кишининг майин ва ёқимли овози эшитилди.

— Кечирасиз, мен Руслэ хоним билан гаплашмоқчи эдим.

— Ким бўласиз?

— Комиссар Мегрэман, Жиноят қидирув полициясидан.

Аёл жим бўлиб қолди, кейин:

— Нима масалада? — деб сўради.

— Шахсий масала.

— Руслэ хоним мен бўламан.

— Мюлузда туғилгансиз, қизлик фамилиянгиз Келлер, шундайми?

— Ҳа.

— Сиз билан иложи борича тезроқ кўришишим керак. Уйингизга борсам бўладими?

— Бирор нохуш гап айтмоқчимисиз?

— Йўқ. Сиздан баъзи бир нарсаларни сўраб олмоқчиман.

— Қачон келмоқчисиз?

— Ҳозироқ йўлга чиқишим мумкин...

— Халақит берма, Жанна! — деди аёл кимгадир, эҳтимол, боласига бўлса керак.

Руслэ хонимнинг таажжубга тушгани, айни пайтда, ҳаяжонлана ётгани шундоқ сезилиб турарди.

— Кутаман, жаноб комиссар. Квартирамиз тўртинчи қаватда.

Мегрэ тонг пайти соҳил бўйлаб сайр қилишни хуш кўрарди. Соҳил манзараси ҳар гал ширин хотираларни кўзғарди. Айниқса Мегрэ хоним билан Сена ёқалаб Парижни неча мароталаб кезиб чиққан чоғларини эслаганида юраги энтикиб кетарди. Мана ҳозир ҳам инспектор Торанс полициянинг кичкина машинасида уни ўша ёққа — кўркама бинолар жойлашган осуда ва хушманзара кўчага олиб кетаяпти.

— Мен ҳам кирайми, ҳўжайин?

— Кераги йўқ.

Деворига оқ мрамар терилган даҳлизга икки тавақали ойнаванд темир эшикдан кириларди. Кенг лифт тез ва бешовқин кўтарилди. Мегрэ эшик қўнғироғини босар-босмас остонада оқ камзул кийган хизматкор пайдо бўлиб, комиссарнинг қўлидан шляпасини олди.

— Марҳамат, ичкарига!

Йўлакда қип-қизил копток, гилам устида қўғирчоқ ётарди. Мегрэ қия очиқ эшикдан оқ кўйлакли бир қизчани нариги хонага олиб кириб кетаётган энагани кўрди. Сўнг бошқа эшик очилди — пардозхонанинг эшиги бўлса керак.

— Кираверинг, жаноб комиссар!

Мегрэ, Руслэ хоним ўттиз беш ёшларда бўлса керак, деб ўйлаганди. Аммо у жуда ёш кўринарди. Бугдой ранг, енгил ёзлик кийимда, истараси иссиқ. Нигоҳи ҳам овозидай майин ва ёқимли. Хизматкор чиқиб кетиши билан у меҳмонга мурожаат қилди:

— Утиринг, марҳамат! Қўнғироқ қилганингиздан бери, нима гап деб ўйлайман...

Мегрэ тўғридан-тўғри мақсадга ўта қолмай, негидир:

— Болаларингиз нечта? — деб сўради.

— Тўртта: каттаси ўн бирда, қолганлари тўққиз, етти ва уч ёшда.

Афтидан у уйда полициячини биринчи бор кўраётган бўлса керак, комиссарга ҳадик билан тикилиб турарди:

— Аввалига эримга бир гап бўлдими, деб ўйладим.

— Эрингиз Париждами?

— Йўқ, у Брюсселда, йиғинга кетган. Уша заҳотиёқ қўнғироқ қилдим.

— Отангизни эслайсизми, Руслэ хоним?

Аёл энди сал ўзига келди. Хонага тувакгуллар қўйилган, деразадан Булон ўрмонидаги дарахтлар кўзга ташланарди.

— Ҳа, эслайман, лекин...

У дудуқланиб қолди.

— Охирги марта қачон кўргансиз?

— Анча бўлди... Ушанда ўн уч ёшда эдим...

— Мюлузда яшаган пайтингизда-да?

— Ҳа, Парижга турмушга чиққангиздан кейин келганмиз.

— Турмуш ўртоғингиз билан Мюлузда танишганмисиз?

— Йўқ, Ла-Баледа... Ойим билан ҳар йили бориб турардик у ёққа.

Бирдан болаларнинг қий-чуви эшитилиб қолди. Йўлакда қайси биридир гурс этиб йиқилди.

— Узр, мен ҳозир...

Аёл эшикни ёпиб чиқиб кетди, болаларига бир нималарни шипшиди.

— Кечиринг, илтимос... Бугун болалар мактабга бормаган... Уйнатиб келаман, деб ваъда берувдим.

— Отангизни кўрсангиз, танийсизми?

— Танисам керак.

Мегрэ чўнтагидан табибнинг шахсий гувоҳномасини чиқарди. Гувоҳнома берилган муддатга қараганда, сурат бундан беш йил муқаддам олинган. Бу йирик магазинлар, вокзаллар ва полиция маҳкамаларида турадиган фото-автомат билан олинган оддийгина сурат эди.

Франсуа Келлер суратга эски кийимда, ҳатто соқолини ҳам олдирмай тушган. Соқоли шу даражада ўсиб кетганки, афтидан, ўзи аҳён-аҳёнда қайчи билан кузаб турса керак. Тенакал. Нигоҳи паришон.

— Шуми?

Руслэ хоним титроқ қўл билан гувоҳномани ушлаб, тузукроқ илгаш учун расмга энгашди. Узоқни яхши кўролмаса керак.

— Отам менинг хотирамда бунақа қиёфада қолмаган, лекин сурат отамникилигига шубҳам йўқ.

У суратга янаям яқинроқ энгашди.

— Заррабин бўлганда, эҳтимол... Шошманг, ҳозир обчиқаман.

Руслэ хоним гувоҳномани столга қўйди-да, бир зумда нариги хонадан заррабин кўтариб чиқди.

— Отамнинг чап қовоғида кичкина, лекин чуқур чандиғи бор эди. Ҳа, худди ўзи... Бир қарашда пайқаш кийин бунақа расмда, лекин мана кўриниб турибди... Яхшилаб қаранг-а!..

Мегрэ ҳам заррабинни қўлига олди.

— Эсимда қолганининг сабаби, бу чандиқни менинг дастимдан орттирган эди... Якшанба кунларининг бирида дам олгани шаҳар ташқарисига чиқдик. Ўшанда саккиз ёшларда эдим... Жазирама ёз пайти. Буғдойзор четида лолақизғалдоқлар очилиб ётарди. Росаям тергим келди. Аммо буғдойзор тиконли сим билан ўралган эди. Отам мени у томонга ўтказиш учун симни кўтариб турмоқчи бўлди. Пастдаги симни оёғи билан босиб, сал олдинга энгашди... Товба, кўп нарсаларни унутибман-у, шу воқеа эсимдан чиқмапти-я! Бирдан отамнинг оёғи тойиб кетиб, таранг тортилиб турган сим зарб билан юзига урилди. Кўзи лат едимикан, деб ойимнинг қапагаги учиб кетди. Отамнинг юзи қонга беланди. Ярани ювиб боғлаш учун энг яқин фермага қараб югургандик. Шу-шу отамнинг қовоғида чандиқ изи қолганди.

Руслэ хоним ушбу ҳодисани ҳикоя қиларкан, Мегрэга хавотирланиб тикилар, гўё комиссар асл муддаога ўтиши учун атайлаб вақтни чўзмоқчига ўхшарди.

— Унга бирор гап бўптими?

— Тунда бошини ёришган, лекин дўхтирлар, тўзалиб кетади, дейишяпти.

— Парижда бўлдим бу воқеа?

— Ҳа, Сена бўйида... Кейин уни сувга улоқтиришган.

Комиссар бу гап аёлга қандай таъсир этишини билмоқ ниятида ундан кўз узмасди, аммо Руслэ хоним нигоҳини олиб қочмади.

— Отангиз қандай яшаганидан хабарингиз борми?

— Сал-пал...

— Яъни?

— Бизни ташлаб кетганидан кейин...

— У пайтда ўн уч ёшда экансиз. Эслийсизми қай тарзда кетганини?

— Йўқ, Эрталаб турсам, уйда кўринмади. Ҳайрон бўлдим. Ойимдан сўрасам, узоқ саёҳатга жўнаб кетди, деди.

— Қаерда эканлигини қачон билдингиз?

— Бир неча ойдан сўнг отамнинг Африкада ўрмонда негрларни даволаб юрганини ойимга хабар қилишди...

— Ростдан ҳам шундай бўлганми?

— Менимча, рост бу гап... Кейинчалик отамни кўрганлар ҳам тасдиқлашди буни. Габонда, Либревилдан юз чақиримча нарида жойлашган кичкина шифохонада яшаган экан.

— Габонда узоқ вақт турганми?

— Ҳар ҳолда бир неча йил яшаган бўлиши керак. Дарвоқе, Мюлузда отамни бировлар сал кам авлиё дейишар, бошқалар эса...

Мегрэ гапнинг давомини кутди. Аёл бир оз иккиланиб тургач, қўшиб қўйди:

— Бошқалар уни хаёлпараст, савдойи деб аташарди.

— Ойингиз-чи?

— Менимча, ойим тақдирга тан берган...

— Неча ёшда ҳозир?

— Эллик тўртда... Йўқ, эллик бешда... Отам унга хат қолдирганини кейинчалик билдим, лекин ойим уни менга сира кўрсатмаган эди. Афтидан, отам у хатда энди уйга қайтмаслигини, ажралиш билан боғлиқ ҳамма ташвишларни ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини ёзган бўлса керак.

— Улар кейин ажралишдимми?

— Йўқ. Ойим динга қаттиқ берилган аёл.

— Эрингиз шу воқеалардан хабардорми?

Албатта. Ундан ҳеч нарсаши яширмаганмиз.

Отангиз Парижга қайтганини эшитувдингизми?

Руслэ хонимнинг қовоқлари пирпиради, Мегрэ, ҳозир бу аёл ёлгон гапирishi мумкин деб кўнгилдан ўтказди.

— Ҳа, десам ҳам бўлади, йўқ, десам ҳам... Ўзим уни кўрмаганман... Ойим ҳам, мен ҳам отамнинг Парижга қайтишига ишонмасдик. Дарвоқе, Мюлузлик бир киши ойимга Сен-Мишель хиёбонида реклама тахтасини кўтариб юрган, отамга жудаям ўхшайдиган бир одамни кўрганини сўзлаб берибди... У ойимнинг эски танишларидан... Исмни айтиб чақирган экан ҳалиги киши бир сесканибди-ю; нидамай кетаверибди...

— Полицияга хабар қилиш эсингларга келмадимиз?

— Нима кераги бор? Отамнинг ўзи танлаган-ку шу йўлни... Биз билан яшай олмаслигига кўзи етган.

— Унинг тақдири сизни ташвишлантирмадимиз?

— Эрим билан бу ҳақда кўп гаплашганмиз.

— Ойингиз билан-чи?

— Ойимдан ҳам кўп сўраганман... Турмушга чиқмасимдан олдин, кейин ҳам...

— Ойингиз нима дейди бу ишларга?

— Бир-икки оғиз гап билан тушунтириш қийин буни. Ичи ачийди, албатта... Мени ҳам ичим ачийди. Наҳотки отам бизсиз ўзини бахтли сезаётган бўлса, деб баъзан ўй суриб қоламан...

Кейин аёл овозини пасайтириб, хижолатомуз давом этди:

— Бизнинг турмуш тарзимизни ҳазм қилолмайдиган одамлар ҳам бўлади. Ундан ташқари, ойим...

Руслэ хоним ҳаяжонланарди. Креслодан туриб, дераза ёнига борди, бир оз кўчага тикилиб тургач, яна жойига келиб ўтирди.

— Ойимга айб қўёлмайман. Унинг ўз дунё қараши бор... ҳамманикига ўхшаган. Эҳтимол, «шаддод» деган таъриф ойимга унчалик тўғри келмас, лекин у айтганини қилдирадиган аёл.

— Отангиз кетиб қолганидан кейин ойингиз билан муносабатларинг бузилмадимиз?

— Унақа деёлмайман... Лекин турмушга чиқаётганимдан жуда хурсанд бўлдим, чунки...

— Чунки унинг ғамхўрлигидан холос бўлгансиз?

— Бу томони ҳам бор, — деди у кулимсираб. — Албатта, бунинг ажабланидиган жойи йўқ: кўп қизларнинг аҳволи шу. Ойим меҳмонга боришни, меҳмон кутишни,

машҳур одамлар билан учрашиб туришни яхши кўради... Мюлуздалигимизда уйимизга доим таниқли кишилар йиғилишарди.

— Отангиз борлигида ҳам-а?

— Ҳа, кейинги икки йил мобайнида.

— Нима учун кейинги икки йил мобайнида?

— Чунки бу пайт ойимга холамдан катта мерос қолган... Авваллари одмигина турмуш кечирардик, шаҳарнинг овлоқ гўшасида, торгина ҳовлида яшардик. Отам асосан ишчиларни даволарди... Мерос тегди-ю, ҳаётимиз тамоман ўзгариб кетди... Биз янги жойга кўчдик... Ойим ибодатхона яқинидан бир ҳашаматли уй сотиболди... Бу иморат пештоқидаги тамға унга айниқса хуш ёққан эди...

— Отангизнинг қариндош-уруғларини танийсизми?

— Йўқ. Фронтда ҳалок бўлган укасини уч-тўрт марта кўрганман. Агар янглишмасам, у қаердадир Сурияда нобуд бўлган... ҳар ҳолда Францияда эмас.

— Ота-онасини-чи?

Яна болаларнинг шовқини эшитилди, аммо энди Руслэ хоним бунга эътибор бермади.

— Отамнинг онаси у ўн беш ёшлигидаёқ вафот этган экан... Отаси дурадгорлик ишлари бўйича пудратчи бўлган, деб эшитганман. Ойимнинг айтишича, унинг қўлида ўнга яқин одам ишлаган. Бир куни, отам ҳали дорилфунунда ўқиб юрган пайтида, бобом устахонада ўзини осиб қўйган, кейин маълум бўлишича, иши орқага кетган экан.

— Бари бир отангиз ўқиниши тугатишга муваффақ бўлган, шундайми?

— Ҳа, отам ҳам ўқиб, ҳам дорихонада ишлаган.

— Табиати қанақа эди уни?

— Хушфеъл одам эди. Жавобим сизни қаноатлантирмаслигини тушунаман, лекин менинг хотирамда у айнан шундай киши сифатида қолган. Хушфеъл ва андак маъюс.

— Ойингиз билан ўрталарида жанжал бўлиб турармиди?

— Отамнинг бақириб-чақирганини сира эшитмаганман... Тўғри, агар уйда иши бўлмаса, одатда, кўп вақтини беморларнинг олдида ўтказарди. Эсимда, ойим ўзига беътиборлиги, ҳар доим битта гижим костюмда юргани, уч кунлаб соқолини олмагани учун нуқул отамга дашном берарди. Мен ҳам, ўпганимда соқоли ботади, деб оловга ёғ селиб турардим.

— Ҳамкасблари билан муносабати қандайлигини билмасангиз керак?

— Ойимнинг гап-сўзларидангина биламан, лекин қанчалик тўғри-нотўғрилиги ҳақида бир нарса деёлмайман. Ойим ёлгон гапирмайди-ю, аммо хаёлидаги нарсани худди бўлган воқеадай қилиб сўзлашни яхши кўради... Модомики отамга турмушга чиқибдими, демак, дунёда отамдан бахтли одам йўқ...

— «Отанг — шаҳарнинг энг зўр дўхтири, дерди у менга. — Ҳеч шубҳасиз, Франциядаги энг яхши дўхтирлардан бири. Аммо...» — Руслэ хоним яна кулимсиради. — Бу ёғни тушуниб тургандирсиз... Отам шароитга қараб иш тутишни билмасди. Бошқаларга ўхшашни ҳохламасди... Буванг иши орқага кетгани учун эмас, рухий касалликдан ўзини осган, дерди ойим менга... Сабаби, бувамнинг қизларидан бири рухий беморлар шифохонасида ётиб чиққан экан...

— Кейин нима бўлган унга, аммангизга?

— Хабарим йўқ... Ойим ҳам билмаса керак. Ҳар ҳолда, Мюлдуздан кетиб қолган.

— Ойингиз ҳалиям ўша ердами?

— Ойим аллақачон Парижга кўчиб келган.

— Адресини айтолмайсизми?

— Орлеан соҳили, йнгирма тўққизинчи уй.

Мегрэ сесканиб кетди, аммо аёл буни сезмади.

— Сен-Луи оролида... Орол Парижнинг сўлим жойларидан бирига айланганидан бери...

— Отангизга қаерда ҳужум қилишганини биласизми?

— Йўқ, албатта.

— Мари кўприги остида... Ойингиз турадиган уйдан уч юз метр нарида.

Руслэ хоним қошларини чимирди.

— Кўприк Сенаннинг бошқа томонида-ку, шундайми? Ойимнинг деразаси Турналар соҳилига қараган.

— Ойингизнинг кучуги борми?

— Нима учун сўраяпсиз?

Бундан бир неча ой муқаддам, уйлари таъмир қилинаётгани сабабли, Мегрэ хотини билан Вогез майдонида яшаганди. Улар кечқурунлари кўпинча Сен-Луи оролида сайр қилишарди. Бундай пайтда Сена соҳилида кучугини сайр қилдириб юрганлар ҳам кўп бўларди.

— Ойим фақат қуш боқади. Кучук билан мушукка тоқати йўқ. — Аёл бирдан суҳбат мавзусини бошқа ёққа буриб юборди: — Отамни қаерга ётқизишган?

— Мари кўприги ёнидаги касалхонага.

— Демак, сиз мendan...

— Ҳозир эмас... Эҳтимол, ўша одамнинг отангиз эканлигини ўзил-кесил аниқлаб олиш учун касалхонага боришингизни кейинроқ илтимос қилишимга ҳам тўғри келар, кейинроқ. Ҳозир унинг боши ва юзлари дока билан танғиб ташланган.

— Аҳволи оғирми?

— Беҳуш ётибди.

— Нима сабабдан бу қадар бераҳмлик қилишдйкин?

— Мен ҳам шуни билмоқчиман-да.

— Балки муштлашгандир бирортаси билан?

— Йўқ. Уни ухлаб ётган пайтида уришган.

— Кўприк тагида-я?

Комиссар ўрнидан тўрди.

— Ҳозир ойингизнинг олдига борасизми?

— Бормасам бўлмайди. Қўнғироқ қилиб, воқеадан хабардор қилиб қўйсам майлими?

Мегрэ ҳадеганда жавоб бермади. У бу ҳодиса Келлер хонимга қандай таъсир қилишини кузатмоқчи эди. Аммо аёлнинг раъйини қайтаргиси келмади.

— Раҳмат, жаноб комиссар. Энди бу ҳақда газеталарда ҳам ёзишадими?

— Ёзиб бўлишгандир аллақачон, лекин отангизнинг фамилияси кўрсатилмаганлиги аниқ, чунки ўзим ҳам буни ҳозир яқинда билдим.

— Ойим отамнинг фамилияси айтилмаслигини талаб қилиши турган гап.

— Қўлдан келганча ҳаракат қиламан.

Руслэ хоним меҳмонини йўлакка кузатиб чиққанида қизчаси югуриб келиб этагига ёпишди.

— Ҳозир ўйнагани борамиз, қизалоғим. Бор, Нанага айт, кийинтириб қўйсин.

Торранс Руслэ хонимнинг уйи олдида у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Жиноят қидирув полициясининг кичкина қора машинаси ярқираган, дабдабали хусусий автомобиллар олдида жудаям ғариб кўринарди.

— Орфевр соҳилига ҳайдайми?

— Йўқ. Сен-Луи оролига. Орлеан соҳилига.

Каттакон дарвозали уй эски бўлса ҳам яхши сақланган эди. Мис тутқичлар, панжаралар, зинапоя ва деворлар ярқирарди. Қора кўйлак устидан оқ пешбоғ тутган эшикбон аёл ҳам аслзодаларга ўхшарди.

Сизни таклиф қилинганми?

— Ҳм... Пўқ, лекин Келлер хоним менни кутяпти...

— Шттимос, бирпас сабр қилинг.

Эшикбон ўтирадиган хонадон одатдагидай пиёздоғ ҳиди эмас, паркетга суриладиган сариқ мум иси анқирди.

Аёл телефон гўшагини кўтарди.

— Ким келди, деб айтай?

— Комиссар Мегрэ.

— Алло!... Берта?... Хонимга айт, қандайдир комиссар Мегрэ қабул қилишларини сўраяпти... Ҳа, шу ерда... Чиқаверсинми?... Рахмат... Чиқаверинг, учинчи қават, ўнгдаги эшик.

Мегрэ зинапоядан тепага кўтариларкан, бирдан Селестэн соҳилни эслади; фламандияликлар ҳалиям ўша ердамикан ёки протоколга қўл қўйиб, Гуанга жўнаб қолишдимикан? У қўнғироқ тугмасини босмасидан эшик очилиб, ёшгина, чиройли оқсоч қиз, гўё тирик полициячини умрида энди кўраётгандай, комиссарга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Марҳамат, кираверинг... Шляпангини беринг...

Квартиранинг шифти ниҳоятда баланд бўлиб, хоналарга серҳашам жиҳозлар қўйилган, зарҳал буюмлар териб ташланганди. Остонаданоқ тўтиқушларнинг овози эшитилди. Меҳмонхонанинг қия очиқ эшигидан каттакон қафас кўришиб турарди. Ичида ўн жуфтга яқин қуш чуғурлашиб ётибди.

Мегрэ ўн минутлар кутгач, диққати ошиб трубка тутатди. Аммо меҳмонхонага Келлер хоним кириб келиши билан уни шоша-пиша оғзидан олди. Рўпарасида кичкина, нозикниҳол ва ҳали жуда ёш бир аёл турарди. Қизидан у, бор-йўғи, ўн ёшларгина катта кўринарди, холос. Кўзлари кўм-кўк, юзи бежирим. Оқ гулли қоп-қора қўйлаги ўзига жуда ярашган.

— Жаклин қўнғироқ қилувди, — деди у ва Мегрэга суяничиғи қаттиқ ноқулай креслони кўрсатди.

Ўзи эса духоба қопланган юмшоқ курсига ўтирди. У қадини фоз тутарди — ибодатхонада ўргатишган бўлса керак.

— Эримни топганмишсизми?

— Биз уни қидирмаганмиз, — деди Мегрэ.

— Тўғри... Лекин у нима учун сизларга керак бўлиб қолди — хайронман... Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида: қандоқ хоҳласа шундоқ яшайди... Тузалиб кетадиганми иш-

қилиб ё қизимга тасалли бериш учун шундай дедингизми?

— Профессор Манъеннинг айтишича, омон қолишига саксон фоиз умид бор.

— Манъен?.. Уни яхши танийман... Уйимга кўп келган...

— Эрингиз Париждалигини билармидингиз?

— «Ҳа» десам ҳам бўлади, «йўқ» десам ҳам. Габонга кетганига йигирма йил бўлди. Шу орада ундан атиги иккитагина хат олдим, иккаласини ҳам Африкага борган дастлабки ойларда ёзган...

Келлер хоним ўзини мотамсара қилиб кўрсатишга уринмас, ҳар қандай вазиятда ҳам довдираб қолмайдиган аёллар сингари, Мегрэннинг кўзига тик қараб гапирарди.

— Ҳозир гап эрим устида бораётганига ишончингиз комилми?

— Қизингиз таниди уни.

Мегрэ Келлер хонимга эрининг сурати ёпиштирилган гувоҳномани ўзатди.

Аёл кўзойнагини олиб, суратга узоқ тикилди. Аммо юзида ҳаяжон ифодаси мутлақо сезилмади.

— Жаклин ҳақ. Ўзгариб кетибди, лекин Франсуа эканлигига мен ҳам қасам ичишим мумкин. — У бошини кўтарди. — Ростдан ҳам шу атрофда яшарканми?

— Мари кўприги остида.

— У кўприкдан кўп ўтганман... Яқин бир танишим Сенанинг нарёғида яшайди. Ламбуа хоним... Эҳтимол эшитгандирсиз, эри...

Ламбуа хонимнинг эри қандай лавозимдалиги Мегрэнни асло қизиқтирмасди.

Эрингиз Мюлуздан кетганидан кейин уни қайтиб кўрмадингизми?

— Йўқ.

— Ўзи хат-пат ёзмадими? Ёки қўнғироқ қилгандир?

— Боя айтганим иккита хатдан бошқа хабар бўлмади... Ҳар ҳолда, бевосита ўзидан...

— Билвосита-чи?

— Бир куни мемҳондорчиликда Габоннинг собиқ губернатори жаноб Перинъон билан учрашиб қолдим. Гапдан гап чиқиб, дўхтир Келлер деган одамга қариндош эмасмисиз, деб сўраб қолди.

— Нима дедингиз?

— Ростини айтдим. У жуда хижолат бўлди. Фран-

суа ҳақида баъзи маълумотларни базўр ичидан суғуриб олдим. Жаноб Периншон, Келлер у ердан қидирган нарсасини тополмади, деб айтди.

— Нима қидирган экан?

— Биласизми, Франсуа хаёлпараст одам... Бу дунёнинг иссиқсовуғи-ю икир-чикирларига бардоши йўқ... Мюлуздаги кўнгилсизликдан сўнг...

Мегрэ таажжубланди.

— Қизим гапириб бермадими? Дарвоқе, унда ёш эди, отасини кам кўрарди... Ўзига маъқул миждоз танлаш ўрнига... Ҳа-я, чой ичасизми? Ичмайсизми? Унда менга рухсат берасиз, ҳар кун шу пайтда чой ичишга одатланганман, — у қўнғироқ чалди: — Берта, чой обкелинг.

— Бир ўзингизгами?

— Ҳа. Сизга нима таклиф қилсамикан?.. Вискими? Ихтиёрингиз. Ҳа, нима деётувдим? Ҳа... Агар янглишмасам, бир роман бор, поми «Камбагаллар дўхтири»ми, «Қишлоқ дўхтири»ми, шунга ўхшаганроқ... Эрим ҳам ўшанақа камбагаллар дўхтири эди. агар холадан мерос тегмаганда, ҳадемай кунимиз ёвфон шўрвага қоларди... Уйламанг, унга эътирозим йўқ... Ўзи шунақа одам у... Отаси ҳам... ҳа-я, бунинг аҳамияти йўқ... Ҳар тўқисда бир айб, дейишади-ку.

Телефон жиринглади.

— Майлими?.. Алло! Ҳа, менман... Алисамсан? ҳа, азизим, сал кечроқ бораман... Йўқ, йўқ, қайтанга яхши... Лорани кўрдингми? Борарканми?.. Кечирасан, ҳозир кўп гаплашолмайман — меҳмоним бор... Кейин айтиб берман. Ҳайр! — Келлер хоним яна жойига ўтирди. — Ички ишлар министрнинг хотини. Танийсизми?

Мегрэ бош чайқаб, трубкасини беихтиёр чўнтагига солди. Келлер хонимнинг тўтилари ҳам, суҳбат узилиб қолаётгани етмагандай баттар ғашига тегаётганди. Мана энди оқсоч қиз кириб, дастурхон тузай бошлади.

— Франсуа касалхона дўхтири бўлмоқчи эди, икки йил мобайнида зўр бериб конкурсга тайёрланди... Аммо ниҳоятда адолатсизлик қилишди. Мюлузга борсангиз, бунинг ҳамма тасдиқлаши мумкин: номзодлар ичида энг муносиби Франсуа эди. Касалхонага ишга олишганда узукка кўз қўйгандай бўларди... Аммо, одатдагидай, нуфузли бир одамнинг яқинини танлашди. Бари бир бу ҳамма нарсага қўл силташ учун сабаб бўлолмайди-ку...

— Демак, ҳафсаласи пир бўлиб...

— Қайдам, балки шундайдир... Уни жуда кам кўрардим... Уйда бўлган пайтларида ҳам кабинетига қамалволарди. Илгаритдан одамови эди, ҳалиги воқеадан кейин бешбаттар бўлди. Уни ёмонлаш ниятим йўқ... Ажралиш хаёлимга ҳам келмаганди, ўзи хатида шуни таклиф қилди.

— Ичармиди?

— Қизим айтдими?

— Йўқ.

— Ҳа, ичарди... Гарчи кабинетида ҳамма вақт ичимлик турса ҳам, уни сира маст ҳолда кўрмаганман. Лекин бошқалар унинг ўзига ўхшаган одамлар қадам босмайдиган хароб майхоналардан чиқиб келаётганини кўришар экан.

— Габон ҳақида гап бошлагандингиз.

— Назаримда, эрим иккинчи дўхтир Швейцар¹ бўлишни орзу қилган. Тушуняпсизми? Урмонда яшайдиган негрларни даволаш, у ерда шифохона очишни мўлжаллаган, оқ танлилардан, айниқса, ўзига яқин кишилардан нарироқ юришга ҳаракат қилган.

— Шунга муваффақ бўлганми?

— Губернаторнинг гапига қараганда, аксинча, ўзига душман орттирган. Маъмурият ҳам, йирик маҳаллий компаниялар ҳам ундан юз ўтирган. Шундан кейин у ичкиликка баттар ружу қўйган. Тагин бадхоҳлик қиляпти, деб ўйламанг, асло ундай эмас... Габонда у бир негр аёли билан хароб кулбада яшаган, ундан болалари ҳам бўлса керак...

Мегрэ нигоҳини офтоб нури тушиб турган тўтиқушлар қафасига бурди.

— Хуллас, унга мамлакатдан чиқиб кетишни шама қилишган.

— Яъни, Габондан сургун қилинган, демоқчисиз-да?

— Шунақа деса ҳам бўлади. Лекин тафсилотини аниқ билмайман, губернатор ҳам гапни чалғитди... Ҳар ҳолда, Франсуа кетишга мажбур бўлган.

— Танишларингиздан бири уни Сен-Мишель хиёбонида кўрган экан. Қачон бўлган эди бу?

— Қизим шуниям айтдими? Лекин ўша одам Франсуа эканлигига кўпам ишонмайман. Одам одамга ўх-

¹ Швейцар Альбер (1875—1965) — йирик француз олими, дўхтири ва жамоат арбоби. Габонда жарроҳлик шифохонаси ташкил этган.

шайди-ку. Маҳаллий ресторанинг рекламасини кўтариб юрган ўша одам ҳам эримга ўхшаса не ажаб... Лекин танишим исмини айтиб чақирган экан, у бир учиб тушибди...

— Гаплашибдими танишингиз ўша одам билан?

— Франсуа унга умрида биринчи бор кўраётгандай тикилибди. Мен билган нарсалар мана шулар.

— Ҳозиргина қизингизга ҳам айтдим, сизни касалхонага олиб боришга ҳали эрта, чунки жабрланувчининг бош-юзи дока билан ўраб ташланган. Лекин сал соғайганидан кейин...

— Оғир бўлмасмикин?

— Ким учун?

— Унинг учун-да, албатта!

— Шунга қарамай, унинг шахсиятини узил-кесил ҳал этишимиз керак.

— Эрим эканлигига шубҳам қолмади... Айниқса, чандиқни эшитганимдан кейин... Ёдимда, август ойи эди, якшанба кунин...

— Хабарим бор...

— Унда мени безовта қилмасангиз ҳам бўлади...

Мегрэ ўрнидан турди — тўтиқушларнинг овози шу қадар жонига теккан эдики, тезроқ кўчага чиқиб кетгиси келиб, базўр чидаб ўтирганди.

— Уйлайманки, газеталарда...

— Ташвишланманг, газеталарда қисқагина хабар босилади, холос.

— Бу мендан кўра ҳам куёвим учун муҳим. Хар ҳолда, ишдаги одам... Бу гаплардан у хабардор, ҳаммасини тарозига солиб, тақдирга тан берган... Ростдан ҳам ҳеч нарса ичмайсизми?

— Ташаккур.

Кўчага чиққач, Мегрэ Торансдан шоша-пиша:

— Қаерда тинчроқ майхона бор? Ўлгудай ичгим келяпти! — деб сўради.

— Оҳ, қанийди шу тобда кўпириб турган муздай пиво бўлса!

Улар осуда, нимқоронғи майхонани тезгина топишдию, аммо аксига олиб, пивоси илиқ ва ниоҳятда бемаза экан.

— Рўйхат столим устида, — деди Люка. У бу сафар ҳам топшириқни рисоладагидай қилиб бажарганди.

Машинкада ёзилган рўйхат битта эмас, бир нечта эди. Энг устида турли-туман буюмлар рўйхати. Суд-тиб-биёт экспертизаси ходими уларни «эски-тускилар» деган сарлавҳа остига тизибди. Аслида, табибнинг қачондан бери Мари кўприги остида асраган мана шу лаш-лушларидан бўлак ҳеч вақоси йўқ! Фанердан ясалган яшиклар, болалар аравачаси, йиртиқ адёл, эски газеталар, манқал, дегча. Боссюзнинг «Қабр узра айтилган нутқ»и билан бошқа буюмлар тепага, Адолат Саройи лабораториясининг бир бурчагига уйиб қўйилибди.

Навбатдаги рўйхатда Келлернинг касалхонадан келтирилган кийимлари қайд этилган. Алоҳида вараққа эсаннинг ҳамёнидан чиққан нарсалар ёзилган.

Мегрэ сўнгги рўйхатни ўқиб ҳам ўтирмади, уни бир четга суриб, Франсуанинг бор бисоти жамланган жи-гарранг пакетни очди. Юзига ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари тушиб турган Мегрэни кузатиш мароқли эди: шу тобда у Қорбобонинг янги йил қопчиғидан антиқа совға қидираётган ёш болага ўхшарди.

Энг олдин комиссар пакетдан ниҳоятда эскириб кетган стетоскоп чиқариб, стол устига қўйди.

— Камзулининг ўнг чўнтагида экан, — деб изоҳ берди инспектор. Касалхонадагилардан илтимос қилувдим, текшириб беришди — бузуқ экан.

Қизиқ, бузуқ нарсани Франсуа Келлер нима учун ёнида олиб юрган экан? Тузатмоқчи бўлганми? Ёки касбидан ёдгорлик, ўзига хос сўнгги бир тимсол сифатида сақлаганми?

Кейин Мегрэ уч тигли қаламтарош билан шиша тикинини очадиган мугуз сопли парма-бигизни олди. Буларни ҳам табиб ахлат яшигидан топган бўлса ажабмас.

Сўнг муштуги сим билан омонатгина туташтириб қўйилган трубка чиқди.

— Чап чўнтагидан олдим, — деди Люка. — Ҳали жиққа ҳўл.

Мегрэ трубкани беихтиёр ҳидлаб кўрди.

— Тамакиси йўқ эканми?

— Халтанинг тубидан уч-тўртта чекиб ташланган сигарета топдим. Лекин сув тегиб, бўтқа бўлиб кетибди.

Комиссарнинг кўз ўнгида ердан сигарета қолдиғини

олиб, трубкасига кўйинди тамакини эзгилаб солаётган почор одамнинг қиёфаси пайдо бўлди. Табибнинг трубка чекиши кўнглининг аллақасерида илиқ-туйғулар уйғотди, аммо Мегрэ буни сездирмади. Қизи ҳам, хотини ҳам бу ҳақда лом-мим дейишмаганди.

Катта-кичик миҳлар, мурватлар. Нима учун керак экан булар? Афтидан, табиб ахлат яшиқларини титкилаётганида қўлига нима илинса — керак бўладими, йўқми — ҳаммасини чўнтагига солаверган. Балки у буларни қандайдир тумор ўрнида кўргандир. Чўнтагидан яна шунақа нарсалар топилдики, уларнинг кўприк остида тунаб юрадиган одамга асқатишига асло ақл бовар қилмайди.

Айтайлик, мана бу учта соққа — ичига сариқ, қизил ва яшил толалар солинган шиша соққалар. Бундай соққани болалар беш ёки олтига оддий соққага алмаштириб олишади-да, сўнг унинг офтобда ажабтовур товланишига маҳлиё бўлиб, севниб юришади.

Уч-тўртта сариқ чақа билан бир-бирига ёпишиб қолган иккита эллик франклик солинган чарм ҳамённи демаса, халтадаги бор-йўқ «бойлик» юқорида санаб ўтилган нарсалардан иборат.

Мегрэ соққалардан бирини олиб, кафтида айлантира бошлади.

— Бармоқ изларини олдингми?

— Ҳа, олдим. Беморлар анграйиб қолишди... Кейин архивга кириб, бошқа бармоқ излари билан солиштириб чиқдим.

— Хўш?

— Ҳеч гап йўқ. Қеллер биз билан ҳам, суд билан ҳам илгари сира тўқнаш келмаган.

— Ҳушига келдими?

— Йўқ. Қаравотининг ёнида турганимда кўзларини хиёл очди, лекин бирор нарсани кўрганига ишонмайман. Хириллаб нафас олади. Ора-сира инграб қўяди...

Комиссар уйига кетишдан олдин зарур қоғозларга имзо чекди. Сиртдан жиддий ва ҳорғин кўринса ҳам, ташқарида офтоб чарақлаб тургани учунми, кайфияти чакки эмас эди. Чиқиб кета туриб, негадир, — билибми-билмай, шиша соққалардан биттасини чўнтагига солди.

Бугун сешанба, демак, хотини макарон қовуриб қўйган. Бошқа кунлари таом ўзгариб туради, аммо пайшанбада — шўрва, сешанбада — қиймали ёки қўзиқорин солинган макарон бўлиши тайин.

Мегрэ хонимнинг ҳам кайфи чоғ эди, унинг кўзларида қув ифодани кўрган комиссар хотинининг янги гап топиб қўйганини пайқади. Аммо ўзи Жаклин Руслэ билан Келлер хонимникига кириб келганини айтишга шошилмади.

— Қорним ўлгудай оч!

Мегрэ хоним, эри шу тобнинг ўзида уни саволга кўмиб ташлашини кутган эди, бундай бўлмади, фақат очиқ дераза олдида турган стол ёнига бориб ўтирганидан кейингина гап бошлади. Ҳаво илиқ, осмон шафақдан қизариб турарди.

— Синглинг қўнғироқ қилмадимми?

— Флоранс бало. Кун бўйи ҳамма танишларига қўнғироқ қилиб чиқибди.

Стол устида нималардир ёзилган бир варақ қоғоз ётарди.

— Нима деганини гапириб берайми?

Кўча шовқини қулоққа чалиниб турарди, қўшнилар телевизор ёққани ҳам эшитилди.

— Сўнги ахборотни кўрмайсанми?

— Йўқ, сенинг гапларингни эшитмоқчиман.

Мегрэ хотинининг ҳикоясини тингларкан, бир неча бор қўлини чўнтагига солиб, соққани айлантириб кўрди.

— Нега куляпсан?

— Ўзим шундай... Гапиравер.

— Энг олдин Келлер хонимга холаси қолдирган бойлик қаердан келганини аниқладим. Бунинг тарихи узун. Бир бошдан гапираверайми?

Комиссар ҳузур қилиб макарон чайнаркан, бош ирғаб қўйди.

— Холаси илгари ҳамширалик қилган, қирқ ёшида ҳам турмушга чиқмай, қари қиз бўлиб ўтирган.

— Мюлузда яшаганми?

— Йўқ, Страсбургда. У Келлер хонимнинг онасига сингил бўлган.

— Ҳа, ҳа.

— Хуллас, касалхонада ишлаган... У ерда ҳар битта профессорнинг ўз хусусий беморлари учун бир нечтадан палата ажратилган экан. Бир пайт, уруш бошланмасдан сал олдин, Келлер хонимнинг холаси бир беморга қараган; кейинчалик бу беморни Эльзасда тез-тез тилга оладиған бўлишибди. У темир-терсак билан савдо қилувчи Лемке деган одам бўлиб, жуда бадавлат бўлишига қарам ўй, ножўя ишлар билан ҳам кўп шуғуллан-

ган, ҳатто судхўрлик қилишдан ҳам ийманмаган, дейишди.

— Уша одам Келлер хонимнинг холасига уйланган, шундайми?

— Сен қаёқдан биласан?

Мегрэ гапнинг белига тепганидан афсусланди.

— Кўзинг айтиб турибди-ю.

— Ҳа, унга уйланган. Бу ёғини эшит... Уруш пайтида Лемке қимматбаҳо металлларни пуллаб юрган. Табиийки, немислар билан ҳам алоқада бўлган, шу туфайли анча-мунча бойлик орттирган... Чўзмаяпманми? Жонингга тегмадими?

— Йўқ, йўқ. Урушдан кейин-чи?

— Қаршилик ҳаракати қатнашчилари Лемкени тутиб, бойлигини мусодара қилиш, ўзини эса қатл этиш мақсадида уни роса қидиришади. Аммо топишолмайди. Лемке хотини билан қаёққадир ғойиб бўлган эди. кейинчалик маълум бўлишича, улар Испанияга, у ердан Аргентинага кетишган экан. Мюлузлик бир газлама фабрикасининг эгаси уни тасодифан кўчада учратиб қолади... Яна макарон ейсанми?

— Жоним билан, фақат яхши қовурилганидан.

— Лемке касби билан шуғулланишни давом эттирганми ёки улар шушчаки кўнгилхушлик учун саёҳат қилиб юришганми — бу ёғи қоронғи. Хуллас, бир куни улар Бразилияга учишади. Тоғ устида самолёт ҳалокатга учрайди. Экипаж аъзолари ҳам, йўловчилар ҳам нобуд бўлишади. Лемке билан хотини ҳам ҳалокат қурбонига айланишади-ю, уларнинг бойлиги, кутилмаганда, Келер хонимнинг ихтиёрига ўтади. Бошқа ҳолатда мерос эрининг онласига қолиши керак эди... Нима учун Лемкенинг қариндошларига ҳеч нарса тегмай, бутун бойлик хотинининг жиянига ўтиб кетиши сабабини биласанми?

Мегрэ ростини айтмай, елкасини қисиб қўя қолди. Аслида ҳаммасига тушуниб турган эди.

— Қонун бўйича, — деб давом этди Мегрэ хоним, — эр-хотин бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлсаю уларнинг қайси бири олдинроқ ўлганини аниқлашнинг иложи бўлмаса, хотин эридан кўра, бир неча дақиқа бўлса ҳам, кейинроқ жон берган, деб ҳисобланаркан. Дўхтирлар ҳам аёлларнинг жони қаттиқ, дейишади-ку... Қисқаси, аввалига холаси эрининг меросхўрига айланади, сўнг бутун бойлик жиянининг қўлига ўтади... Уф! — Мегрэ хо-

ним топиб қўйган хабаридан мамнун эди. — Шундай қилиб, страсбурглик бир ҳамширанинг темир-терсак савдогарига турмушга чиқиши ва Жанубий Америка тоғларида қандайдир бир самолётнинг ҳалокатга учраши дўхтир Келлерни сарсон-саргардон қилиб қўйган... Мабодо хотини тўсатдан бойиб кетмаганида ва улар ўша Саваж кўчасида яшаб юраверганларида... Тушунаяпсанми нима демоқчилигимни? Дўхтир Келлер ҳам Мюлуздан кетмаган бўларди, шундай эмасми?

— Эҳтимол.

— Келлер хоним тўғрисида ҳам баъзи нарсаларни билиб олдим. Лекин гийбат бўлиши ҳам мумкин, синглим ҳам, бу гапларнинг тўғрилигига кафолат беролмайман, деди.

— Қани эшитайлик-чи.

— Келлер хоним — кичкина, серғайрат, тиниб-тинчимас аёл — дабдабани, нуфузли одамлар билан бордикелди қилишни ҳуш кўради. Эри кетиб қолганидан кейин ўзини айш-ишратга уради, ҳафтасига кетма-кет шоҳона зиёфатлар уюштиради. Шу тариқа хотини ўлиб, сўққабош бўлиб қолган Бадэ департаментининг бошлиғига маслаҳатчи бўлиб олади. Баъзилар унинг ўйнаши деса, бошқалар Келлер хонимнинг ундан бўлак ўйнашлари ҳам бор, деркан. Синглим бир генералнинг номини айтувди, ёдимдан кўтарилибди...

— Келлер хонимни кўрдим, — деди комиссар.

Мегрэ хонимнинг гаши келган бўлса ҳам, сир бой бермади.

— Ҳўш, қанақа аёл экан?

— Сен тасвирлагандай. Кичкина, ҳаракатчан, асабий. Аслидагидан ёш кўринади, тўтиқуш жинниси.

— Қаёқдан биласан?

— Квартирасига тўтиқушларни териб ташлабди.

— Парижда турарканми?

— Сен-Луи оролида, эрининг бошпанаси бўлган Мари кўпригидан уч юз метрча нарида. Дарвоқе, табиб ҳам трубка чекаркан.

Мегрэ овқатлана туриб беихтиёр чўнтагидан соққани чиқариб, дастурхон устида думалата бошлади.

— Нима бу?

— Шиша соққа. Табибнинг ёнидан учта соққа чиқди.

— Мегрэ хоним эрига хайрон бўлиб қаради.

— Унга хайрихоҳ кўринасан.

— Йўқ, шунчаки уни тушуна бошляпман.

— Келлердай одамнинг нима сабабдан дайди бўлиб қолганини тушундим, демоқчимисан?

— Сал пал. У Африкада яшаган, катта шаҳар ва катта йўллардан жуда олисда жойлашган табибхонада биттагина оқ танли ишлаган, у ҳам унинг ўзи бўлган. У ерда ҳам омади юришмаган.

— Нима учун?

Буни ҳамма вақт саришта ва ораста яшаб келаётган Мегрэ хонимга тушунтириш осон эмасди.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман-да, — деди Мегрэ ҳазиломуз, — табиб нима гуноҳ қилдйкин?

Хотинининг қовоғи уюлди.

— Нима демоқчисан бу билан? Ахир уни бошига уриб, сувга ташлаб юборишибди-ку, тўғрими?

— У — жабрланувчи, бу тўғри.

— Нега унда...

— Криминалистлар, хусусан, Америка криминалистлари шундай назарияни илгари сурадиларки, бу назария бир қарашда маптиқсенздай туюлса ҳам, аслида унақага ўхшамайди.

— Қанақа назария экан у?

— Унта жиноятдан камида саккизтасида қурбон бўлган шахс қотилни қўл кўтаришга мажбур этади, дейишади улар.

— Тушунмадим.

Мегрэ соққадан кўз узмасди.

— Мана, хонин билан рашкчи эрни кўз олдингга келтир... Улар жанжаллашиб қолишади... Эр хотинига дакки беради, хотини эса безрайиб тураверади.

— Бўлиши мумкин...

— Айтайлик, эрнинг қўлида пичоқ, у хотинига: «Яна ножўя иш қилсанг, ўлдираман!» — дейди.

— Бунақаси ҳам бўлади...

— Хотини: «Овора бўласан, қўлингдан келмайди!» — деб жавоб қайтарса-чи?

— Ҳа, энди...

— Баракалла. Кўпгина оилавий жанжаллар мана шу тариқа фожеа билан тугайди. Мана, ҳозиргина Лемке ҳақида гапириб бердинг. У иккита йўл билан бойиган: биринчидан, судхўрликни авж олдириб, мижозларининг дилини оғритган, иккинчидан эса, немислар билан олдиберди қилган. Хўш, шундоқ экан, уни биров ўлдириб кетибди, дейишса ким ажабланарди?

— Лекин дўхтир...

— ...Бир қарашда, бировнинг мушугини пишт деманган, кўприкларнинг остида яшаган, арзон винони ичволиб, кўча-кўйда реклама тахтасини кўтариб юрган.

— Ҳамма гап шунда-да!

— Аммо тунда кимдир кўприк остига тушган-да, табибнинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, бошига оғир нарса билан урган, кейин судраб бориб Сенага ташлаб юборган, уни дарёчилар бир амаллаб қутқариб қолишган. Уша «кимдир» бекорга бундай қилмаган-ку, ахир. Табиб, ўзи хоҳлабми-хоҳламайми, уни шу ишни қилишга мажбур этган.

— Ҳали ҳушига келгани йўқми?

— Ҳозирча йўқ.

— Тилга кирганидан кейин ундан ҳақиқатни билиб олишга умид боғлаяпсанми?

Мегрэ елкасини қисди-ю, индамай трубкасига тамаки сола бошлади. Бир оздан сўнг улар чироқни ўчириб, очиқ турган дераза ёнига келиб ўтиришди. Кеча сокин ва илиқ эди. Ҳадеганда гап гапга қовушмади.

Эртасига эрталаб Мегрэ ишга келганида ҳаво кечагидай очиқ, кун кечагидай чароғон эди. Эндигина барг чиқараётган дарахтлардан кўз узиб бўлмасди.

Мегрэ ёзув столи ёнига ўтиришга улгурмасидан Лапуэнт кириб келди. Унинг кайфи чоғ эди.

— Сизни иккита йигитча кутяпти, ҳўжайин.

У негадир типирчилаб турар, кўриниши худди кеча Мегрэ хонимда бўлганидай, жуда сервиқор эди.

— Қани улар?

— Қабулхонада.

— Қимлар экан?

— Қизил «Пежо — 403»нинг эгаси билан душанба куни кечқурун унга ҳамроҳ бўлган дўсти. Дарвоқе, бу ишда хизматим йўқ даражада. Буни қарангки, Парижда қизил «Пежо — 403» унчалик кўп эмас экан, шулардан учтасининг номерида иккитадан тўққиз рақами бор, холос. Биттаси бир ҳафтадан бери ремонтда, иккинчисини эгаси Қаннга миниб кетибди.

— Уларни сўроқ қилдингми?

— Бир-иккита савол бердим, холос. Ўзингиз гаплаша қолинг. Чақирайми?

Лапуэнт комиссарга гўё антиқа бир совға тайёрлаб қўйгандай ўзини ғалати тутарди.

— Майли.

Мегрэ чўнгагидаги соққани ўйнаганича эшикка кўз тикди.

— Мосье Жан Гийо, — деб таништирди инспектор келганлардан бирини хонага бошлаб кириб.

Бу башанг кийинган, ўрта бўйли қирқ ёшлардаги киши эди.

— Мосье Ардуэн, чизмакаш, — Лапуэнт иккинчи одамни ҳам таништирди.

Чизмакаш баланд бўйли, озғин, Гийога қараганда ёшроқ эди. Мегрэ унинг дудуқ эканлигини дарров пайқадди.

— Ўтиринглар, жавоблар. Менга айтишларича, бирингиз қизил рангли «Пежо» машинасининг эгасисиз, шундайми?

Жан Гийо шоша-пиша қўлини кўтарди.

— Машина меники, — деди у, — қишда сотволган эдим.

— Қаерда турасиз, мосье Гийо?

— Тюрен кўчасида, Тампль хиёбонининг ёнгинасида.

— Касбингиз?

— Суғурта вакилиман.

У сал довдираб қолган эди. Ҳазил гапми! Жиноят қидирув полициясида ўтирибди-я. Бунинг устига, уни кимсан — комиссарнинг шахсан ўзи сўроқ қиляпти. Шунга қарамай, Гийони ўтакаси ёрилган деб ҳам бўлмасди, аксинча, кейин оғайниларига гапириб бериш ниятида те-варак-атрофга аланглаб, кабинет ичини нигоҳи билан «тафтиш» қиларди.

— Сиз-чи, мосье Ардуэн?

— М-м-м-ен ҳам ўша уйда т-т-т-ураман.

— Бир қават юқорида, — деди Гийо шеригига ёрдамлашиб.

— Уйланганмисиз?

— Б-б-б-ўйдоқман.

— Мен оилалиман, иккита фарзандим бор, бир ўғил, бир қиз, — деб бидирлади Гийо навбат кутиб ўтирмай.

Лапуэнт эшик олдида тик турганча нуқул сирли жилмаярди. Шляпасини тиззасига қўйганча стулда михланиб ўтирган бу икки одам гўё ўзаро мусобақалашаётгандай эди.

— Оғайнимисизлар?

Улар бараварига жавоб қайтаришди:

— Яқин дўстмиз...

— Франсуа Келлерни танирмидинглар?

Улар бу номни биринчи марта эшитаётгандай ажабланиб бир-бирларига қарашди. Сўнг чизмакаш:

— К-к-к-им? — деб сўради.

— У узоқ вақт Мюлузда дўхтирлик қилган.

— У ерда ҳеч қачон бўлган эмасман! — деб хитоб қилди Гийо. — Мени, танийман, деяптими?

— Душанба куни кечқурун нима иш билан машғул эдинглар?

— Инспекторингизга ҳам айтдим, бунақа қилиш ман этилганидан беҳабарман.

— Душанба куни нима қилганлигингизни батафсил гапириб беринг.

— Мижозларимга учраб бўлиб, — менга ажратилган жой Парижнинг ғарб томонида, — кечқурун соат саккизларга яқин уйга қайтсам, хотиним бир четга чақириб, — болалар эшитмасин, деган-да... Нестор боёқиш...

— Несторингиз ким?

— Итимиз, каттакон дог. Бу йил ўн икки ёшга тўлувди. Болаларимни шунақаям яхши кўрардики, минг қилса ҳам, кўз олдида катта бўлишган-да. Шу десангиз, болалар чақалоқлигида, уларнинг каравоти ёнига ётволиб, ҳатто мени ҳам яқин йўлатмасди...

— Хўш, нима деди хотинингиз?

Жаноб Гийо пинагини бузмай, давом этди:

— Билмадим, дог боққанмисиз-йўқми, лекин нима учундир улар бошқа зотдаги итларга қараганда кам умр кўришади. Кейинги пайтларда, инсондаги ҳамма дард догларга ҳам ўтган, деган гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалиняпти. Бундан бир неча ҳафта олдин Нестор бирдан шол бўлиб қолди, ҳайвонлар дўхтирига олиб бориб, ўша ерда тиңчитиб қўя қолайлик, десам, хотиним кўнмади. Душанба куни уйга қайтсам, ит ўлим талвасасида ётганини айтишди. Хотиним, болалар кўрмасин деб, дўстим Ардуэнни чақириб тушибди, икковлашиб шўрлик итни уникига олиб чиқишибди.

Мегрэ Лапуэнтга қаради, у кўз қисиб қўйди.

— Югуриб тепага чиқдим, — деб давом этди жаноб Гийо. — Боёқиш Несторнинг аҳволи оғир эди. Дўхтирга қўнғироқ қилсам, театрга кетган, кеч қайтади, дейишди. Икки соатдан ортиқ жон талашаётган итнинг тепасидан жилмадик. Полга ўтирволиб, жонворнинг бошини тиззамга қўйдим...

Ардуэн жаноб Гийонинг ҳикоясини тингларкан, ора-

чора бош елакниб қўяр, баъзан луқма ташламоқчи ҳам бўларди.

— У... У...

— Соат ўн яримда Несторнинг жони узилди, — деди уҳ тортиб суғурта вакили. — Воқеани хотинимга айтиш учун уйга тушдим. Хотиним Нестор билан видолашиб қайтгунча, ухлаб ётган болаларимга қараб турдим. Апилтапил бир нарса еганим эсимда, ахир ўша кун иш кўпайиб кетиб, тушлик қилишга ҳам улгурмаган эдим-да. Сал ўзимга келволиш мақсадида икки қадаҳ коньяк ичганим ҳам рост. Хотиним қайтгач, шишани кўтариб яна Ардуэннинг олдига чиқдим — у ҳам мендан баттар хуноб бўлган эди. Шундан кейин итнинг жасадини нима қилиш ҳақида бош қотира бошладик. Қаердадир итлар қабристони бор, деб эшитган эдим. Лекин қабр жойи қиммат бўлса керак, ундан ташқари, дафн маросимига бутун кунни бағишлай олмасдим. Хотинимнинг ҳам иши бошидан ошиб ётган эди.

— Қисқароқ қилинг, — деб унинг гапини бўлди Мегрэ.

— Хуллас... — Гийо гапидан адашиб, дудуқланиб қолди.

— Б-б-из... б-б-из... — дея яна суҳбатга аралашмоқчи бўлди Ардуэн.

— Хуллас, Несторнинг жасадини кўча-қўйда қолдиришни хоҳламасдик... Догни бир кўз олдингизга келтиринг. Ардуэннинг ошхонасида чўзилиб ётибди жонвор... Жасади баттар ҳайбатли бўлиб кетди. Қисқаси...

Жаноб Гийо сал бўлмаса узилиб қола ёзган суҳбатнинг яна юришиб кетганидан мамнун эди.

— Қисқаси, итни Сенага улоқтиришга аҳд қилдик. Қартошқадан бўшаган қопга бир амаллаб жойладик-да, икковлашиб зинапоядан пастга олиб тушиб, машинанинг юкдонига тиқдик.

— Соат нечида?

— Ўн бирдан ўн минут ўтган эди.

— Ўн бирдан роппа-роса ўн минут ўтганини қаёқдан биласиз?

— Эшикбон ҳали уйғоқ эди. Бизни кўриб, нима гап, деб сўради. Мен тушунтирдим. Эшикбоннинг хонаси очиқ экан, беихтиёр соатга қарадим: ўн бирдан ўн минут ўтган эди.

— Эшикбонга, итни Сенага ташламоқчимиз, дединг-

ларми? Кейин тўппа-тўғри Селестэн соҳилидаги кўприкка қараб жўнагансизлар-да?

— Энг яқин йўл шу...

— Бунга бир неча минут кифоя... Йўлда ҳеч қаерда тўхтамаган бўлсанглар керак?

— Сенага кета турибми? Йўқ... Энг яқин йўлни танлаб, беш минутда етиб бордик... Аввалига қияликдан дарё бўйига машинада тушишга иккиландим. Қарасам, ҳеч зог йўқ, шартта таваккал қилдим...

— Соат ўн бир яримларда, а?

— Нега энди?! Ҳозир тушунтираман. Ардуэн билан қопни тебратиб туриб, сувга отдик.

— Ўшанда ҳам ҳеч кимни кўрмадингларми?

— Йўқ...

— Ўша атрофда баржа турган эди-ку?

— Тўппа-тўғри. Ичкарасида чироқ ҳам ёниқ эди.

— Кема саҳнида одам кўринмадими?

— Йўқ...

— Демак, Мари кўпригигача бормагансизлар?

— У ёққа боришнинг ҳожати йўқ эди. Несторни машина турган жойдан икки қадам нарида сувга улоқтирдик-кўйдик.

Ардуэн ҳамон маъқуллаб бош силкирди. Баъзан бир нима демоқчи бўлиб оғиз очарди-ю, яна дудуқланиб қолиб, индамай қўя қоларди.

— Кейин-чи?

— Кейин жўнавордик. Сал юргач...

— Селестэн соҳилига чиққансизлар.

— Ҳа. Таъбим ниҳоятда хира эди, шишада бир қултум ҳам коньяк қолмаганини эсладим... Оғир кун бўлди-да ўзиям... Ахир Нестор оиламиз аъзосидай бўлиб қолган эди... Тюрэн кўчасига етганда Люсьенга бир стакандан вино ичшни таклиф қилдим. У ҳам йўқ демади. Фран-Буржуа кўчасининг муюлишидаги қаҳвахона олдида тўхтадик, шундоққина Вогезлар майдонининг ёнида.

— Яна коньяк ичдингларми?

— Ҳа... Қаҳвахона деворида соат осиглиқ турган экан, қарасам йигирмата кам ўн икки. Қаҳвахона эгаси соат беш минут олдиндалигини айтди.

Гийо бирдан бош чайқаб, яна олдинги гапини қайтарди.

— Улай агар, ман этилганидан хабарим йўқ. Менинг ҳам аҳволимни тушунинг. Азбаройи болаларни деб шун-

дай қилдим: улар бу мудҳиш манзарани кўришларини хоҳламадим. Ҳалиям Нестор ўлганини билишмайди, биз уларга, ит қочиб кетибди, лекин бари бир топамиз, деганмиз...

Мегрэ, ўзи ҳам билмаган ҳолда, чўнтагидан шиша соққани чиқазиб, бармоқлари орасида ўйнай бошлади.

— Гапингизга ишонса бўладими?

— Алдаб нима қиламан? Агар жарима тўлаш керак бўлса...

— Соат нечида уйга қайтдинглар?

Улар бир-бирларига қарашди. Ардуэн энди оғиз жуфтлаган эди, яна жаноб Гийо гапни илиб кетди:

— Кеч қайтдик, соат бирларда.

— Тюрэн кўчасидаги қаҳвахона соат биргача ишларканми?

Мегрэ у мавзени яхши биларди. Дарҳақиқат, у ердagi барча ишратхоналар ярим тунгача ишларди.

— Йўқ, қаҳвахонани ёпиб қўйишди, биз Республика майдонида яна бир қадахдан отдик.

— Кайфинглар ошганмиди?

— Биласиз-ку... Озгина ичгандан кейин у ёғи ула-ниб кетаверади.

— Яна соҳил бўйлаб қайтдингларми?

Гийо, гапимни тасдиқла, дегандай шеригига қаради.

— Йўқ, нима қиламиз у ёқда?

Мегрэ Лапуэнтга юзланди:

— Бу жанобларни нариги хонага олиб кириб, берган маълумотларини ёзиб ол. Миннатдорман, мосье. Ҳозир айтган гапларингизнинг ҳаммаси текшириб кўрилажанини тушунтириб ўтириш шарт бўлмаса керак.

— Улай агар ёлғон бўлса...

— М-м-ен ҳам.

Бу суҳбат майнавозчиликка ўхшарди. Мегрэ кабинетда ёлғиз қолди. Очиқ дераза олдида тик турганча Сена дарёсига, унда сузиб бораётган кемаларга, Сен-Мишель кўприги устидаги турфа хил йўловчиларга ўйчан нигоҳ ташлади. Сўнг ёзув столи ёнига ўтириб, касалхонага қўнғироқ қилди.

— Мени жарроҳлик бўлимнинг катта ҳамшираси билан уланг.

Мегрэнинг шахсан профессорнинг ўзи билан гаплашганини кўрган ва ундан тегишли кўрсатмалар олган катта ҳамшира энди жуда такаллуф билан муомала қилди.

— Ўзим сизга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб тургандим,

жаноб комиссар. Профессор Манъен ҳозиргина беморни кўздан кечирдилар. Аҳволи тузук, дедилар. Одамни ишонгиси ҳам қелмайди...

— Бемор ҳушига келдими?

— Батамом эмас, лекин гоҳи-гоҳида кўзларини очиб, атрофидагиларга маъноли нигоҳ ташлаяпти. Ўзига ни-ма бўлганини англаяптими-йўқми, ҳозирча бир нарса дейиш қийин...

— Юзига ҳалиям дока ўралганми?

— Йўқ.

— Бугун яхши бўлиб қолармикан?

— Ҳализамон ўзига келади. Тилга кириши билан қўнғироқ қилайми?

— Овора бўлманг... Ўзим кираман.

— Ҳозир келасизми?

— Ҳа, ҳозир.

Мегрэ боши дока билан танғиб ташланган жабрдий-да табиб билан тезроқ танишишга ошиқарди. У инспекторлар хонасига кирди. Лапуэнт суғурта ходими билан унинг дудуқ оғайниси берган маълумотларни машинкада кўчирмоқда эди.

— Мен касалхонага кетяпман. Қачон қайтишимни билмайман.

Комиссар трубкасини оғзига қистириб, қўлларини орқасига қилганча, худди меҳмондорчиликка кетаётган одамдай, Адолат Саройидан икки қадамгина нарида жойлашган касалхона томон йўл олди. Миясида минг хил ўй чарх урарди.

Йўлакда у бақалоқ Леага дуч келди. Эгнида ўша пушти ранг камзул. У беморларни рўйхатга оладиган аёлдан хафа бўлиб, орқасига бурилган пайтда комиссарга кўзи тушдию, бидирлаб сайраб кетди:

— Буни қаранг, жаноб комиссар, киритишмаяпти, аҳволи қандайлигини ҳам айтишмайди! Зўрлаб чиқаз-воришмоқчи! Сизни хабарингиз борми ундан?

— Ҳозиргина қўнғироқ қилиб, анча тузук дейишди.

— Тузалиб кетармикин?

— Ажабмас.

— Роса қийналаётгандир?

— Нега энди. Укол қилиб туришади-ку.

— Кеча жўн кийинган аллақандай кишилар келиб, нарсаларини олиб кетишди. Сизни одамларингизмасми?

Мегрэ бош ирғади, сўнг жилмайиб қўшиб қўйди:

— Ташвишланманг, қайтариб беришади.

— Шу ишни ким қилганини ҳалиям билмайсизми?

— Сиз-чи?

— Менми?.. Ун беш йилдан буён соҳилда яшайман, дайди бир одамга ҳужум қилинганини энди кўриб турибман... Ахир биз бировга зарари тегмайдиган беозор кишилармиз-ку. Буни бошқалардан кўра сиз яхшироқ биласиз.

Топган таърифи ўзига маъқул тушди шекилли, яна такрорлади:

— Беозор одамлармиз... Биз ҳатто бир-биримиз билан ҳам жанжаллашмаймиз. Ҳар ким билган ишни қилади. Шундоқ эркинлик қадрланмаса, кўприк остида яшаб кун кўришнинг нима кераги бор?

Мегрэ аёлнинг юз-кўзлари бирдан қизара бошлаганини сезиб қолди.

— Бугун ичдингизми?

— Кўп эмас.

— Шерикларингиз нима дейишяпти?

— Ҳеч нарса дейишаётгани йўқ... Ҳар хил воқеаларни кўравериб, дийдамиз қотиб кетган.

Леа Мегрэнинг тепага чиқишга чоғланаётганини кўриб:

— Кутиб турсам майлими сизни? — деб сўради.

— Ҳали-вери тушмасам керак.

— Ҳечқиси йўқ. Қаерда санғиб юриш бари бирмасми менга?

Леага энди анча жон кириб қолган эди.

— Сигаретингиз йўқми?

Мегрэ трубкага ишора қилди.

Унда бир чимдим темаки бера қолинг... Чекадиган нарса топилмаганда тамаки чайнайман..

Мегрэ замбилда ётган бемор ва икки ҳамшира билан бирга лифтда тепага кўтарилди. Тўртинчи қаватда палатадан чиқиб келаётган катта ҳамширага дуч келди.

— Келлер қаерда ётганини биласиз-ку... Ҳозир етиб бораман: мени жарроҳхонага чақиришяпти.

Беморлар олдингидай Мегрэга яна ажабланиб тикилиб қолишди. Уни танишди, шекилли. Комиссар шляпасини қўлида ушлаганча Келлер ётган каравот томон юрди. Табибнинг юзи очиқ, фақат у ер-бу ерига пластирь ёпиштирилган эди.

Кеча соқолини олиб қўйишгани учун, табиб сурати-га кўпам ўхшамасди. Юзи заҳил, ёноқлари бўртган,

лаблари юпқа ва қонсиз. Мегрэ беморнинг кўзларига боқдию беихтиёр сесканиб кетди.

Табиб унга соппа-соғ одамнинг нигоҳи билан тикилиб ётарди.

Мегрэ шу дақиқада нимадир дейиш лозимлигини сезди-ю, аммо чурқ этолмади. Қаравот ёнида турган стулга секингина ўтирди.

— Тузукмисиз? — деди у ниҳоят паст товушда.

Мегрэ бу сўз бўшлиққа сингиб кетмаганига, табиб уни тўла-тўкис англаганига ишонган эди. Аммо табиб миқ этмади.

— Эшитяпсизми, дўхтир Келлер?

Узоқ ва бесамар «сухбат» ана шундай бошланди.

V б о б

Мегрэ ўз иши тўғрисида хотини билан камдан-кам гаплашарди. Мулоҳазаларини ҳатто энг яқин ёрдамчиларига ҳам айтмас — тўғридан-тўғри кўрсатма бериб қўя қоларди. Унинг иш услуби шунақа эди: ҳамма нарсанинг тубига ўзи етишга ҳаракат қилар, одамлар турмуши ва хатти-ҳаракатини икир-чикиригача эринмасдан ўрганишга интиларди.

Бирор ҳодиса рўй берган жойга бориб келганларидан сўнг ёхуд у ёки бу маълумотга аниқлик киритилаётган пайтда, суд терговчиси ундан кўпинча: «Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, Мегрэ?» — деб сўраб қоларди.

Жавоб эса ҳамини бир хил бўларди:

«Ҳеч қанақа фикрим йўқ, жаноб терговчи».

Бир гал кимдир шундай луқма ҳам ташлаганди:

«Бу киши фикр қилмайди, мағзини чақишга ҳаракат қилади».

Маълум даражада бу гапда жон бор эди, зеро комиссар муҳокамада айтилган ҳар бир сўзга жуда катта аҳамият берар, шунинг учун сукут сақлашни афзал кўрарди.

Аммо бу гал ундай бўлмади, ҳар холда Мегрэ хонимга нисбатан ундай бўлмади—эҳтимол бунга хотинининг Мюлузда яшайдиган синглиси орқали унга катта ёрдам бергани сабаб бўлгандир.

Мегрэ таом столи ёнига ўтираркан:

— Бугун Келлер билан танишдим, — деди хотинига.

Мегрэ хоним ҳангу манг бўлиб қолди. Йўқ, эрининг Келлер ҳақида ўзи оғиз очгани учун эмас, балки бу ҳақ-

да қувноқ оҳангда гапиргани уни лол қилиб қўйган эди. Балки «қувноқ» деган сўз кўнам тўғримасдир, ишқилиб, нима бўлганда ҳам, комиссарнинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари кайфияти жудаям чоғ эканлигидан далолат бериб турарди.

Газеталар бу гал унинг гашига тегмаяпти, прокурор ёрдамчиси билан судья ҳам безовта қилаётгани йўқ... Тўғри-да! Дайди бир одам билан кимнинг неча пулик иши бор: хўп, бошига уриб, Сенага ташлаворишибди, лекин у омон қопти, энди профессор Маньен унинг жони бу қадар қаттиқлигига ҳайрон бўлиб юрибди... Хўш, нима бўпти?

Хуллас, қурбони ҳам, қотили ҳам йўқ ғалати жиноят содир бўлгани аниқ. Агар бақалоқ Леа билан яна бир-иккита дайдини демаса, табиб ҳақида ҳеч ким қайғураётгани йўқ.

Шунга қарамай, Мегрэ, гўё бутун Францияни оёққа турғазган даҳшатли бир воқеа юз бергандай, бу ишга озмунча вақт сарфламади.

— Ҳушига кептими? — деб сўради Мегрэ хоним синчковлик қилаётганини иложи борича яширишга уришиб.

— «Ҳа» деса ҳам бўлади, «йўқ» деса ҳам. Бир оғиз ҳам гапирмади... Киприк қоқмай тикилиб ётаверди... Лекин ишочи кимлики, сўзларимга тушунди... Катта ҳамшира эса бошқача фикрда: дорилар таъсирида беморнинг онги хиралашиб қолганмиш, у ҳозир худди нокаутдан йиқилиб, базўр ҳушига келган боксчига ўхшармиш...

Мегрэ деразага тикилиб, қушлар хонишига қулоқ тутганча овқатлана бошлади.

— Ўзига ҳужум қилган одамнинг кимлигини билармикин?

Мегрэ оғир тин олди. Юзига истехзоли табассум ёйилди, гўё у ўз устидан кулаётгандай эди.

— Аниқ бир нарса деёлмайман... Таассуротимни айтиб бериш жудаям қийин...

...Бунақа жумбоқ, айти пайтда уни бу қадар ўзига ром этган иш ҳаётида камдан-кам учраган эди.

Дарвоқе, учрашув жойи ниҳоятда ноқулай эди — палатада ўнга яқин бемор чўзилиб ётар, бошқалари каравотларида ўтиришар ёки дераза олдида тик туришарди. Айримларининг аҳволи жуда оғир эди. Тинимсиз қўнғироқ чалиниб турар, ҳамшира зир югуриб, гоҳ у, гоҳ бу беморнинг тепасига борарди.

Деярли барча беморлар Келлернинг ёнида ўтирган комиссардан кўз узмай, унинг сўзларига қулоқ туттишарди.

Катта ҳамшира зум ўтмай эшикдан мўралаб:

— Илтимос, тезроқ тўра қолинг, — дея илтижо қиларди. — Беморни толиқтирманг.

Комиссар табибнинг устига энгашганча деярли шивирлаб гапирарди.

— Сўзларимни эшитяпсизми, мосъе Келлер? Душанба куни кечқурун Мари кўприги остида ётганингизда нима воқеа бўлганини эслаёласизми?

Жабрдийданинг юзидаги ифода деярли ўзгармади, аммо Мегрэни унинг кўзлари қизиқтирарди. Аксига олиб, кўзларида ҳам бирор маъно йўқ эди. Ўша-ўша маҳзун кўзлар, бошидан кўп савдолар ўтган одамнинг сўлғиннигоҳи.

— Сизга ҳужум қилишган пайтда ухлаб ётувдингизми?

Табиб миқ этмай, тикилиб ётаверди. Гўё Мегрэ Келлерни эмас, аксинча, Келлер уни ўрганаётгандай эди.

Комиссар ноқулай аҳволдан чиқиш учун ўзини таништиришга мажбур бўлди:

— Меннинг исмим Мегрэ. Жиноят қидирув полициясининг бригада бошлиғиман, сизга нима бўлганини аниқламоқчиман. Хотинингиз, қизингиз билан учрашдим, сизни дарёдан тортиб олган кишилар билан гаплашдим...

Табиб «хотинингиз», «қизингиз» деган сўзларни эшитганда ҳам пинагини бузмади, аммо кўзларида аллақандай истеҳзо учқуни йилт этганини комиссар дарров илғади.

— Гапиролмайсизми?

Бемор ҳатто бош ирғаб, ёки киприк қоқиб жавоб қайтаришга ҳам уриниб кўрмади.

— Сўзларимни тушунмаяпсизми?

Бўлмасам-чи! Мегрэ янглишмаётганига ишонарди. Келлер фақат сўзларнинг маъносигагина эмас, ҳатто оҳангига ҳам тушунаётганди.

— Балки бошқаларнинг олдида саволга тутаётганимдан хижолат бўлаётгандирсиз? — Комиссар дайдини ўзига мойил қилиш учун кетидан қўшиб қўйди: — Сизни алоҳида палатага ётқизишим мумкин эди-ю, афсуски, бунинг иложи йўқ. Харажатини ўз ҳисобимиздан тўлай олмаймиз.

Қизини шундаки, агар табиб жабрланувчи эмас, қотил ёки шубҳа остидаги шахс бўлганида, иш осонроқ кўчарди. Жабрланувчилар учун сметада сариқ чақа ҳам кўзда тутилмаган.

— Хотинингизни бу ерга чақирришга мажбурман: сизнинг ҳақиқатан ҳам Франсуа Келлер эканлигингизни расман тасдиқлаши керак... Чақирсам майлими?

Беморнинг лаблари сал қимирлагандай бўлди, аммо садо чиқмади. Юзида эса — на эътироз, на розилик ифодаси.

— Ўзингизни қандай сезяпсиз? Бугун, ҳозироқ чақирсам бўладими?

Бемор индамади, Мегрэ фурсатдан фойдаланиб, бир оз нафасини ростлаб олишга аҳд қилди. Ҳар хил дорилар ҳиди ўрнашиб қолган палата ниҳоятда дим эди.

— Қўнғироқ қилволсам майлими? — деб сўради у катта ҳамширадан.

— Ҳали кўп қийнайсизми уни?

— Хотинига кўрсатсам бўлди... Кўп вақт кетмайди бунга.

Келлернинг хотини уйда экан, ҳозир етиб бораман, деб ваъда берди. Мегрэ у келиши билан киритиб юборишларини илтимос қилиб, йўлакда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кўп ўтмай, профессор Маньен пайдо бўлди.

— Сиз ҳам, табиб узил-кесил ўзинга келган, деб ҳисоблайсизми?

— Бўлиши мумкин... Ҳозир кўриб чиқдим, менимча, ҳамма нарсага ақли етяпти... Аммо дўхтир сифатида ҳали аниқ жавоб беришим қийин. Баъзилар бизни янглишишга ҳақи йўқ, деб ҳисоблашади. Аслида-чи? Аслида биз ҳам, кўзи ожиз одамдай, тусмоллаб олға юрамиз... Бугун асаб дўхтиридан беморни кўриб қўйишни илтимос қилдим...

— Алоҳида палатага ётқизишнинг иложи йўқми? Шунчалик қийинми?

— «Қийин» ҳам гапми! Мутлақо иложи йўқ. Касалхона тикилиб кетган. Баъзи бўлимларда беморлар йўлакда ётишибди. Агар хусусий шифохонага ўтказилса, унда бошқа гап...

— Хотини гаплашиб кўрса-чи?

— Бемор рози бўлармикин?

Бунга ишониш қийин эди... Баски, Келлер уйини ташлаб кетиб, кўприклар остида яшашни афзал кўрган

экан, энди бошига мусибат тушгандан кейин, хотинига қарам бўлишни зинҳор истамайди...

Келлер хоним лифтдан чиқиб, атрофга алаинглади. Мегрэ шошиб унинг ёнига борди.

— Хўш, қалай?

Келлер хонимнинг қиёфасида заррача ташвиш ё ҳаяжон аломати сезилмасди. Тезроқ уйига, Сен-Луи оролига, тўтиқушларининг олдига бориш учун типирчилаб турарди.

— У жуда хотиржам.

— Ўзига келдим.

— Шунақага ўхшайди, лекин ҳали далил-исбот йўқ...

— Гаплашишим керакми у билан?

Мегрэ аёни олдига ўтказди. У ярқираб турган паркетни авайлаб босиб, каравотлар оралаб бораркан, беморлар анграйиб қараб туришарди. Келлер хоним эса олазарак бўлиб эрини изларди, мана, ниҳоят, бешинчи каравот томон шахдам юриб бориб, икки қадам бериди тўхтади. Афтидан у ҳамон ўзини қандай тутишни билмасди.

Келлер хотинига боягидай бефарқ нигоҳ билан қаради. Хоним башанг кийинган — эгнида асл юнг матодан тикилган новвотранг костюм, бошида антиқа шляпа. Ундан келиб турган атирнинг нозик ҳиди палата ҳидига омухта бўлаётганди.

— Танияпсизми?

— Ҳа, худди ўзи... Жудаям ўзгариб кетибди бояқиш...

Яна орага оғир сукунат чўкди. Ниҳоят аёл юрак ютиб, қаравотга яқинроқ борди. Қўлқопни ҳам ечмай, сумкасининг қулфини асабий ўйнаганча сўзлай кетди:

— Бу менман, Франсуа... Эртами-кечми, сени шу аҳволда кўришимни билардим... Тузалиб кетади, дейишяпти, лекин... Сенга ёрдам бермоқчиман...

Хотинига бефарқ тикилиб ётган табибнинг кўнглидан шу тобда нималар кечаётганикин? Мана, ўн етти йилми, ўн саккиз йилдан бери у бошқа оламда яшяпти. Ҳозир эса бир маҳаллар ўзи қочиб қутулган ўтмиши билан, худди аллақандай бўшлиқдан шўнғиб чиққандай, тагин юзма-юз бўлиб турибди.

Беморнинг чехрасида заррача ҳам ҳаяжон аломати йўқ эди. У қачонлардир ўзига маҳрам бўлган аёлга хо-

тиржам қараб ётарди, кейин у комиссарнинг шу ердалигига ишонч ҳосил қилиш учун бошини хиёл бурди.

...Ҳикоя шу ерга етганда Мегрэ луқма ташлаб қўйди:

— Улай агар, бу юзлаштиришга тезроқ чек қўйишни илтимос қилмоқчи бўлди у мендан.

— Худди уни минг йилдан бери биладигандай гапирасан-а...

Нега билмас экан? Тўғри, Мегрэ Франсуа Келлер билан илгари сира учрашмаган, лекин узоқ йиллик меҳнати давомида қанчадан-қанча одам унга кўнглини очмади! Албатта, худди шунга ўхшаган воқеаларга дуч келгани йўқ, аммо инсон кулфати ҳамон ўша-ўша-ку.

— Келлер хоним беморнинг олдидан тезроқ кетишни хоҳларди, — деб давом этди Мегрэ. — Палатадан чиқаётиб, сумкасидан пул олмоқчи бўлди-ю, хайрият, бундай қилмади... Йўлакда мендан: «Ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, деб ўйлайсизми?» — деб сўради. Мен, ҳамма нарсаси етарли, дедим, лекин у тинчимадим: «Касалхона мудирига озгина пул ташлаб кетсаммикин?.. Франсуа алоҳида палатада ўзини тузукроқ ҳис қилармиди...» — «Ҳозир бўш палата йўқ». У кетай демасди. «Мендан яна нима керак?» — Ҳозир ҳеч нарса керак эмас. Инспекторни уйингизга жўнатаман, бемор ҳақиқатан ҳам эрингиз эканлигини тасдиқловчи қоғозга қўл қўйиб берасиз...» — «Қоғознинг нима кераги бор, эримлигини тан оляпман-ку?» Шундай дедию жўнаб қолди.

Эр-хотин тамадди қилиб бўлгач, қаҳва ичишга ўтиришди. Мегрэ трубкасини тутатди.

— Сен яна палатага қайтиб кирдингми?

— Ҳа. Аммо лекин катта ҳамширанинг жудаям энсаси қотди...

— Табиб яна индамадимми?

— Чурқ этмади... Фақат мен гапирдим — шивирлаб гапирдим, чунки қўшни каравотдаги беморнинг ёнида дўхтир-талаба бор эди.

— Нималар дединг унга?

Мегрэ хоним учун бу суҳбат, эри ўз иши тўғрисида камдан-кам гапиргани учун ҳам, ниҳоятда мароқли эди. Одатда комиссар уйига қўнғироқ қилиб, тушликка ёки кечки овқатга келолмаслигини, баъзан ҳатто, кабинетда ёхуд бошқа бирор жойда тунаб қолишини айтар, сабабини эса хотини газеталардан билиб оларди.

— Нима деганим аниқ эсимда йўқ... — деди Мегрэ кулимсираб. — Унинг ишончини қозонишга ҳара-

кат қилдим... Пастда Леа кутиб турганини, нарсалари ишончли жойда эканини, касалхонадан чиққанидан кейин ҳаммасини бекам-кўст олишини айтдим. Назаримда, мамнун бўлди. Яна, агар хоҳламасангиз, хотинингиз билан бошқа учрашмайсиз, у алоҳида палата учун ҳақ тўлаб кетмоқчи бўлди-ю, лекин ҳозир бўш палата йўқ, дедим... Четдан караганда, худди дуо ўқиётган одамга ўхшаб кетган бўлсам ҳам ажабмас. «Сизни хусусий касалхонага ётқизиш мумкин эди-ю, лекин сиз учун шу ермаъқул бўлса керак, деб ўйладим», — дедим яна.

— Бари бир индамадимми?

— Балки сенга ғалати туюлар, лекин ишончим комилки, у менинг хатти-ҳаракатларимни маъқуллади. Биз бир-биримизни тушуниб турардик... Яна суиқасд ҳақида гап очдим. Шу иш ухлаб ётган пайтингизда бўлдими, деб сўрадим. Худди бекинмачоқ ўйнаётган болаларга ўхшардик. У ҳеч нарсани айтмасликка аҳд қилганига энди шубҳам қолмаганди. Шунча йил кўприк остида яшашга чидаган одам сир сақлашни ҳам билади.

— Сир сақлашнинг нима кераги бор унга?

— Билмайман.

— Балки кимнидир ҳимоя қилаётгандир?

— Эҳтимол.

— Кимни?

Мегрэ елкасини қисди.

Билганимда авлиё бўлардим... Профессор Маньен: «Мўъжиза яратиш қўлимдан келмайди», — деган эди.

— Қисқаси, ҳеч нарса билолмадингми?

— Ҳа.

Аммо Мегрэ андак муғомбирлик қилаётганди. Негадир унда, Келлер тўғрисида кўп нарсани биламан, деган ишонч пайдо бўлганди. Гарчи улар бир-бирлари билан деярли таниш бўлмасалар-да, ораларида аллақандай англаб бўлмас алоқа боғлангандай эди.

— Бир маҳал...

Мегрэ шундай деди-ю хотини, лақма деб аташидан чўчиб, тўхтаб қолди, кейин ўйлаб туриб, чекинмасликка аҳд қилди: баски, гапни бошладими, охирига етказиш керак!

— Бир маҳал беихтиёр, ҳеч нарсани ўйламасдан қўлимни чўнтагимга солган эдим, бармоғимга соққа илинди... Шартта чиқаздим у табибнинг кафтига қўйдим... Ўзим десанг, нима бўларкин, деб юрагимни ҳовучлаб турибман... Нима бўлди, дегин? Табиб соққани таниди!

Ҳамшира нима деса деяверсин-у, лекин табибнинг чеҳраси ёришиб, кўзлари чақнаб кетди. Улай агар, шундоқ бўлди!

— Барибир оғиз очмадимми?

— Бу энди бошқа гап... Ундан наф чиқмаслиги равшан... Гапирмасликка қатъий аҳд қилганлигини сезиб турибман. Ишни ўзим охирига етказишимга тўғри келади...

Наҳотки табибнинг соққани ташигани Мегрэни шу қадар ҳаяжонга солган бўлса? Бошқа бирорта ишга у бу даражада рағбат билан киришганини хотини эслай олмади.

— Пастда Леа мени тамаки чайнаганча кутиб турган экан. Халтачамдаги қолган тамакини ҳам ҳовучига тўқдим.

— У бирор нарсани билади, деб ўйлайсанми?

— Билганида — айтарди. Бунақа одамларда ҳам жиҳатлик туйғуси бизга ўхшаган расмана кишиларникидан кўра кучлироқ бўлади... Ишончим комилки, улар ҳам бир-бирларидан суриштириб, ўзларича тергов олиб боришяпти. Леа менга қизиқ бир гапни айтди. Бу маълумот масалага анча ойдинлик киритиши мумкин: Келлер олдин Мари кўприги остида яшамас экан, у ерга «кўчиб» келганига атиги икки йил бўлибди.

— Қасрда яшаркан илгарини?

— Рапэ соҳилида, оқимдан тепароқдаги Берси кўприги остида.

— Жойларини тез-тез ўзгартириб туришадими унақалар?

— Йўқ. Уларга ҳам осонмас бундай қилиш. Худди бизга уйни алмаштириш оғир бўлгандай, улар ҳам ўз бошпаналарини қадрлашади.

Мегрэ кайфичоғлик учун олхўри ароғидан бир қултум қуйиб ичди, сўнг шляпасини олиб, хотинини ўпди.

— Мен кетдим.

— Тушликка келасанми?

Буни ўзи ҳам билмасди. Ҳатто ишни энди қай йўсин давом эттиришга ҳам ақли етмаётганди.

Торанс эрталабдан суғурта ходими билан унинг дудуқ оғайнисини берган кўрсатмаларни текшириш билан овора. Ҳойнаҳой, Тюрин кўчасидаги эшикбон билан Фран-Буржуа кўчасининг муюлишида дўкон очган винофурушни ҳам сўроқ қилиб бўлгандир.

Кучук воқеаси тўғрими ёки уйдирмами, ҳадемай ой-

динлашади. Дарвоқе, ўша икки оғайни айтган гаплар тасдиқланган тақдирда ҳам, бу нарса уларнинг табибга ҳужум қилиши ҳақиқатдан йироқ, деган маънони билдирмайди.

Лекин нима мақсадда ҳужум қилишган? Бу саволга комиссар ҳали-ҳозир жавоб беролмасди.

Ҳўш, айтайлик, Келлер хонимга эрини дарёга чўктиришдан нима наф? Бу ишни у кимга топширган бўлиши мумкин?

Бир пайтлар худди шундай сирли тарзда бир ночор одам ўлдирилган эди. Ушанда Мегрэ суд терговчисига: «Қашшоқларни ўлдиришмайди», — деган эди.

Дайдиларни ҳам ўлдиришмайди. Лекин кимдир Франсуа Келлердан қутулмоқчи бўпти-ку?..

Мегрэ автобуснинг орқа майдончасида тик турганча икки ошшқ маъшуқнинг сўзларига қулоқ солиб борарди. Бирдан ўзининг ўша гапи ёнига тушди: «Қашшоқларни ўлдиришмайди...» Ҳа, ҳа, қашшоқларни ўлдиришмайди...

У кабинетига кирибоқ Келлер хонимга қўнғироқ қилди. Хоним уйда йўқ экан. Ходима унинг дугонаси билан ресторанда овқатланаётганини айтди. Лекин қайси ресторандалигини билмас экан. Шундан сўнг Мегрэ Жаклин Руслэга сим қоқди.

— Ойим билан кўришибсиз-да... Кеча, келиб кетганингиздан кейин қўнғироқ қилди. Бугун ҳам гаплашувдик бир соатча олдин. Демак, отамлиги рост экан-да?

— Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

— Унга нима учун ҳужум қилишганини ҳали аниқлаганингиз йўқми? Балки биров билан муштлашгандир?

— Отангиз шунақа уришқоқми?

— Йўғ-э, у жудаям мулойим одам! Ҳар ҳолда, бирга яшаган пайтимизда шунақа эди. Юзига тарсаки туширган одамга ҳам қўл кўтаришига ишонмайман.

— Айтинг-чи, онангизнинг ҳамма ишларидан хабардормисиз?

— Қанақа ишларидан?

— Онангиз турмушга чиққан пайтида мол-давлати бўлмаган, эҳтимол, қачонлардир бойиб кетишини ҳам хаёлига келтирмаган... Отангиз ҳам шундай... Мени бир нарса қизиқтиради: улар никоҳларини бирор ҳужжат билан расмийлаштиришганми? Агар бундай ҳужжат бўлмаса оиладаги мол-мулк ўртада ҳисобланади бино-

барин, отангиз бойликнинг ярмини даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, — деди ҳеч иккиланмай Руслэ хоним.

— Ишончингиз комилми?

— Онам тасдиқлаши мумкин. Турмушга чиқаётган пайтимда нотариусда шу масала қўзғалган эди. Отам билан мол-мулкка алоҳида-алоҳида эгаллик қилишга келишилган экан.

— Ўша нотариуснинг исмини айтолмайсизми?

— Мосье Прижан, Бассано кўчасида туради.

— Ташаккур.

— Қасалхонага боришимни маслаҳат бермайсизми?

— Ўзингиз-чи? Боргингиз келяптими?

— Мени кўриб, мамнун бўлишига ишонмайман. Онам билан гаплашмапти-ку... Ҳатто танимаганга олибди...

— Ундай бўлса, бормаганингиз маъқул...

Мегрэ, мен қўл қовуштириб ўтирганим йўқ, деб ўзини ўзи ишонтирмақчи бўларди, шу бонс у дарҳол жаноб Прижанга қўнғироқ қилди. Аммо иш осон кўчмади. Нотариус саволга жавоб беришдан бош тортди, мижозларнинг сирини ошкор қилишга ҳаққим йўқ, деб оёқ тираб туриб олди. Мегрэ узоқ тушунтирди, ҳатто терговчи имзо чеккан қоғоз бор, деб уни қўрқитмоқчи ҳам бўлди. Лекин бўлмади.

— Менга битта нарсани айтсангиз бас, — деди у шунда, — мюлузлик мосье Келлер билан хонимнинг никоҳ қоғозинда мол-мулкка алоҳида-алоҳида эгаллик қилиш шартлари қайд этилганми ва ўша ҳужжат қўлингиздами?

Узоқ жимликдан сўнг «ҳа» деган жавоб бўлди-ю, трубкадан қисқа гудок эшитила бошлади.

Демак, Франсуа Келлер ҳақиқатан ҳам қашшоқ бир одам, темир-терсак сотувчи тўплаган ва пировардида хотинига насиб этган бойликка унинг дахли йўқ.

Телефончи аёл комиссарнинг:

— Менга Сюрендаги сув дарвозасини улаб беринг, — деган илтимосини эшитиб, таажжубланди.

— Сув дарвозасини, дейсизми?

— Ҳа, сув дарвозасини. Нима, у ерда телефон йўқми?

— Бор, ҳозир улайман.

Гўшакдан сув дарвозаси назоратчисининг овози эшитилди. Комиссар ўзини танитди.

— Дарвозангиздан ўтган кемаларни қайд этиб қўя-

сиз, шундайми? Кеча тунда сизнинг дарвозангиздан ўтиши лозим бўлган ўзиюрар баржа ҳозир тахминан қаерга етганикин, шунини билмоқчи эдим? Баржанинг номи «Зваарте Зваан»...

— Эсимда, эсимда! Икки эркак, малла соч аёл билан бир гўдак. Улар бу ерга энг охирида етиб келиб, тунда оқим бўйлаб қуйи томонга сузиб кетишди.

— Ҳозир қаердалигини айтолмайсизми?

— Бир лаҳза сабр қилинг... Баржанинг двигатели кучли, бу ерда оқим ҳам анча тез...

Назоратчи аллақандай шаҳар ва қишлоқларнинг номини ёлдираб, бир нималарни ҳисоб-китоб қилгунча Мегрэ жим кутиб турди.

— Агар янглишмасам, улар ҳозир юз чақирим ерга сузиб, Жюзьегга яқинлашиб қолишди, Ҳар ҳолда, Пуассидан ўтиб кетишган. Ҳаммаси баржанинг Буживаль ва Карьер дарвозалари олдида қанча муддат туриб қолганига боғлиқ....

Комиссар трубкани қўйиб, инспекторлар хонасига ўтди.

— Ораларингизда ким Сенани яхши билади?

— Қайси қисминини; юқорисинини ёки қуйи томонинини?

— Қуйи томонини... Пуасси атрофлари ва ундан ҳам нарисини...

— Мен! — деди инспекторлардан бири. — Ҳар йили таътилда ўз қайиғимда Гавргача сузиб бораман. Пуасси атрофини айниқса яхши биламан, чунки қайиқни ўша ерда қолдираман.

Мегрэ кўринишидан нимжон, шаҳарда туғилиб ўсган инспектор Невэнинг спорт билан шуғулланишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Жуда соз. Ҳовлидан машинани олиб чиқинг. Мен билан бирга борасиз.

Аммо бир оз тўхташга тўғри келди. Торанс кириб, ўз текширувлари натижасини маълум қилди:

— Ит ҳақиқатан ҳам душанба-куни кечқурун ўлган, — деди у. — Гийо хоним йиғлаб-йиғлаб гапириб берди. Икки эркак итнинг жасадини Сенага ташлаб юбориш учун машинанинг юкхонасига солиб олиб кетишган... Уларни Тюрэн кўчасидаги қаҳвахонада ҳам кўришган. Ёпилишидан сал олдинроқ киришган экан.

— Соат неччида?

— Ун иккиларга яқин. Мижозлардан бир нечтаси

қарта ўйнаб ўтиргани учун қаҳвахона соҳибни ўйин ту-
гашини кутиб кетолмай турган экан. Гийо хоним эрининг
кеч қайтганини, анча-мунча кайфи борлигини айтди.
Ухлаб ётгани учун унинг қачон қайтганини айтолмади...
«Лекин эримнинг бунақа одати йўқ эди, куйганидан ич-
ган бўлиши керак», — деди у.

Ниҳоят комиссар билан Невэ машинага ўтириб, эг-
ри-бугри кўчалардан Аньер қопқаси томон елиб ке-
тишди.

— Сена ёқалаб машинада юриб бўлмайди, — деди
Невэ. — Баржа Пуассидан ўтганига ишончингиз комил-
ми?

— Назоратчи шундай деди.

Энди йўлда усти очиқ машиналар кўрина бошлади.
Баъзи ҳайдовчилар сулув хамроҳларининг елкасидан
қучганча машинани бир қўлда бошқариб боришарди.
Одамлар чорбоғларида гул ўтқазинишарди. Кўк кўйлакли
бир аёл товуқларига дон сочмоқда.

Мегрэ, гўё ҳеч нарса билан иши йўқдай, мудраб ўти-
рарди. Ҳар гал Сена кўзга чалинганда, Невэ ўша жой-
нинг номини айтарди.

Дарёда кемалар у ёқдан-бу ёққа охишта сузиб ўтиб
турибди. Ана, бир кеманинг саҳнида бир аёл кир ювяп-
ти. Бошқа бир аёл эса рулни бошқармоқда, оғзи остида
уч-тўрт ёшли бола ўтирибди.

Бир талай баржа қаторлашиб турган Меланда Невэ
машинани тўхтатди.

— Номини эди, хўжайин?

— «Зваарта Зваан», «Қора қув» дегани.

Невэ машинадан тушиб, дарё бўйига борди. Унинг
аллакчилар билан гаплашганини Мегрэ узоқдан куза-
тиб турди.

— Баржа ярим соат бурун ўтиб кетибди, — деди Не-
вэ яна рулга ўтираркан. — Унақа баржалар соатига ўн
чақирим йўл босади, демак ҳозир Жюзьедан салгина ўт-
ган, холос.

Дарҳақиқат, бир оздан сўнг Жюзье яқинидаги Мон-
талэ ороли бўйлаб сузиб бораётган Бельгия баржаси
кўринди.

Улар баржадан бир неча юз метр олдинга ўтиб тўх-
ташди. Мегрэ машинадан тушиб, соҳилга борди-да, жон-
жаҳди билан қўл силкий бошлади.

Баржа рулида оғзига сигарета қистирган Хуберт
турарди. Комиссарни танидию шу заҳоти кема саҳнида-

ги туйнукка энгашиб бир нималар деди, сўнг тезликни пасайтирди. Ҳаял ўтмай баржа саҳнида Жеф ван Гут пайдо бўлди: Туйнукдан аввал унинг боши, кейин елкаси ва беўхшов гавдаси чиқди. . .

— Сиз билан гаплашишим керак! — деб қичқирди комиссар қўлини оғзига карнай қилиб.

Жеф «эшитмаяпман» деган ишора қилган эди, Мегрэ ҳам, «тўхтанг», деган маънода қўли билан имо-ишора қилди.

Қишлоқларга хос одатий манзара. Олис-олисида уйларнинг қизил ва кул ранг томлари, оппоқ деворлар, бензоколонка, меҳмонхонанинг зарқал ҳарфлар билан ёзилган номи кўзга ташланади.

Хуберт ван Гут баржани секинлатди. Жефнинг хотини ҳам туйнукдан бошини чиқазиб, бир нималар деди, чамаси, эридан нима гаплигини сўради чоғи.

Ака-уканинг хатти-ҳаракатларини англаб бўлмасди. Сиртдан қараганда улар бир-бирларини тушунмаётганга ўхшарди. Жеф қишлоқ томонга ишора қилар, балки укасига баржани қишлоқда тўхтат, демоқда эди. Руль ёнида турган Хуберт эса баржани қирғоққа томон суриб келарди.

Бошқа чора қолмаганини кўрган Жеф арқонни улоқтирди. Илгари денгизчи бўлган инспектор Невэ уни чаққонлик билан илиб олди-да, қирғоқдаги тўнгатка чирмади. Баржа тўхтади.

— Яна нима керак?! — деб қичқирди Жеф зарда билан.

У соҳилга тахта кўприкни ташлашни хаёлига ҳам келтирмаётганди.

— Кемани шунақа жойда тўхтатиб бўларканми? Шикаст ейиш ҳам ҳеч гапмас бунақада!

— Сиз билан гаплашишим керак! — деди Мегрэ.

— Парижда ҳамма гапни гаплашдик-ку. Яна нимани гаплашамиз?

— Унақада ишхонамга чақиртиришимга тўғри келади.

— Нима-нима? Юкни туширмай, Парижга қайтишим керакми?

Табиати юмшоқроқ бўлган Хуберт акасини ҳовридан туширди, сўнг тахта кўприкни ташлаб қирғоққа чопиб ўтди.

— Хафа бўлманг, мосье. Акам тўғри айтяпти... Кемани дуч келган жойда тўхтатиб бўлмайди...

Мегрэ кемага чиқшига чиқди-ю, гапни нимадан бош-
лашни билмай қолди. Бунинг устига, улар ҳозир Сени-
н-Уазин департаментида туришарди, қонунга кўра, фла-
мандияликларни Версаль полицияси сўроқ қилиши мум-
кин эди.

— Узоқ турамизми?

— Билмадим...

— Эрталабгача бу ерда қолиш ниятимиз йўқ. Акс
ҳолда кун ботгунча Мантага етиб боролмаймиз.

— Унақа бўлса, жўнадик!

— Сиз ҳам биз билан бирга борасизми?

— Албатта.

— Ё тавба! Бунақасини энди кўришим.

— Невэ, сиз машинага ўтиринг. Ментада учрашамиз.

— Бу ёғи қандоқ бўлди, Хуберт?

— Начора, Жеф! Полиция билан ҳазиллашиб бўл-
майди.

Кема остидаги туйшукдан ҳамон ёш жувоннинг тил-
ларанг сочлари кўришиб турар, пастдан гўдакнинг жа-
рангдор овози эшитиларди. Худди кечагидай, пишаётган
таомнинг хушбўй жиди теварак-атрофга тараларди.

Кўприк вазифасини бажарган тахтани тортиб олиш-
ди. Невэ тўнкага ўралган арқонни ечиб, сувга улоқтир-
ди-да, машина томон йўл олди.

— Саволнигиз бўлса, марҳамат...

Яна двигатель гувуллаб, баржа ўрнидан жилди.

Мегрэ кема тумшуғида тик турганча трубкасига та-
маки тўлдираркан, гапни нимадан бошлаш ҳақида ўй-
ларди.

VI боб

— Кеча менга, машина қизил рангда эди, дегандин-
гиз, шундайми?

— Ҳа, мосье. Худди манови байроққа ўхшаган қи-
зил рангда эди.

Жеф кема тумшуғида ҳилпираб турган қора-сариқ-
қизил рангли Бельгия байроғига ишора қилди.

Хуберт рулни бошқарарди; аёл яна пастга, боласи-
нинг олдига тушиб кетди. Жеф эса ҳамон ўзини қандай
тутишни билмай, гарангсираб турарди. Бир томондан,
фламандияликларга хос меҳмондўстлик таомили ундан
комиссарни муносиб даражада кутиб олишни ва ҳатто
бир стакан ичимлик билан сийлашни талаб қилса, иккин-

чи томондан, шиддат билан сузиб кетаётган кемани кўққисдан тўхтатганликлари уни қаттиқ ижиргангирарди. Бунинг устига, ҳозир бўладиган савол-жавобни у сўроқ деб тушуниб баттар асабийлашаётганди.

Мегрэ эса бу сиркаси сув кўтармайдиган суҳбатдошининг юрагига қандай йўл топишни билмай ҳайрон эди. У содда ва тўпори одамлар билан кўп маротаба муомала қилган. Баъзи терговчилар бундай кишиларнинг ғофиллигидан фойдаланишга шошиладилар. Бунинг оқибати шу бўладики, тергалаётган одам ё ҳаддан ташқари маҳмадона бўлиб кетади, ёки аксинча, оғзига талқон солиб олади.

Комиссар баржаларда кўп тергов ўтказган. Айниқса «отлиқ» баржа, яъни канал бўйлаб от судраб юрадиган баржа ёдида қолган... Тунда отни эгаси билан баржага чиқариб олишарди.

У пайтлардаги кемалар ёғочдан ясалган бўлиб, улардан тахта ораларига сурилган қатроннинг хушбўй ҳиди анқиб турарди. Кема ичи қишлоқ уйларини эслатарди.

Фламандияликнинг баржаси эса тамом бошқача: каяотанинг очиқ эшигидан замонавий шаҳар квартираси манзараси: дабдабали мебель, қиммат баҳо гилам, сержило идиш-товоқлар яққол кўзга ташлаб турибди.

— Соҳилда шовқин эшитилганда қаерда эдингиз? Двигателни тузатаётган эдингиз чамаси?

Жеф кўзларини олиб қочди. Бу аснода у қандай йўл тутиш ҳақида ўйлаётганини Мегрэ дарров пайқади.

— Менга қаранг, мосье... Кеча эрталаб судья мени сўроқ қилганда сиз ҳам шу ерда эдингиз... Ўзингиз ҳам анчамунча саволлар бердингиз... Судья билан бирга, келган анови кичкина одам ҳаммасини ёзиб олди... Кундузи яна келиб, ёзганларига қўл қўйдириб кетди. Тўғрими?

— Ҳа, тўғри...

— Бугуң сиз тағин ўша гапни бошлаяпсиз. Хайронман... Назаримда, гапларимга ишонмаганга ўхшайсиз... Мен бир саводсиз одамман, мосье... Мактабда ҳам чала-чулпа ўқиганман. Хуберт ҳам шунақа... Лекин биз меҳнаткаш одамлармиз, Аннеке ҳам бекор ўтирмайди...

— Шунчаки бир текшириб кўрмоқчи эдим...

— Нимасини текширасиз?! Шу пайтгача, худди сизга ўхшаб, тинчгина яшаётган эдим... Айбим чўкаётган бир шўрликни қутқарганимми? Мен буни бирор тамагирлик билан қилганим йўқ, раҳмат эшитиш ёки пул иш-

лаб қолни учун ўзимни сувга ташламадим... Нега мени бунақа қишайсиз, мосье?!

Биз қизил машинада келган ўша икки одамни тондик... Ростдан ҳам Жефнинг ранги ўзгариб кетдими ёки Мегрэга шундай туюляптими?

— Жуда соз! Ана ўшалардан сўрайверинг...

— Уларнинг айтишича, сиз баржа тепасига ярим кечада эмас, соат ўн яримда чиққансиз...

— Балки соатлари орқада қолгандир?

— Буни ҳам текширдик... Соҳилдан улар тўппа-тўғри Тюррен кўчасидаги қаҳвахонага боришган. Ушанда соат йигирмата кам ўн икки бўлган.

Жеф укаси билан кўз уриштириб олди.

— Пастга туша қолайлик,— деди сўнг у Мегрэга.

Кенггина каюта айни пайтда ҳам ошхона, ҳам емакхона вазифасини ўтарди. Сирланган оқ кастрюлдан қовурдоқнинг ҳиди-уфуриб турибди. Боласини эмизиб ўтирган Аннеке шоша-пиша ётоқхонага кириб кетди — комиссарнинг кўзи тўқима чойшаб ёпилган каравотга тушди.

— Балки ўтирарсиз?

Жеф ҳамон ўзига келолмасди. Хона ўртасида бир оз гарансиб тургач, ойнаванд буфетдан ичкилик солинган қора сопол кўзача билан иккита стакан олди.

Дераза ортидан соҳилдаги дарахтлар, катта-кичик уйларнинг қизил томлари лип-либ ўтиб турарди. Жеф бир қўлида кўзача, бир қўлида стакан ушлаганича яна анча муддат ўйланиб қолди, сўнг винодан бир ҳўпладида, оғзида бир оз ушлаб тургач:

— У ўлдими? — деб сўради.

— Йўқ. Ҳушига келди.

— Нима деди?

Жавоб беришга энди Мегрэ шошмади. Деразаларга тутилган жимжимадор пардаларни, гултуваклар ўтқазилган мис тўқималарни, бошига денгизчилар фуражкиси, эгнига свитер кийган басавлат бир қариянинг деворда осиблиқ турган суратини бир-бир кўздан кечириб чиқди.

Кемаларда бунақа норғул ва шоп мўйловли кишилар кўп учрайди.

— Отангизми?

— Йўқ, мосье. Аннекенинг отаси.

— Сизнинг отангиз ҳам дарёчи бўлганми?

— Отам Анверда ҳаммоллик қилган. Ўзингиздан қо-

лар гап йўқ, ҳаммоллик туппа-тузук тақводор бир олам учун муносиб касб эмас. Тўғримасми?

— Шунинг учун сиз шу касбни танладингизми?

— Ун уч ёшимдан бери баржаларда хизмат қиламан, шу пайтгача ҳали ҳеч ким мендан нолигани йўқ.

— Кеча кечқурун...

Мегрэ суҳбатдошини ишга алоқаси йўқ саволлар билан ийдиришга уринар, аммо фламандиялик нуқул бош чайқарди.

— Йўқ, мосье!.. Гапим рост... Ишонмасангиз, мен имзо чеккан қоғозни бир ўқиб чиқинг.

— Агар берган маълумотларингиз нотўғри бўлса-чи?

— Унда нима қилсангиз ҳам майли.

— Демак, анови икки киши Мари кўприги остидан чиқиб келган, шундайми?

— Ҳамма гапим ёзилган...

— Лекин улар, баржа ёнидан ўтганимиз йўқ, дейишяпти.

— Ҳар ким миясига келган гапни гапираверади-да.

— Ўша пайтда соҳилда ҳеч ким бўлмаган, шундан фойдаланиб улар итнинг жасадини сувга улоқтиришган.

— У ёғини билмадим...

Аннеке қайтиб чиқди, энди қўлида боласи йўқ эди— ухлатган бўлса керак. Эрига фламандчасига бир нима деди, у бош силкигач, овқат суза бошлади.

Баржа секинлади. Мегрэ аввалига манзилга етиб келдик шекилли, деб ўйлаган эди, аммо деразадан қараб, учта баржани оқимга қарши судраб бораётган шатакчи кемани кўрди. У кўприк остидан ўтаётган эди.

Баржа сизга қарашлими?

— Аннеке иккаламизга.

— Укангиз ҳам шерикми?

— Тушунмадим.

— Мол-мулкнинг маълум қисми унга ҳам тегишлими, демоқчиман.

— Йўқ, мосье, баржа фақат Аннеке иккаламизга тегишли.

— Демак, укангиз баржада хизмат қилади, холос?

— Ҳа, мосье.

Мегрэ унинг ҳадеб «мосье» дейишига кўника бошлаганди. Жефнинг хотини французчани яхши билмаслиги ва суҳбат мазмунини жудаям билгиси келаётгани шундоқ кўзидан сезилиб турарди.

— Кўпдан бери ишлайдими?

— Икки йил бўлиб қолди...

— Илгари қасрда ишларди? Бошқа баржадами?
Франциядами?

— Ўзимга ўхшаган-да: гоҳ Бельгияда, гоҳ Францияда. Ишга қараб...

— Нима сабабдан ўзингизга ишга олдингиз?

— Ёрдамчи керак-ку, тўғрими? Кўриб турибсиз, баржа кичкина эмас...

— Илгари-чи?

— Нима — илгари?

— Олдин қандай уддалардингиз?

Мегрэ суҳбатдошини яна чўчитиб юбормаслик учун ниҳоятда беозор саволлар берар ва шу туфайли мақсад сари жуда секинлик билан яқинлашиб борарди.

— Гапингизга унча тушунмадим.

— Бошқа ёрдамчиларингиз бормиди?

— Албатта...

Шундай дейишдан олдин хотини суҳбат мазмунини илғамаётганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида унга бир қараб қўйди.

— Кимлар бор эди?

Жеф вақтдан ютиш ва жавобни ўйлаб олиш учун яна стаканларга ичимлик қуя бошлади.

— Ўзим, — деди ниҳоят фламандиялик.

— Матросмидингиз?

— Йўқ, механик.

— Кеманинг эгаси ким эди унда?

— Бунақанги саволларни беришга ҳаққингиз йўқ...

Ҳар кимнинг ўз шахсий ҳаёти бор. Бунинг устига, мосъе, мен Бельгия фуқаросиман... — У яна асабийлаша бошлади. — Яхшимас! Нима иш қилишим ўзимга боғлиқ, фламандиялик экан деб, ҳар ким қозонимга тумшуғини тиклавериши керакми?!

Мегрэ охириги иборани дарров илғамади, англаганидан сўнг эса, кулгидан ўзини аранг тийди.

— Бўпти, энди таржимонни олиб келиб, хотинингизни сўроқ қиламан.

— Аннекени тинч қўйинг...

— Илож қанча... Судья имзо чеккан ҳужжат билан келаман. Ундан кўра, учовингизни Парижга олиб борганим маъқулмикин?

— Баржа нима бўлади? Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ!

— Бўлмаса нега саволларимга тўғри жавоб бермаяпсиз?

Ван Гут комиссарга ер остидан қаради.

— Чунки бу менинг шахсий ишим.

Шу пайтгача у ҳақ эди. Дарҳақиқат, бундай тарзда сўроқ қилишга Мегрэда ҳеч қандай асос йўқ. У ички бир туйғуга асир бўлиб қолганди, Сабаб, комиссар Жюзьеда баржага чиққанида, Жефнинг ўзини жуда ғалати тутиши унда шубҳа уйғотган эди.

У Париждаги Жефга асло ўхшамасди. Комиссарни кўриши билан саросимага тушиб қолди. Нуқул каловланади, гаплашгиси келмайди, энди кўзларидаги Селестэн соҳилида чақнаб турган шўх учқунлар ҳам сўнган.

— Парижга олиб боришимни хоҳлаяпсиз, шекилли?

— Бунинг учун далил керак. Қонун деган нарса бор?

— Далил оддийгина.—саволларимга тўғри жавоб беришдан бош тортишингиз.

Двигатель ҳамон бир маромда ғувиллар, пастдан рулни бошқараётган Хубертнинг узун оёқлари кўриниб турарди.

— Чунки сиз мени чалғитишга уриняпсиз.

— Унақамас... Ҳақиқатни аниқламоқчиман, холос.

— Қанақа ҳақиқатни?

Жеф каютада у ёқдан-бу ёққа юраркан, гоҳ, ўзининг ҳақлигига юз фоиз ишонар, гоҳ яна бирдан безовталашиб қоларди.

— Баржани қачон сотиб олгансиз?

— Сотиб олмаганман.

— Аммо у сизга тегишли-ку!

— Ҳа, мосье, хотиним иккалаамизга тегишли.

— Бошқача қилиб айтганда, Аннекага уйланганингиздан сўнг шундай бўлган. Баржа илгари ҳам хотинингизга қарашлимиди?

— Нима қипти?.. Биз қонун-қоидага риоя қилган ҳолда, бургомистр ва роҳиб гувоҳлигида никоҳдан ўтганмиз.

— Унга қадар «Зваарте Зваан»нинг эгаси қайнотангиз бўлган, шундайми?

— Ҳа, мосье, исми Виллемс.

— У кишининг бошқа фарзанди йўқми?

— Йўқ, мосье...

— Хотинига нима бўлган?

— Уйланишимиздан бир йил олдин қазо қилган.

— Уша пайтда сиз баржада ишлармидингиз?

— Ҳа, мосье...

— Кўпдан буёнми?

— Виллемс мени хотини ўлганидан кейинроқ ишга ёллаган...

— Илгари бошқа кемада хизмат қилармидингиз?

— Ҳа, мосье. «Дрие Хебрудерс» деган кемада.

— Нега у ердан кетдингиз?

— Чунки «Дрие Хебрудерс» эски баржа эди, Францияга қатнамасди, фақат кўмир таширди.

— Демак, кўмир ташиш сизга ёқмаган?

— Албатта. Қора иш-да...

— Мана, бу кемага ишга ёлланганингизга ҳам уч йил бўлиб қолти. Ушанда Аннеке неча ёшда эди?

Аннеке ўз номини эшитиб, сергак тортди.

— Ун саккизда.

— Сал илгарироқ онаси вафот этган, шундайми?

— Ҳа, мосье... Оденардда, боя айтдим-ку...

Жеф двигателга қулоқ тутди, соҳилга назар ташлади, сўнг укасининг олдига бориб, унга бир нималар деди. Хуберт двигатель ҳаракатини пасайтирди: баржа темир йўл кўпригига яқинлашмоқда эди.

Комиссар мақсад сари шошмасдан илгарилар, суҳбатни боғлаб турган ингичкагина ипни узиб юбормасликка ҳаракат қиларди.

— Демак, баржадаги юмушларни олдин ўзлари эп-лашган,— деди Мегрэ.— Онаси ўлганидан кейин ёрдамчига зарурат туғилган... Шундайми?

— Ҳа...

— Сиз двигателга қарашингиз керак эдими?

— Двигателга ҳам, бошқа ишларга ҳам... Кемада ҳамма юмушни бажаришга тўғри келади...

— Аннекени дарров яхши кўриб қолдингизми?

— Бу энди, мосье, шахсий масала, тўғрими? Бу фақат иккаламизга алоқадор...

— Қачон турмуш қурдинглар?

— Келаси ой икки йил тўлади.

— Виллемс қачон ўлган? Сурат ўшаникимми?

— Ҳа, ўшаники...

— Қачон ўлган?

— Никоҳимиздан бир ярим ой илгари.

Мегрэ, назарида, жуда секин илгарилаётган эди. Лекин бошқа илож йўқ, чидаш керак. Акс ҳолда суҳбатдошидан гап олиш қийин.

— Никоҳинглар Виллемс вафотидан сўнг эълон қилинганми?

— Бизда никоҳ тўйдан уч ҳафта олдин эълон қилинади. Францияда қандайлигини билмайман...

— Лекин никоҳ масаласи илгарироқ ҳал бўлган, шундайми?

— Баски, биз турмуш қурган эканмиз...

— Шу саволни хотинингизга бериб кўринг-чи.

— Нима кераги бор уни аралаштиришни?

— Агар бош тортсангиз, таржимон орқали ўзим муурожаат қиламан...

— Хўп, майли...

У: «Хўп, майли, чақиринг таржимонни!»— демоқчи эди. У ҳолда Мегрэ мушкул аҳволда қолган бўларди. Чунки баржа Сени-и-уази департаментида сузиб борар, бу ерда бировни сўроқ қилишга комиссарнинг ҳаққи йўқ эди.

Ҳайрият, Гут фикридан қайтиб, хотини билан ўз тилида гаплаша бошлади. Аннеке аввал қизарди, сўнг меҳмонга бир қараб қўйди-да, кулимсираб бир нималар деди.

— Таржима қилинг.

— Биз бир-биримизни кўпдан буён яхши кўрамиз, деяпти...

— Тўйдан бир йил олдин бошланган-да?

— Тахминан шундай...

— Бошқача қилиб айтганда, сиз баржага ишга ёлланганингиздан кейин?

— Нима қипти?

Мегрэ унинг гапини бўлди:

— Мен фақат бир нарсани билмоқчиман: Виллемс бундан хабардор эдими-йўқми?

Жефдан садо чиқмади.

— Хойнахой, ҳамма ошиқлардай, олдинига буни сир тутгансиз?..

Ван Гут булар томон бир ўгирилди-ю, яна дарёга тикилди.

— Ҳозир тўхтаймиз... Укамга ёрдамлашим керак.

Мегрэ ҳам тепага чиқди. Дарҳақиқат, Мант-ла-Жели соҳили, кўприк ва бандаргоҳдаги талай баржалар кўзга яққол ташланиб турарди.

Моторнинг шовқини пасайди. Баржа орқага тисарила бошлади. Бошқа кемадаги дарёчилар буларга қараб туришарди. Ун икки ёшлардаги бир бола арқонни илиб олди.

Кема саҳнида турган шляпали киши, табиийки, ҳам-
манинг эътиборини тортганди.

Баржаларнинг бирдан кимдир Жефга фламандчалаб
кичқирди, бу ҳам шу тилда жавоб қайтарди. Кема ас-
та-секин қиргоққа яқинлашарди.

Соҳида буларни сигарета тишлаганча инспектор
Невэ кутаётганди, унинг ёнида, фишт уюлган ерда поли-
циянинг кичкина қора машинаси турарди.

— Энди ўз ҳолимизга қўярсиз? Овқатланишимиз ке-
рак. Эрталаб соат бешда турамыз.

— Саволимга жавоб бермадингиз.

— Қайси саволингизга?

— Виллемс қизи билан алоқангизни билармиди,
йўқми?

— Модомики уйланган эканман...

— Виллемс ўлганидан кейин уйлангансиз.

— Улса — мен айбдорманми?

— Узоқ бетоб бўлиб ётганмиди?

Мегрэ билан Жеф баржа қуйруғида туришар, Ху-
берт қовоғини уйганча буларнинг суҳбатига қулоқ со-
ларди.

— Виллемс ҳеч қачон касал бўлган эмас, аммо ҳар
кун кечқурун чўчқадай ичарди.

Мегрэнинг назарида, гапнинг нишоби бошқа ёққа
бурилиб кетганидан Хуберт ажаблангандай ва акасига
ғалати бир қараш қилиб қўйгандай бўлди.

— Нима, у «delirium tremens¹» дардига учраганми-
ди?

— У нима деганингиз?

— Ашаддий ичкиликбозлар аксар пайт шу дарддан
ўлишади. Иситма хуруж қилади-да кейин...

— Э, ҳеч нима хуруж қилмаганди. Шунчаки, мол-
дай ичганидан мункиб кетган...

— Сувгами?

Укасининг суҳбатига қулоқ солиб туришини Жеф
ёқтирмаётгандек кўринарди.

— Албатта-да...

— Францияда юз бермадими бу воқеа?

Жеф бош силкиди.

— Париждами?

— Э-э, айниқса Парижда кўп ичарди-да...

¹ Delirium tremens (лот.) — алкоголизм оқибатида юз берувчи
руҳий касаллик.

- Нима учун?
- Бир аёл билан учрашиб турарди, қаердалигини билмайман-у, лекин иковлари ярим кечагача ичкилик-бозлик қилишарди.
- Танийсизми ўша аёлни?
- Исмини билмайман...
- Қаерда яшашини ҳам билмайсиз?
- Йўқ.
- Иковларини бирга кўрганмисиз?
- Кўрганман, бир гал меҳмонхонага кириб кетишаётганини ҳам кўрганман... Илтимос, Аннеке билмасин...
- Наҳотки отасининг қандай ўлганини хотинингиз билмаса?
- Билади, лекин аёл ҳақида эшитмаган.
- Ўша аёлни кўрсангиз танийсизми?
- Эҳтимол... Тагин ким билади...
- Бахтсиз ходиса юз берган куни ҳам улар бирга бўлишганми?
- Хабарим йўқ...
- Қанақа қилиб йиқилган сувга?
- Аниқ айтолмайман... Тепасида йўқ эдим...
- Қаерда эдингиз?
- Ухлаб ётувдим.
- Аннеке-чи?
- У ҳам ётувди.
- Соат неччи эди ўшанда?
- Тунги иккидан ошувди, — деди Жеф истар-истамас.
- Виллемс ҳар доим шунақа кеч қайтармиди?
- Парижда шундай қиларди. Анови аёл туфайлида...
- Ҳар ҳолда, ўлимга нима сабаб бўлган?
- Айтдим-ку: сувга қулаб тушган...
- Нарвон кўприкдан ўтаётибми?
- Қайдам...
- Ёзмиди ўшанда?
- Декабрь ойи эди.
- Ҳеч қандай шовқин эшитмадингизми?
- Кема сиртига бир нима урилгандай бўлди.
- Виллемс ёрдам сўраб қичқирдимми?
- Йўқ...
- Дарров қутқаришга югургандирсиз?
- Албатта.

— Қип-яланғоч-а?
— Йўқ, апил-тапил шимимни кийволдим.
— Аннеке ҳам сездими?
— Кейнироқ... Кема саҳнига чиққанымдан сўнг сездим.

— Чиқаётганингиздами ёки чиқиб бўлганингиздан кейинми?

Жефнинг энсаси қотиб кетди.

— Узидан сўранг! эсимда турибдими!
— Виллемсин сувда кўрдингизми?
— Ҳеч нарсани кўрганам йўқ... Бир ниманинг шалоплаётганини эшитдим, холос.
— Сузишни билмасмиди?
— Нега энди, биларди. Лекин ғирт маст ҳолда сузишнинг ўзи бўладими?
— Худди душанба кунгидай ўзингизни сувга отдингизми?

— Ҳа, мосье.

— Тортволдингизми ишқилиб?

— Ўн минутча овора бўлдим. Энди ушлайман деганимда чўкиб кетавериб хуноб қилди.

— Аннеке баржа тепасида турганмиди?

— Ҳа, мосье.

— Тортволганингизда жони узилганмиди?

— Аввалига сезмадим... Лекин кўкариб кетган эди...

— Кейин дўхтир, полиция келгандир?

— Шундай, мосье. Яна саволларингиз борми?

— Қаерда бўлди бу ҳодиса?

— Парижда... Боя айтдим-ку...

— Парижнинг қаерида?

— Макондан вино ортиб келиб, Парижда тушираётган эдик, Рапэ соҳилида.

Мегрэ бу жавобдан ажабланганини ҳам, қаноатланганини ҳам сездирмади. Бир лаҳзада асаблари тинчланиб, хушфеъл одамга айланиб қолгандай эди гўё.

— Мана, гаплашиб ҳам олдик. Демак, Виллемс тунда, Рапэ соҳилида чўкиб кетган. Бу пайтда сиз баржада ухлаб ётгансиз. Қизи ҳам. Шундайми?

Жеф индамай киприк қоқиб қўйди.

— Тахминан ярим ойлاردан сўнг Аннекега уйландингиз...

— Бирга яшаб тургандан кейин уйланмай бўладими?

— Укангизни қачон чақиргансиз?

— Уша пайтдаёқ. Уч-тўрт кундан кейин.

— Тўйдан кейин-да?

— Йўқ. Бахтсиз ҳодисадан кейин.

Қуёш гардиши томларга қизғиш тус бериб уфққа ёнбошлаган бўлса ҳам, ҳали кун ёруғ эди. Аммо бу ёруғлик аллақандай ваҳимали ва мубҳам кўринарди.

Хуберт хаёлга чўмганча руль олдида қимир этмай турарди.

— Афтидан, сизнинг хабарингиз бўлмаса керак?— дея мурожаат қилди унга Мегрэ.

— Нимадан?

— Душанба куни тунда юз берган воқеадан?

— Йўқ, Лапп кўчасида эдим, танцада.

— Виллемснинг ўлиmidан-чи?

— Телеграмма олган эдим...

— Бўлдими?— деб унинг гапини бўлди, Жеф ван Гут тоқатсизланиб. — Энди овқатлансак майлими?

Аммо Мегрэ жуда хотиржам жавоб қайтарди:

— Йўқ, яна сабр қиласиз...

Бу жавоб худди бомба портлагандай бўлиб эшитилди. Хуберт бошини кўтариб, акасига еб юборгудай тикилди. Жефнинг кўзларида ғазаб ўти чақнади.

— Балки тушунтириб берарсиз: нима учун овқатланмаслигим керак?— деб сўради у Мегрэдан.

— Чунки сизни Парижга олиб кетмоқчиман.

— Ҳаққингиз йўқ.

— Агар керак бўлса, ярим соат ичида терговчи имзолаган чақирув қоғози қўлимда бўлади.

— Нима учун, билсак бўладими?

— Сўроқни давом эттириш учун.

— Бор гапни айтдим.

— Яна шунинг учунки, ўзингиз душанба куни кечаси Сенадан тортиб олган дайди билан сизни юзлаштирмакчиман.

Жеф ёрдам сўрагандай укасига термилди.

— Комиссарнинг бунга ҳаққи борми, Хуберт.

Аммо Хубертдан садо чиқмади.

— Шу машинада олиб кетмоқчимисиз?— у соҳилга, ёнида Невэ турган машинага ишора қилди.— Баржага қачон қайтаман?

— Балки эртага қайтарсиз...

— Эртага қайтмасам-чи?

— У ҳолда ҳеч қачон қайтмаслигингиз ҳам мумкин.

— Нима?... Нима дедингиз?

Жефнинг мушларни тугилди, шу тобда у Мегрэга ташлашнингдан ҳам тоймасди.

Хотиним чи? Қизим-чи? Нима қиляпсиз ўзи? Консулга хабар қиламан!

— Иштиёрингиз.

— Нима, майна қиляпсизми мени?

У ҳамон комиссарнинг нияти жиддийлигига ишонмасди.

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бировнинг кемасига бэстириб кириб, бегуноҳ бир одамни қамоққа олиб кетишавераркан-да?

— Сизни ҳали қамоққа олганим йўқ.

— Нима дейиш керак буни бўлмаса?

— Шунчаки, Парижга олиб бориб, ҳозирча туриб юролмайдиган бир гувоҳ билан юзлаштирмоқчиман.

— Лекин мен уни танимайман. Ёрдамга чақирганини эшитиб, сувдан тортиб олдим. Агар бунақа бўлишини билганимда...

Аннеке кема саҳнига чиқиб, эридан фламандчасига бир нималарни сўради. Эри узоқ тушунтирди. Кейин аёл учала эркакка бир-бир назар ташлади-да, яна Жефга мурожаат қилди. У эрнин кўндиришга уринаётганини Мегрэ ички бир туйғу билан сезиб турарди.

— Кечаси қаерда тунайман?

— Орфевр соҳилида.

— Турмадами?

— Йўқ, жинойт қидирув полициясида.

— Қийинволсам майлими?

Комиссар бош ирғади, фламандиялик хотинини эргаштириб тагхонага тушиб кетди. Мегрэ Хуберт билан ёлғиз қолди. У ҳамон миқ этмас, соҳилдаги машиналар ва ўткинчиларни бефарқ нигоҳ билан кузатарди.

Комиссарнинг ҳам гаплашгиси йўқ эди. У охири нима билан тугаши номалум бўлган сўроқ-суҳбатдан ниҳоятда чарчаганди.

Жимликни биринчи бўлиб Хуберт бузди:

— Қўполлигига эътибор берманг,— деди у, — сал қизиққон, лекин ўзи ёмон йигит эмас.

— Виллемс қизи билан акангиз ўртасидаги алоқадан хабардормиди?

— Баржада бир нарсани яшириш қийин.

— Балки бу никоҳ қизнинг отасига ёқмагандир?

— Қайдам, мен унда йўқ эдим...

Унинг кайфда сувга қулаб тушганига ишонасизми?

— Бунақа воқеалар тез-тез бўлиб туради. Кўп дарёчилар шу йўсинда ҳаётдан кўз юмганлар. ~

Тагхонадан фламандача гап-сўзлар эшитилиб турарди. Аннекеннинг овозида ёлвориш оҳанги бўлса, эри газабини тўкиб соларди. Балки комиссар билан кетишдан яна бош тортаётгандир?

Ниҳоят, хотинининг қўли баланд келди. Жеф тепага қайтиб чиққанида нам сочлари силлиқ таралганди, Эгнида оқ кўйлак, деярли яп-янги кўк костюм, йўл-йўл бўйинбоғ, оёқларида қора туфли — худди меҳмондорчиликка кетаётгандай.

Жеф Мегрэга қарамай, укасига фламандачасига бир нималар деди, сўнг қирғоққа тушиб, қора машина олдида тўхтади.

Комиссар эшикни очди. Невэ буларга таажжубланиб қаради.

— Қаёққа юрамиз, хўжайин?

— Орфевр соҳилига.

Улар йўлга тушишди. Қош қорайиб қолганди. Машина чироғи гоҳ дарахтлар, гоҳ қишлоқ уйларини липлип ёритиб ўтарди.

Мегрэ ўриндиқ бурчагига ястанганча индамай трубка тортар, Жеф ван Гут ҳам миқ этмасди, бу сирли сукунатдан Невэнинг тамом боши қотганди.

— Иш бешми, хўжайин?— деди у ниҳоят сабри чидамай. Аммо саволига жавоб ололмагач, қайтиб оғиз очмади.

Адолат Саройининг дарвозасидан кириб борганларида соат саккиз эди. Кўп деразаларда чироқ ўчган, аммо қария Жозеф ҳали кетмаганди.

Инспекторлар хонаси ҳам деярли бўм-бўш. Фақат бошлигининг қайтишини кутиб ўтирган Лапуэнтгина машинада ниманидир кўчирарди.

— Айт, пиво билан егулик бирор нарса келтиришсин!

— Неччи кишига?

— Икки кишига... Дарвоқе, йўқ, уч кишига. Керак бўлиб қолишинг мумкин. Бўшмисан?

— Ҳа, хўжайин.

Мегрэнинг кабинетида дарёчи янаям дарозроқ ва озгинроқ кўринди, юзининг тархи ҳам энди кўзга яққолроқ ташланди.

— Утиринг, мосье ван Гут.

Жеф «мосье» сўзини пўписадай тушуниб, қовоғини солди.

-- Ҳозир овқат опкелншади.

Қонсулни қачон кўришим мумкин?

-- Эртага эрталаб.

Мегрэ ўз столи ёнига ўтириб, хотинига қўнғироқ қилди:

— Кечки овқатга боролмайман... Йўқ... Иш кўп...

Бошқа маҳал бўлганда Мегрэ хоним саволни ёғдириб ташлаган бўларди, лекин бу гал ундай қилмади. Эрини дайдининг тақдири ташвишлантираётганини яхши билгани учун, биттагина савол билан кифояланди:

— Улдими?

— Йўқ...

Мегрэ хоним бирон кимсанинг қўлга олинган-олинмагани билан ҳам қизиқмади. Модомики эри қўнғироқ қилиб, боролмайман — иш кўп, дедими — демак, сўроқ ё бошланган, ёки бошланиш арафасида.

— Хайрли тун!

Мегрэ Жефга энсаси қотиб қаради:

— Утиринг, дедим-ку...

Хонанинг ўртасида қаққайиб турган бу найнов муҳожир комиссарнинг ғашига тегаётганди.

— Утиришни хоҳламасам-чи? Ҳаққим бор-ку. Хоҳласам — ўтираман, хоҳламасам — йўқ, тўғрими?

Мегрэ бир хўрсиндию «Дофин» қаҳвахонасидан келадиган тамадини кута бошлади.

VII б о б

Унтадан саккизта ҳолатда муқаррар айбланувчининг иқрори билан яқунланадиган бу тергов тунлари аста-секин, худди театр саҳнасида юз мароталаб ўйналган пьесалар сингари ўз анъаналари, ўз шаклу шамойилларига эга бўла бошлади.

«Дофин» қаҳвахонасининг югурдак боласи пиво билан бутербродлар келтирганини кўрган навбатчи инспекторлар гап нимадалигини дарров фаҳмлашди.

Фламандиялик кайфияти расво ва ғазаби бўғзига қадалиб турган бўлишига қарамай, ўзини овқатга урди, Мегрэдан кўз қирини узмай, кружка тўла пивони бир кўтаришда ичиб юборди.

Мегрэнинг ғашига тегиш учунми ёки норозилигини билдирмоқчи бўлибми, у оғзидаги таомни ниҳоятда хунук ва беўхшов чапиллатиб чайнар, гўштдан чиққан

майда суякларни, худди кема саҳнида тургандай ҳеч парвосиз полга тупурарди.

Комиссар бу манзарани, гўё ҳеч нарсани сезмагандай, хотиржам кузатиб ўтирди, қафасга тушган йиртқиқдай хона ичида у ёқдан-бу ёққа бориб-келаётган дарёчига халақит бермади.

Мегрэ ҳақмиди? Терговнинг энг қийин жойи — асосий, ҳал қилувчи далилни айбланувчига қай пайтда рўқач қилиш. Аммо бу ҳолатни белгилаб берадиган аниқ йўл-йўриқ йўқ. Бу нарса терговчининг ички сезгисига боғлиқ.

Мегрэнинг бирон-бир жиддий далилга эга бўлмай туриб терговни бошлаб юборган пайтлари ҳам бўлган. Шуниси қизиқки, ҳар гал осонгина ютиб чиққан. Аксинча, ишончли далиллари ва ўнлаб гувоҳлари бўлишига қарамай тунн бўйи ҳеч нарсага эришолмаган пайтлари ҳам оз эмас.

Энг муҳими, ҳар бир ишнинг калитини топиш керак. Ғарибона тамадди қилиб олган Мегрэ дарёчига тикилганча ана шулар ҳақида ўйларди.

— Яна ейсизми?

— Тезроқ баржага, хотинимнинг олдига боришни истайман.

Нихоят хона ичида айланиш Жефнинг жонига тегиб, комиссар ўтирган стол рўпарасида тўхтади. Мегрэ энди шошмаслик, терговни эҳтиётлик билан, дўқ-пўписасиз суҳбатни аввало айбланувчининг жавобларидаги майда-чуйда зиддиятларга, сўнг эса очиқ кўриниб турган мантиқсизликларга буриш ва шу тариқа уни янглиштириб, ёлғон гапирётганини бўйнига қўйиш керак.

Мегрэ Лапуэнтга иш буюриб, ўзи Жеф билан ёлғиз қолди.

— Қулоқ солинг, ван Гут...

— Неча соатдан бери қулоғим сизда, тўғрими?

— Суҳбатимиз чўзилиб кетганига сабаб — сиз рост гапирмаяпсиз.

— Ҳали мени ёлғончига ҳам чиқарарсиз?

— Унақа ниятим йўқ. Лекин, назаримда, ниманидир яширяпсиз мендан...

— Айтингчи, агар мен оилавий ҳаётингизга аралашсам сиз нима деган бўлардингиз?

— Тушунаман, болалик йилларингиз оғир кечган... Эҳтимол, онангиз тарбиянгиз билан кам шуғуллангандир?

— Раҳмат, энди онамга ҳам тил теккиздингиз! Аммо у киши беш ёшимдаёқ оламдан ўтган. Қолаверса, онам ниҳоятда бамаъни, имони бут аёл бўлган, ҳозир арвоҳи тенамда чирқираб турган бўлса ҳам ажабмас...

Мегрэ сабрсизлик қилмади, суҳбатдошига бамайлихотир тикилганча савол-жавобни давом эттирди:

— Отангиз иккинчи марта уйланганми?

— Отамнинг йўриғи бошқа... У кўп ичарди...

— Неча ёшингиздан ишлай бошлагансиз?

— Боя айтдим-ку. Ун уч ёшимдан...

— Хубертдан бошқа ака-укаларингиз ёки опа-сингилларингиз борми?

— Синглим бор. Нимайди?

— Ҳеч нарса. Шунчаки танишяпмиз-да.

— Унақа бўлса, мен ҳам сизга савол беришим керак.

— Марҳамат.

— Модомики ўз кабинетимда эканман, нимани хоҳласам шуни қиламан, деб ўйлаяпсизми?

Мегрэ суҳбат узоқ ва оғир бўлишини сездди. Ван Гут ақлли йигит эмас, бундайлар билан гаплашиш ғирт азоб. Улар қайсарлик қилишади, саволларга жавоб беришмайди, бир соат илгари тасдиқлаган нарсаларини ҳеч иккиланмай рад этишади, ҳатто гап-сўзларидаги қарама-қаршиликни эслатиб турсанг ҳам асло уялишмайди.

Агар айбланувчи ақлли бўлса, унинг кўрсатмаларидаги бўш жойларни, ўзини қай йўсинда ҳимоя қилмоқчи бўлаётганини дарров пайқайсан.

— Ҳар ҳолда, сиз меҳнаткаш одамсиз, тўғрими?

Жеф комиссарга хўмрайиб қаради.

— Тўғри, ҳамма вақт иш билан банд бўлганман.

— Баъзи хўжайинларингиз, ҳалоллигингиздан ортиқча фойдаланишган. Кунлардан бир кун сиз худди отангиз сингари ичкиликка ружу қўйган Луи Виллемсга дуч келгансиз.

Жеф хонанинг ўртасида қаққайиб тураркан, Мегрэга гўё хавф-хатарни сизган, аммо ҳужум қайси томондан бўлишини ҳали англолмаётган йиртқичдай ҳадик билан тикилди.

— Агар Аннеке бўлмаганда сиз «Зваарте Зваан»-да ишламаган, бошқа бирорта кемага ёлланиб кетган бўлардингиз.

— Виллемс хоним ҳам олижаноб аёл эди.

— Аммо эридай такаббур ва қаттиққўл бўлмаган.

— Эрининг такаббурлигини қаёқдан биласиз?

— Мен янглишмадимми?

— У баржанинг эгаси, ҳақиқий хўжайин эди.

— Ишончим комплки, Виллемс хоним тирик бўлганида сизларнинг никоҳингизга эътироз билдирмасди!

Фламандиялик ақлли эмас эди, унда ҳайвоний туйғу кучли эди, бу гал ҳам Мегрэ сал шошилди.

— Ҳа-а... Энди шуни ўйлаб топдингизми? Бунақада мен ҳам минг хил воқеани тўқиб ташлашим мумкин, нима дедингиз?

— Ҳеч нарсани ўйлаб топганим йўқ. Ҳаётингизни шундай тасаввур қиламан. Эҳтимол адашаётгандирман...

— Сизни хатоингиз туфайли қамалиб кетсам қандоғ бўларкин?

— Олдин гапимни охиригача эшитсангиз-чи! Қийналиб ўсгансиз. Болалигингизданоқ катталарнинг меҳнатини қилгансиз. Кейин Аннекега дуч келгансиз. У сизга, қилган қора меҳнатлари эвазига нуқул ҳақорат эшитадиган қул деб эмас, ҳақиқий инсондек қараган. Сиз уни севиб қолгансиз. Ахир онаси буни кўриб, қувонмасмиди?..

Ниҳоят Жеф ўтирди, тўғри креслога эмас, унинг тирсаклагичига ўтирди, аммо шунинг ўзи ҳам Мегрэнинг ютуғи эди.

— Хўш, кейин-чи?— деди Жеф. — Бу ёғига ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

— Бахтга қарши, Виллемс хоним вафот этади. Сиз унинг эри ва қизи билан қоласиз. Уззукун Аннеке билан биргасиз. Буни отаси ҳам сезиб юради...

— Бу сизнинг тахминингиз!

— Кема эгаси чўнтагида хемириси йўқ йиғитга қизининг турмушга чиқишини хоҳламайди. Кечқурунлари отволиб, жанжал чиқаза бошлайди.

Энди Мегре яна ўзига ҳамиша хос бўлган эҳтиёткорлик йўлига тушиб олган, фламандиялик дарёчининг кўзларидаги ифодани сергаклик билан кузатиб ўтирарди.

— Бировларнинг қўл кўтаришига йўл қўйиб қўядиган одам деб ўйлаяпсизми мени?

— Йўқ, албатта. Сизга эмас, қизига қўл кўтарган. Икковинларни ҳалигидақа... пинҳона висол пайтида кўриб қолган...

— Мегрэ трубкасини тутатганча бир муддат жим ўтирди. Орага оғир сукунат чўкди.

— Боя сиз ғалати бир гапни айтдингиз. Виллемс кў-

пишча Парижда соҳилга тушган, чунки у ерда аёли бўлган. Бошиқа шаҳарларда эса, ё баржанинг ўзида, ёки қирғоқдаги бирорта қаҳвахонада майхўрлик қилган. Сўзларингизга қараганда, у ҳамма дарёчилардай барвақт туриб, барвақт ётган. Фақат Париждагина Аннеке билан ёлғиз қолиш имкониятига эга бўлгансизлар.

Қўшни хонада қадам товушлари ва гангур-гунгур овозлар эшитилди. Ҳаял ўтмай Лапуэнт эшикдан мўралади.

— Ҳаммаси жойида, хўжайин.

— Бир оз сабр қил.

Сўроқ яна давом этди. Кабинет ичи тутунга тўлиб кетган эди.

— Эҳтимол бир гал у соҳилдан одатдагидан барвақтроқ қайтгану қизини сизнинг қучоғингизда кўрган. Табиийки, жон-пони чиқиб кетган, Сизни ташқарига улоқтирган... Қизининг юзига тарсаки тортган... Шундай бўлиши мумкин-ку!

— Булар сизнинг уйдирмаларингиз, — деди чўрт кесиб Жеф.

— Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда мана шу уйдирмага ёпишиб олардим. У ҳолда Виллемснинг ўлимини қарийб бахтсиз ҳодиса деб баҳолаш мумкин эди...

— Ростдан ҳам бахтсиз ҳодиса-да.

— Мен «қарийб» дедим. Ҳатто, унинг сувга қулашига кўмаклашгансиз, демоқчи ҳам эмасман. Фирт маст бўлган... Оёқда туролмайдиган. Балки ўша кеча ёмғир ёғаётгандир?

— Ҳа...

— Ана, кўрдингизми! Демак, тахта сирпанчиқ бўлган. Сизнинг айбингиз шундаки, дарров ёрдам беролмагансиз. Тўғри, агар ўзингиз уни сувга итариб юбориб, оғирроқ жиноятга қўл урмаган бўлсангиз. Аммо бу ҳодиса икки йил муқаддам юз берган ва полиция қоғозиде қотиллик деб эмас, бахтсиз ҳодиса сифатида қайд этилган...

— Нима гап ўзи? Нега менга қотилликни ёпиштирмоқчи бўляпсиз?

— Унақа эмас. Мен шунчаки ҳақиқатнинг тагига етмоқчиман. Мана, айтайлик, Виллемсни сувга итариб юборганингизни бирортаси кўргандир... у одам соҳилда турган ва сиз уни пайқамаган бўлишингиз мумкин. Худди ўша одам баржадан дарҳол қайиққа сакрамаганин-

гизни ва Виллемснинг чўкиб кетишини кутиб турганингизни полицияга хабар қилган бўлса-чи?

— Аннеке-чи? Наҳотки у ҳам шу воқеани томоша қилиб тураверган бўлса?

— Кечаси соат иккида у ухлаб ётган бўлиши керак... Ҳар холда, ўша кечаси Берен кўприги остида тунаган ҳалиги одам сизни кўрган, лекин полицияга хабар қилмаган. Дайдилар бировларнинг ишига аралашишни ёқтиришмайди. Уларнинг ўз ақидалари, адолат хусусида ўз тушунчалари бор... Ана энди сиз Аннекега бемалол уйланаверишингиз мумкин. Баржада ёрдамчи керак бўлгани учун Бельгиядан укангизни чақиртиргансиз. Ниҳоятда бахтиёрсиз, ўз сўзингиз билан айтганда, ўзингиз кемага хўжайинсиз. Ушандан буён Парижга кўп келгансиз-у, аммо, қасам ичиб айтаман, Берен кўприги ёнида бирор марта ҳам тўхтамагансиз...

— Янглишасиз, мосье! Камида уч марта тўхтаганман...

— Шунинг учунки, ўша одам ҳозир у ерда йўқ. Дайдилар ҳам жойларини ўзгартириб туришади, у ҳозир Мари кўприги остида тунайди. Ва ниҳоят, ўша душанба кунни у «Зваарте Зваан»ни ҳам, сизни ҳам таниб қолади. Модомики шундай экан...

Мегрэ ўзини мясини янги бир фикр ярқ этиб ёритган киши қиёфасига солди.

— Хўш, шундай бўлди ҳам дейлик?

— Наҳотки, Виллемсни сувдан тортиб олаётган пайтингизда Рапэ соҳилида турган ўша одамни пайқамаган бўлсангиз? Йўқ! Ҳар ҳолда, пайқаган бўлишингиз керак. У ёнингизга келган, лекин индамаган. Аммо ўша душанба кунни баржангиз атрофида айлана бошлаганда, оғзидан гуллаб қўймаганмикин, дея ваҳимага тушгансиз, Эҳтимол, у сизга пўписа ҳам қилгандир...

Кейинги гапига комиссарнинг ўзи ҳам ишонмасди. Чунки табиб унақа одамга ўхшамайди... Аммо шу тобда бошқача йўл тутиши мумкин эмас эди.

— Қўрқиб кетгансиз... Кейин бирдан: нега энди Виллемсга ўхшаб бу ҳам сувга қулаб кетиши мумкин эмас, деган ўй ўтган кўнглингиздан...

— Ва уни сувга улоқтирганман? Шундайми?

— Балки туртиб юборгандирсиз...

Жеф яна ўрnidан турди. Энди ўзини анча босиб олган эди.

— Йўқ, мосье, қилмаган ишимни ҳеч қачон бўйнимга қўёлмайсиз. Ҳаммаси сизнинг тахминларингиз.

— Эҳтимол адашаётган жойларим ҳам бордир. Бўлмаса, айтинг-чи...

— Айтганман.

— Нимани?

— Судья билан келган пакана одам нима деган бўлсам — ҳаммасини ёзиб олган.

— Ушанда сиз, ярим кечага яқин бир нарса шалоплаганини эшитдим, деган эдингиз...

— Айтган бўлсам — демак, шундай бўлган.

— Гапингизга қараганда, икки одам — уларнинг бири очранг ёмғирпўш кийган — худди ўша пайтда Мари кўприги остидан чиқиб, қизил машина томон юришган.

— Тўғри, машина ҳам қизил эди.

— Улар баржангиз ёнидан ўтишган...

Ван Гут миқ этмади. Мегрэ ўрнидан туриб бориб, эшикни очди.

— Киринглар, жаноблар!

Маълум бўлишича, Лапуэнт суғурта ходими билан унинг дудуқ оғайнисини олиб келишга кетган экан. Инспектор уларни Гийо хоним билан учовлан чақчақлашиб ўтирган пайтда босди. Эркакларнинг демай унга эргашишди. Гийо ўша душанба кунги очранг ёмғирпўшда эди.

— Қизил машинада кетган одамлар шуларми?

— Одамни кечаси, нимқоронғи соҳилда кўрган бошқа, ёп-ёруғ кабинетда кўрган бошқа...

— Булар сиз тасвирлаган одамларга ўхшашади.

Жеф индамай елкасини қисди.

Улар ҳақиқатан ҳам ўша кунги кечаси Селестэн соҳилида бўлишган... Айтингиз-чи, мосье Гийо, у ерда нима қилгансизлар?

— Машинада қирғоққача тушдик...

— Кўприкдан қанча масофа нарида?

— Юз метрдан мўлроқ.

— Пастда машинани тўхтатдинглар, шундайми?

— Ҳа, мосье.

— Кейин-чи?

— Кейин машинадан тушиб, итнинг жасадини олиш учун юкхонани очдик.

— Оғирмиди?

— Ҳа, мендан ҳам оғир эди: етмиш икки килог-

рамм. Охирги марта икки ой муқаддам қассобнинг тарозиснда ўзим тортиб кўрганман.

— Соҳилда баржа тўхтаб турган эканми?

— Ҳа.

— Демак, қопни кўтариб, Мари кўприги томон юргансизлар?

— Нега у ёққа боришимиз керак экан. Қаёқдан олдингиз бу гапни?

— Манови одам шундай деяпти?

— Уша томонга юрганимизни кўрибдими?

— Йўқ... Қайтаётганингизда кўрган экан.

Оғайнилар кўз уриштириб олишди.

— Кўриши мумкин эмас, биз баржанинг ёнидан ўтганимиз йўқ, итни кеманинг тумшуғи рўпарасида сувга отганимиз. Ишқилиб қоп рулга илиниб қолмаса гўрга эди. деб хавотирга ҳам тушганман. То оқиб кетмагунча кўз узмасдан қараб турдим...

— Эшитдингизми, Жеф?

Аммо у пинагини ҳам бузмади:

— Валдираяпти. Боя сиз ҳам бир нималарни тўқиётувдингиз. Биров у дейди, биров — бу. Мени нима алоқам бор?

— Соат неча эди ўшанда, мосье Гийо?

Дудуқ Ардуэннинг тоқати тоқ бўлиб кетди;

— У-ў... ў-ў...

— Тахминан ўн бир яримлар эди, — деди жаноб Гийо. — Ингирмата кам ўн иккида биз Тюрен кўчасидаги қаҳвахонага етиб келган эдик.

— Машинангизнинг ранги қизилми?

— Ҳа, қизил. «Пежо — 403».

— Номерида иккита тўққиз рақами бор, а?

— 7949, Л-Ф. Техник паспортни кўришингиз мумкин...

— Ҳовлига тушиб, машинани кўриб келасизми, мосье ван Гут?

— Тезроқ хотинимнинг олдига борганим маъқул.

— Гапларингиздаги чалкашликни қандай тушунтирасиз?

— Тушунтириш сизнинг вазифангиз.

— Қандай хатога йўл қўйганингизни биласизми?

— Ҳа, чўкаётган одамни қутқариб қолдим.

— Лекин буни ўз хоҳишингиз билан қилганингиз йўқ.

— Нега эди? Яхшиликка ёмонлик деганлари рост экан-да.

— Сиз бир нарсани унутяпсиз: дайдининг бақирганини сиздан бошқа яна бир одам ҳам эшитган... Виллемс-ку миқ этолмаган: оғзига сув кириб, ҳаш-паш дегунча чўкиб кетган бўлиши мумкин. Табибга келганда эҳтиёткорлик қилгансиз, аввал бошига уриб, ҳушидан кетгизгансиз. Балки ўлди деб ўйлагандирсиз ёки оқим ва гирдобларга бас келолмайди, деган хаёлга боргандирсиз. Мабодо «Пуату»даги дарёчининг овозини эшитмаганингизда, жойингиздан жилмасдан, бегуноҳ бир банданинг оқиб кетишини кузатиб тураверардингиз. Ҳамкасбингиз сизни ўз баржангизда кўрган. Шунинг учун ноилож халоскор ролини ўйнашга мажбур бўлгансиз.

Жеф яна елкасини қисди.

— Боя, хатога йўл қўйдингиз, деганимда, чўкаётган одамни қутқариш учун ўзингизни сувга отганингизни эмас, балки мени чалғитиш ниятида тўқиган чўпчагингизни назарда тутган эдим, лекин тан бериш керак, жуда пухта ўйлагансиз...

Суғурта ходими билан унинг дўсти гоҳ комиссарга, гоҳ фламандияликка жовдирай-жовдирай, ахийри сўз инсон ҳаёти устида бораётганини англашди.

— Соат ўн бир яримда сиз моторни тузатиш билан машғул бўлмагансиз. Уша пайтда сиз соҳил кўринадиган жойда — ё тағхонада, ёки баржа устида бўлгансиз... Акс ҳолда қизил машинани пайқамасдингиз. Итни сувга улоқтиришганини кўргансиз, полиция сўроққа тута бошлаганда эса, шу воқеадан усталик билан фойдалангансиз. Машинани бари бир топишолмайди деган хаёл билан, Мари кўприги остидан чиқиб келган икки кишини кўрдим, деб қўя қолгансиз.

— Сизлар гапирганда мен жим турдим, тўғримми? Улар ҳам валдираяпти, сиз ҳам валдираяпсиз...

Мегрэ яна эшикни очди.

— Мосье Гуле, мархамат!

Лапуэнт кабинетга «Пуату» баржасининг дарёчисини олиб кирди. Баржа ҳанузгача Селестэн соҳилида қум тушираётган эди.

— Дарёда биров бақираётганини қачон эшитдингиз?

— Ярим кечага яқин.

— Аниқроқ айтолмайсизми?

— Йўқ.

— Вақт ўн бир яримдан ўтганмиди?

— Эҳтимол. Ҳамма иш битгандан кейин, яъни демоқчиманки, тана сувдан қирғоққа олиб чиқилгандан кейин полициячи келди. Ушанда соат ўн икки ярим эди. Назаримда, у вақтни ён дафтарига ёзиб ҳам қўйди. Албатта, фалокат рўй берган пайтдан то полициячи келганга қадар ярим соатдан ортиқ вақт ўтган эмас...

— Бунга нима дейсиз, ван Гут?

— Менми? Ҳеч нарса... Бу ҳам ўзича валақлаяпти.

— Полициячи ҳамми?

— Полициячи ҳам.

Соат тўққизда, уч гувоҳ кетганидан сўнг «Дофин» қаҳвахонасидан яна бутербродлар билан пиво келтиришди. Мегрэ қўшни хонага чиқиб:

— Энди сенинг навбатинг, — деди Лапуэнтга.

— Нимани сўрашим керак?

— Хоҳлаган нарсангни...

Шундай тартиб бор эди. Тун бўйи улар уч-тўрт марта ўрин алмашишар, айбланувчининг иродасини букиш учун, сал бошқачароқ йўл билан бўлса ҳам, айнан битта саволни такрорлайверишарди.

— Алло! Мени хотиним билан уланг.

Мегрэ хоним ҳали ётмаган эди.

— Мени кутма... ухлайвер...

— Чарчаганга ўхшайсан. Сўроқ оғир кечяптими?

Мегрэ хоним эрининг кайфияти ёмонлигини гап-сўзларидан сездн.

— Бўйнига олмаяпти, қайсарлик қиляпти. Бунақасини умримда кўрмаганман.

— Табиб-чи?

— Ҳозир суриштираман...

Комиссар касалхонага қўнғироқ қилиб, жарроҳлик бўлимининг навбатчиси билан гаплашди.

— Ухлаяпти. Йўқ, оғриқ қолди... Тушдан кейин профессор кўриб, тузалиб кетади, деди.

— Бемор тилга кирдими?

— Уйқудан олдин сув сўради.

— Бошқа ҳеч нарса дегани йўқми?

— Йўқ. Дори ичиб, ухлаб қолди.

Мегрэ йўлакда яна ярим соатча у ёқдан-бу ёққа юриб, Лапуэнтнинг «жанг» қилишига шароит яратиб берди. Унинг овози эшик ортидан аниқ эшитилиб турарди. Мегрэ қайтиб кабинетига кирганда, ван Гут панша-

хадай қўлларини тиззалари устида чалкаштирганча яна креслода ўтирарди.

Лапуэнтнинг қиёфасидан ҳеч нарсага эришолмагани яққол сезилиб турар, дарёчи эса унга истеҳзо билан тикиларди.

— Яна қанча давом этади бу машмаша? — деди у Мегрэ ўз ўрнига ўтиргач. — Консулни чақиришга ваъда берувдингиз, тўғрими? Ҳамма найрангларингизни гапириб бераман унга, Бельгия газеталари ҳам ёзиб чиқишади ҳали.

— Қулоқ солинг, ван Гут...

— Неччи соатдан бери қулоқ соляпман, нуқул бир гапни такрорлайсиз. Манови ҳам. — У Лапуэнтга ишора қилди. — Балки ташқарида мени сўроқ қилишни кутиб ўтирганлар яна бордир?

— Бўлиши мумкин.

— Уларга ҳам жавобим шу.

— Гапларингизда чалкашлик кўп.

— Нима қипти? Мени ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам худди шу аҳволга тушардингиз!

— Гувоҳларнинг сўзларини эшитдингиз-ку.

— Гувоҳлар бошқа гапни гапирешяпти, мен — бошқа гапни. Бу ҳали мени ёлғончига чиқаришга далил бўлмайди. Бутун умрим меҳнатда ўтган. Ван Гутнинг кимлигини хоҳлаган дарёчингиздан сўранг. Ҳеч ким мени ҳақимда ёмон сўз айтмайди.

Мегрэ, эҳтимол бу гал калаванинг учини топсам, деган илинжда сўроқни яна қайтадан бошлади. Илгари ҳам шундай воқеа бўлган. Худди ван Гутга ўхшаган бир қайсар одам ўн олти соат чўзилган сўроқнинг охириги дақиқасида, комиссар ҳамма нарсадан энди умидини узган бир пайтда, бирдан айбини бўйнига олган эди.

Бу тун Мегрэнинг ҳаётидаги энг оғир тунлардан бўлди. У яна икки марта бошқа хонага чиқиб турди, сўроқни Лапуэнт давом эттирди. Пировардида буторбродлар ҳам, пиво ҳам тугаб, Адолат Саройининг бўм-бўш хоналарида шарпага ўхшаб фақат учовлан қолишди.

— Ҳалиги икки одамнинг баржангиз ёнидан ўтганини кўрган бўлишингиз мумкин эмас.

— Бир-биримиздан фарқимиз шундаки, мен ўша ерда бўлганман, сиз эса бўлмагансиз.

— Гапларини эшитдингиз-ку?

— Гапираверишади-да.

— Хотиржам бўлинг, қасддан шундай қилгансиз, демоқчи эмасман...

— Нима-нима?

— Сиз уни ўлдирришга олдиндан қасд қилгансиз, деяётганим йўқ.

— Кимни? Виллемсними? Ёки ўзим қутқариб қолган одамними? Улар энди иккита бўлди, шундайми? Эртага учта, тўртта, бешта... бўлиши ҳам мумкин. Бунақада ҳисобига етолмай қоламиз-ку.

Соат учда ҳолдан тойган Мегрэ сўроқни тўхтатишга қарор қилди. Унинг ортиқ мажоли қолмаганди — айбланувчининг эмас, Мегрэнинг мажоли қолмаганди.

— Бугунга етади, — деди у ўрнидан туриб.

— Қетаверишим мумкинми?

— Ҳозирча йўқ...

— Ухлагани турмага жўнатмоқчимисиз?

— Шу ерда, бирорта кабинетда ётасиз.

Лапуэнт фламандияликни олиб чиқиб кетди, Мегрэ эса Адолат саройидан чиқиб, бўм-бўш кўчада анчагина юрди. Шатлэ яқинидагина такси тутишга муваффақ бўлди.

Оёқ учида юриб ётоҳхонасига кирди, Мегрэ хоним бошини буриб, уйқу аралаш:

— Сенми? — деб сўради, худди бошқа одам ҳам бўлиши мумкиндай. — Соат неча бўлди?

— Тўрт.

— Бўйнига олдимми?

— Йўқ.

— Айбдор ўшамикми?

— Бунга шубҳам йўқ.

— Қўйвордингми?

— Ҳозирча йўқ.

— Овқат ейсанми?

Мегрэнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмасди, шундай бўлса ҳам ётишдан олдин бир стакан винони ичиб юборди, аммо бари бир анча маҳалгача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, ухлаёлмай ётди.

Ҳа, бу бельгиялик дарёчини у энди бир умр ёдидан чиқазмайди!

VIII б о б

Лапуэнт тунни Орфевр соҳилида ўтказгани учун эрталаб уларга Торанс ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Аммо

Мегрэ жўнашдан олдин телефонда касалхонадагилар билан гаплашди.

— Бемор кеча тўла ҳушига келди, — деди профессор. — Фақат, илтимос, чарчатиб қўйманг. Ҳар ҳолда, мияси оғир лат еган, батамом соғайиб кетиши учун яна икки-уч ҳафта керак.

Учовлари офтоб нурига фарқ бўлиб ётган соҳил бўйлаб кетишди. Комиссар, Торанс ва ўртада — ван Гут. Кўрган одам уларни баҳор тонгида сайр қилиб юрган кишилар деб ўйлаши мумкин эди.

Устара олишни унутган ван Гутнинг ўсиб кетган соқоли офтоб нурида ярқирарди.

Улар Адолат Саройининг рўпарасидаги газакхонага кириб, биттадан қайноқ қаҳва ичишди. Фламандиялик ҳаш-паш дегунча еттита булочкани туширди:

Ван Гут, Мари кўпригига — воқеа содир бўлган ерга кетяпмиз, деб ўйлаган шекилли, касалхонанинг бефайз ҳовлисига бурилганларида жуда ҳайрон бўлди. Улар ичкарига киришгач, кўпдан-кўп йўлаклардан ўтишди.

Баъзан Ван Гутнинг қовоғи солинар, аммо ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Мумкинми? — деб сўради Мегрэ катта ҳамширадан.

У комиссарнинг хамроҳларига ғалати бир қараш қилдию елкасини қисиб қўя қолди. Бунақа ишларга унинг ақли етмас ва тушунишга тиришмасди ҳам.

Мегрэ учун фламандияликни Келлер билан юзлаштиришдан бўлак чора қолмағанди.

Палатага биринчи бўлиб ўзи кирди. Худди олдинги галдагидай барча беморларнинг нигоҳи яна унга қадалди. Мегрэнинг кенг елкалари орқасида Жеф кўринмади, саф охирида Торанс келарди.

Табиб буларнинг яқинлашишини мутлақо лоқайдлик билан кузатди. Ҳатто дарёчинини кўриб ҳам бир туки ўзгармади.

Қизиғи шундаки, Жеф ҳам, худди кечаси ўзини тутгандай, мутлақо хотиржам эди. У қўлларини кўксига чалкаштирганча, ўзи учун ғайриодатий бўлган палата ичинини бепарволик билан томоша қила бошлади.

Мегрэ кутган ҳодиса юз бермади.

— Яқинроқ келинг, Жеф!

— Яна нима истайсиз мендан?

— Бу ёққа келинг.

— Мана, келдим.

— Танияпсизми бу одамни?

— Дарёга чўкиб кетаёзган ўша одамдир-да, тўғрими? Лекин унда соқоли ўсган эди.

— Ҳар ҳолда, танияпсизми?

— Ўхшаброқ турибди...

— Сиз-чи, мосье Келлер?

Мегрэ нафасини ичига ютиб дайдига тикилди. Табиб ҳам комиссарга гарангсигандай андак қараб турди-ю кейин юзини базўр фламандиялик томонга бурди.

— Танияпсизми?

Нима дейиш мумкин: Келлер билиб туриб шундай қиляптими ё иккиланяптими? Комиссар унинг аниқ жавобдан қочаётганига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолди. Мавҳум сукунат анчагача давом этди, сўнг табиб яна Мегрэга индамай қараб ётаверди.

— Танияпсизми, йўқми?

Дайди яна жим. Комиссарнинг қони қайнаб кетди. Эҳтимол табибдан гап олиб бўлмаслигига ақли етганидан шундай бўлгандир. Чунки дайдининг нигоҳида аллақандай бир ҳазиломуз киноя бор эди.

Ниҳоят унинг лаблари хиёл очилди.

— Йўқ.

— Сизни дарёдан тортиб олганлардан биттаси шу!

— Раҳмат, деди у шивирлаб.

— Бошингизга уриб, сувга улоқтирган ҳам шу! Бунга ишончим комил! Яна сукунат, Бу гапларни эшитиб ҳам табибда заррача ўзгартиш бўлмади, фақат кўзларигина йилтираб турарди.

— Ҳалиям таниганингиз йўқми?

Ниҳоятда ғалати манзара: суҳбат икки каравот орасида, паст товушда кечар, беморлар булардан кўз ўзмай қараб туришарди.

— Жавоб бермоқчимасмисиз?

Келлердан садо чиқмади.

— Ахир, нима учун жонингизга қасд қилганини биласиз-ку!

Беморнинг нигоҳида синчковлик ифодаси зоҳир бўлди. Афтидан, у Мегрэнинг шунча нарсани билиб олганига ажабланаётганди.

— Бу воқеа икки йил муқаддам, сиз ҳали Берси кўприги остида тунаб юрган кезларингизда содир бўлган. Бир куни тунда... Эшитяпсизми?

Табиб бош ирғади.

— Бир куни кечаси, декабрь ойида, сиз манови киши аралашган бир жиноятга беихтиёр гувоҳ бўлгансиз.

Келлер, афтидан, нима деб жавоб бериш ҳақида ўйларди.

— Ўшанда бу одам, — давом этди Мегрэ, — баржа эгасини дарёга итариб юборган. Сувдан унинг ўлигини опчиқинган... Баржа эса сиз остида ётиб юрадиган кўприkning ёнгинасида турган...

Яна жавоб бўлмади. Ўша-ўша лоқайдлик.

— Шу тўғрими? Душанба куни кечқурун қотил сизни Селестэн соҳилида кўриб, оғзидан гуллаб қўяди, деб қўрқиб кетган.

Бемор бошини аранг буриб, Жеф ван Гутнинг юзига тикилди.

Аммо нигоҳида на ғазаб, на нафрат учқунни йилтиради.

Мегрэ дайидан гап олиб бўлмаслигига батамом ишонди, шу боис, ҳамшира улардан кетишни илтимос қилганида, эътироз билдирмади.

Йўлакка чиққанларида дарёчи луқма ташлади:

— Хўш? Ниятингизга етдингизми?

Фламандиялик ҳақ эди; бу гал у голиб чиққанди.

— Мен ҳам биламан ҳар хил ривоятлар тўқишни! — деди у яна тантановор оҳангда.

Мегрэнинг жони халқумига келди:

— Учир овозингни!

Мегрэ Жеф билан Торансни Орфевр соҳилида қолдириб, ўзи икки соат давомида судья Данцигер билан суҳбатлашди. Судья прокурор ёрдамчиси Парренга қўнғироқ қилиб, ҳузурига киришни илтимос қилди. Шундан сўнг Мегрэ жиноят қандай содир бўлгани тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини ипидан игнасигача баён этди.

Судья қалам билан ёндафтарга баъзи маълумотларни ёзиб борди, Мегрэ гапини тугатганидан сўнг эса:

— Хуллас, сизда унга қарши бирорта далил йўқ, — деди.

— Бирорта ҳам, — дея унинг сўзини тасдиқлади комиссар.

— Фақат фалокат юз берган вақт бундан мустасно. Аммо ҳар қандай тажрибали адвокат бу далилга осонгина чап бериб кетиши мумкин.

— Биламан.

— Уни иқрор этишдан умидингиз борми?

— Асло.

— Дайди бундан кейин ҳам гапирмайди, деб ўйлайсизми?

— Бунга ишончим комил.

— Қизик, нега бунақа қиялптийкин?

Буни тушунтириш осон эмас. Айниқса, кўприклар остида яшайдиган бечораларга дуч келмаган одамга.

— Дарҳақиқат, нима учун? — суҳбатга қўшилди прокурор ёрдамчиси. — Улишига бир баҳя қопти-ю, яна қайсарлик қилганига ҳайронман...

— Тўғри-да, Парижнинг энг обод ва кўркем райони — Пассида инстиқомат қиладиган, ойнага икки марта уйида зиёфат берадиган, ўз мартабасию маоши ошишидан бошқа нарсани ўйламайдиган прокурор ёрдамчиси ҳайрон бўлмай ким ҳайрон бўлсин!

Аммо дайди бундай ўйламасди...

Адолат қарор топиши керак-ку, ахир!

Албатта-да! Бироқ қаҳратон қишда устига эски газеталарни ёпиб кўприклар остида ётишдан чўчимайдиганларнинг ўзлари бу ҳақда камроқ ўйлашади.

— Нега бундай қилаётганининг сабабини биласизми, комиссар?

Мегрэ «ҳа» деб жавоб беришдан ўзини тийди, чунки суҳбатдошларини таажжубга солишни хоҳламади.

— Биласизми... унинг учун суднинг ҳам, терговнинг ҳам, сўроқларнинг ҳам, қўйинг-чи, ҳукм ва турманинг ҳам у қадар аҳамияти йўқ.

Агар комиссар жабрланувчининг кафтига ўзи қўйган шиша соққача ҳақида гапириб берганида булар қандай хаёлларга боришарди? Ёки хотини ҳозир ҳам Сен-Луи оролида яшаётган, қизи эса йирик фабрикачига турмушга чиққан собиқ дўхтир Келлер, худди ўн ёшли болакайдек, чўнтагига шиша соққачалар солиб юришини айтганида-чи?

Гап айланиб яна Жефга тақалди.

Судья прокурор ёрдамчисига бир қараб қўйиб, шундай деди:

— Бу аҳволда уни қамоққа олиш тўғрисидаги қозғалган имзо чеколмайман. Гапингизга қараганда, комиссар, ван Гутни ўзим сўроқ қилган тақдиримда ҳам бирор натижа чиқиши гумон.

Рост, Мегрэнинг қўлидан ҳеч иш келмади-ю, судьяга йўл бўлсин!

— Хўш, нима қилиш керак бўлмаса!

Нима қилиш керак? Мегрэ бу ёққа келмасидан олдинроқ ютқазганини биларди. Энди фақат бир нарса қолди: ван Гутни қўйиб юбориш ва ундан узр сўраш.

— Кечирасиз, Мегрэ, бу аҳволда...

— Тушунаман...

Яна кўнгилсиз дақиқаларни бошдан кечиришига тўғри келди. Ҳар гал калтабин одамларга иши тушганида шундай бўлади.

— Узр, жаноблар, — деди у астагина, судьянинг кабинетидан чиқиб кета туриб.

Орадан сал вақт ўтмай, комиссар бу сўзни ўз кабинетидан такрорлади:

— Узр, мосье ван Гут! Тўғри, мен фақат расмийт учунгина узр сўраяпман. Лекин билиб қўйинг: мен ўз фикримда қоламан. Ўз хўжайинингиз Луи Виллемсиз сиз ўлдиргансиз, бунга беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган дайидан қутулиш учун унинг жонига қасд қилган ҳам ўзингиз! Бунга заррача шубҳам йўқ. Энди баржангизга, хотинингиз билан қизингизнинг олдига кетаверишингиз мумкин. Хайр, мосье ван Гут!

Мегрэ, ҳозир фламандиялик осмондан келади, деб кутган эди — бундай бўлмади. У комиссарга андак ҳайротомуз қараб турди-да, сўнг узун, бесўнақай қўлини узатди:

— Ҳамма ҳам хато қилиши мумкин-ку. Тўғрими?

Мегрэ узатилган қўлини кўрмаганликка олди ва сал ўтмай, чала қолган бошқа ишларга шўнғиб кетди.

Кейинги бир неча ҳафта давомида полиция ҳам Берси соҳилида, ҳам Мари кўприги атрофида шу жиноят юзасидан қаттиқ иш олиб борди. Кўплаб одамлар сўроқ қилинди. Сўровга кўра Бельгия полицияси жўнатган маълумотлар ҳам тергов қоғозларига тиркаб қўйилди.

Комиссар эса... Уни кейинги уч ой давомида одамлар Селестэн соҳилида тез-тез кўрадиған бўлиб қолишди. Оғзида трубка, қўлларини чўнтакларига солганча, худди бекорчи одамдай, Мари кўприги ёнидан шошмасдан ўтиб кетарди. Табиб касалхонадан чиқиб, яна кўприк остидаги ўз масканига қайтди. Нарсаларини қайтариб беришди.

Баъзан Мегрэ, худди тасодифан кўриб қолгандай, дайди табибнинг рўпарасида тўхтарди. Суҳбатлари жуда қисқа бўларди:

— Қалайсиз?

— Тупроқдан ташқари.

— Ярангиз безовта қилмаяптими?

— Баъзан бошим айланади...

Улар юз берган воқеадан сўз очмасликни маъқул кў-

ришди, ammo Келлер комиссарнинг нима мақсадда бу ёққа келишини биларди. Мегрэ ҳам унинг буни тушунишини биларди. Ўзига хос бекниmacher ўйини шу тариқа ёзгача давом этди.

Бир куни эрталаб комиссар суви қочган нон билан қизил вино ичиб ўтирган дайдининг олдида тўхтади.

— Қалайсиз?

— Тупроқдан ташқари.

Эҳтимол, Франсуа Келлер, кутавериб комиссарнинг сабр косаси тўлиб кетди, деб ўйлагандир? Шунданми, соҳилда тўхтаб турган «Зваарте Зваан»га жудаям ўхшайдиган Бельгия баржасига қараб туриб:

— Буларга маза-да, — деди.

Сўнг кема саҳнида ўйнаб юрган икки болакайга ишора қилди:

— Айниқса ановиларга...

Мегрэ унинг кўзларига қаттиқ тикилди: ҳозир яна бир нарса дейди.

— Аммо яшаш осон эмас, — давом этди дайди.

— Улиш ҳам.

— Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Улар бир-бирларини тушунишди.

— Раҳмат сизга, — деди комиссар. Ниҳоят у билмоқчи бўлган нарсасини билволганди.

— Нега энди? Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ-ку. — Сўнг фламандияликка ўхшатиб: — Тўғрими? — деб қўйди.

Ростдан ҳам у ҳеч нарса дегани йўқ. Судлашишдан бош тортди. Гувоҳлик беришни хоҳламади.

Шунга қарамай, бир куни нонушта қилиб ўтирганларида Мегрэ хотинидан сўраб қолди:

— Хў анави баржа билан дайди воқеаси ёдингдами?

— Албатта. Бирор янгилик борми?

— Мен янглишмаган эканман.

— Ҳибсга олдингми уни?

Мегрэ бош чайқади.

— Йўқ! Фламандиялик яна бирор ишқал чиқазмагунча ҳибсга олиб бўлмайди. Лекин энди бундай бўлиши қийин. уни ҳибсга олиб бўлмайди.

— Табиб бирор нима дедими?

— Маълум маънода — айтди...

Эр-хотин бир-бирларини сўзсиз тушунишди, Мегрэ Келлер билан кўприк остидаги охирги сўҳбатини эслаб, мийиғида кулиб қўйди.